

432

Ўттиз еттинчи йил чиқиши

Муҳаррам 1444ҳ

Август 2022м



Ал-Ваъй

Кенг қўламли,  
фикрий, сақофий журнал

### Ал-Ваъй сўзи

Ҳижрат – нусрат талаб қилиш самарасидир...  
Шу иккиси орқали ўзгартириш босқичлари якунига  
етиб, Халифалик давлати барпо этилади

Саудия режими Ғарбга  
содиқ бўлиб, мўминлар  
йўлидан бошқа йўлга  
юрмоқда  
(Муҳаммад Исонинг  
Арафотдаги имомлик ва  
воизликка тайинланиши)

Динни янгилаш (2)

Намунавий иқтисод низоми (2)  
Исломий иқтисодий низом соясида

АҚШ долларининг бошқа  
валюталар устидан ҳукмрон-  
лиги ва унинг оқибатлари



432

Ўттиз еттинчи  
йил чиқиши  
Мухаррам 1444х  
Август 2022м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ҳижрат – нусрат талаб қилиш самарасидир... Шу иккиси орқали ўзгартириш босқичлари якунига етиб, Халифалик давлати барпо этилади ..... 3
- Динни янгилаш (2) ..... 8
- Намунавий иқтисод низоми (2)  
Исломий иқтисодий низом соясида ..... 22
- АҚШ долларининг бошқа валюталар устидан ҳукмронлиги ва унинг оқибатлари .... 35
- Давлат ва жамият ўртасидаги бўлинишга барҳам бериш (Покистон мисолида) ..... 41
- Аждар давлат ва бўри одам Либерализм, демократия, илмонийлик ва капитализм ўртасида ..... 44
- Туркия ва Греция ўртасидаги кескинлик, хусусан Эгей денгизидаги ороллар устида тортишувнинг ҳақиқати ..... 48
- **Олам муслмонлари хабарлари** ..... 54
- **Қуръони Карим суҳбатида** ..... 60
- **Жаннат боғлари:** «Аллоҳ Таоло бу динда ўзига итоат қилинишида фойдаланадиган кўчатларни ўтқазидан тўхтамайди» ..... 67
- **Сўнги сўз:** Саудия режими Ғарбга содиқ бўлиб, мўминлар йўлидан бошқа йўлга юрмоқда... (Муҳаммад Исонинг Арафотдаги имомлик ва воизликка тайинланиши) ..... 75



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## **ҲИЖРАТ – НУСРАТ ТАЛАБ ҚИЛИШ САМАРАСИДИР... ШУ ИККИСИ ОРҚАЛИ ЎЗГАРТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ЯКУНИГА ЕТИБ, ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ БАРПО ЭТИЛАДИ**

Ҳижрат. Унинг нима эканини биласизми?! У Аллоҳнинг кунларидан бири бўлиб, агар мусулмонлар ҳижратнинг нима учун бугунгидек оғир кунларда бўлганлиги ҳақида ўйламасдан ва ўз ҳаётларида эгалланиши керак бўлган позицияларга эътибор бермасдан у кунни байрам қилсалар, унинг ҳаққини адо этмаган бўладилар. Шунинг учун бу кун кутилган воқеа бўлмоғи керакки, динни барпо этишда биз ундан сабоқ олишимиз ва уни ўзимиз учун ҳидоят машъали қилиб белгилашимиз лозим. Росулulloҳ ﷺнинг илк Ислому давлатини барпо этишларида ҳижратнинг таъсири кучли бўлганидек, Аллоҳнинг изни ила Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этишда ҳам унинг таъсири кучли бўлади.

Ҳижрат – тариқат аҳкомларидан бўлган шаръий ҳукм бўлиб, Росулulloҳ ﷺ улар орқали Ислому давлатини барпо этганлар. Шунингдек, у Ислому давлатини барпо этишга қаратилган тариқат аҳкомларининг хотимасидир. Ҳижрат нусрат талаб қилишнинг самараси бўлиб, Маккадаги Ислому давлати барпо этилишидан олдинги босқич билан, Мадинадаги Ислому давлати барпо этилганидан кейинги босқич ўртасини боғловчи ҳалқа бўлган. Зеро, мусулмонларнинг Маккадаги куфр диёридан Мадинадаги Ислому диёрига кўчишлари ҳижрат орқали гавдаланди... Шундай экан, мусулмонлар бугун ўз даъватларида ушбу шаръий ҳукмга нисбатан қандай муносабатда бўлишлари керак?!

Бугунги даъват Росулulloҳ ﷺ ҳижратдан олдин Маккадаги даъватнинг сўнги босқичларида олиб борган даъватга тамоман ўхшайди. Зеро, бутун ишлар даъватга қарши қаратилган, даъват қуршовга олинган, Росулulloҳ ﷺ ва мўминлар тазйиққа учраган бир пайтда, У зот дин ғолиб бўлиб, давлат барпо этилишини кутган эдилар. Ҳатто иш Росулulloҳ ﷺни ўлдириб, бу жиноят жавобгарлигини қабилалар ўртасида бўлиштириш учун тил бириктиришгача етиб борган эди... Бугунги даъватни Росулulloҳ

Энинг ҳижратдан олдин қилган даъватга ўхшатишни ўқувчи муболаға ва ёлғон деб ўйлаши ҳам мумкин... Йўқ, асло ундай эмас. Ахир, бугунги кунда ҳам мусулмонлар оғир мусибатни бошдан кечираётганини ким билмайди?! Исломга, айниқса, Аллоҳнинг ҳукмини барпо этиш учун олиб борилаётган даъватга, даъват фаолиятини олиб борувчиларга қарши шиддатли ҳужум ва макр-ҳийлалар, шунингдек, обрўсизлантириш уринишлари тўхтовсиз давом этиб келаётганини ким билмайди?! Дарҳақиқат, исломий ҳаётни қайта бошлашга бўлган даъват билан уни олдини олиш уринишлари ўртасидаги кураш кескинлашди. «Террорга қарши кураш» номли глобал шиор остида даъватга қарши уруш авж олди.

Ҳа, бу ерда ҳеч қандай муболаға ва ёлғон йўқ. Ғарб Умматнинг Ислом ҳукмронлиги остида яшашни исташини билади. Шунинг учун айнан Халифаликка қарши уруш эълон қилди. Барчамиз биламизки, Афғонистон ва Ироқни босиб олинганидан кейин Ғарб расмийлари Умматнинг Халифаликни барпо этишни исташи ва айни шу нарсани олдини олиш учун ҳам ишғол қилишгани ҳақида бир қанча баёноتلарни беришган. Демак, кураш моҳияти шуки, мусулмонлар Халифаликни барпо этиш орқали ўз ҳаётларида динни ўрнатишни хоҳлайдилар, Ғарб эса, бунинг олдини олишга ҳаракат қилади.

Ғарб бу курашни ва унинг кўламини тушунади. Шунинг учун у қуйидаги йўналишда кураш олиб боради:

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Халифаликка ҳужум қилиб баёноتلар беради.

Халифаликни обрўсизлантириш учун ИШИД содир этган ўлдириш, ёқиш, сўйиш ва чўктириш каби жиноятларни унга боғлади.

Мусулмон юртлар ичкаридан парчаланиши учун мазҳабпарастликни, миллий ва этник низоларни қўзғайди.

Ғарб ғафлатда қолиб, Халифалик давлати барпо бўлган тақдирда, у ҳолдан тойган ва мадорсиз бўлиб қолиши ҳамда биринчи кунданок унга зарба бериш осон бўлиши учун мусулмон юртларини вайрон қилиб, тинкасини қуритади.

Сайкс-Пико келишувига мувофиқ бўлиб ташланган мусулмон юртларни яна қайта бўлиб парчалайди.

Мусулмон юртларни бошқарадиган конституцияларнинг Ислом ҳақидаги ҳар қандай сўздан холи бўлишига қаттиқ туради.

Исламизмга, яъни Ислом шариат, бошқарув ва ҳаёт низомларига эга деб эътибор қилинишига ҳамда ўз даъватларида шариатни ҳукмрон қилишга, уни даъват ва жиҳод орқали ёйиш учун ер юзида

Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатишга асосланган исломчиларга уруш эълон қилади.

Исломий сиёсий ҳаракатларнинг бўлишига рухсат бермайди, хайрия ишлари билан шуғулланувчи, ҳудожўйликка чақирувчи ва булардан бошқа яхши одоб-ахлоққа чорловчи ҳаракатларнинг бўлишига рухсат беради.

Ҳа, Ислом ва муслмонларга қарши онгли равишда, қатъият билан Ғарб олиб бораётган курашнинг моҳияти бундан бошқача эмас. Бироқ бу курашнинг диққатга сазовор томони шундаки, ундаги ташаббус айримлар тасаввур қилганидек, Ғарб қўлида эмас, балки муслмонлар қўлидадир. Чунки муслмонлар ўзгартиришни хоҳлашмоқда. Ғарб эса, бунинг олдини олишни хоҳламоқда. Муслмонлар қўзғолонларни амалга оширган бўлса, Ғарб аксилинқилоблар уюштириб, унда муслмон ҳоқимлардан қўзғолонларни пичоқлайдиган ханжар сифатида фойдаланди. Муслмонлар Афғонистон ва Ироқда Америкага қарши курашган бўлса, Ғарб муслмонларнинг Ислом давлатини барпо этишларига йўл қўймаслик учун муслмон юртларни босиб олди... Кофир Ғарб муслмонларнинг кейинги қадами нима бўлиши ва нима билан ҳайратда қолдиришларини билмайди... Муслмонлар Исломий давлатни барпо этишдек мақсадларига эришмаслиги ва ташаббусни қўлга олмаслиги учун Кофир Ғарб муслмон юртларни вайрон этиш, бойликларини талон-торож қилиш ҳамда уларнинг ривожланиш борасидаги умидларини сўндириш учун катта қарзларга ботиришга бел боғлади. У Исломий давлат барпо бўлган тақдирда ҳам ўша қарзлар уларни қийнашини хоҳлади. Чунки муслмонлар ўшанда уларнинг ҳисоб-китобига кўра ўзларини энг қуйи жойда топадилар ва ундан чиқиш учун узоқ вақт ва имкониятларга муҳтож бўладилар, натижада уларга зарба бериш осон бўлади. Биз кофир Ғарбни муслмонлар орасида бўлиниш, низо ва қонли урушларни қўзғатишга ҳаракат қилаётганини кўрдик, токи уларни бўлиш ва яхлитлигини бузиш орқали исломий давлат тикланиши олди олинсин...

Ўзгартириш учун ҳаракат қилаётган жамоалар ўз даъватларини Росулulloҳ ﷺнинг тариқати асосида олиб бормас экан ва ўзларини шаръий ўзгартириш амалиётига бағишламас экан, демак уларда йўналишнинг тўғрилигига соғлом шаръий ҳукмдан иборат бир мезон йўқ. Буни фақат Росулulloҳ ﷺ юрган йўлдан қадамма-қадам юрган ва У зотнинг тариқатидан намуна олган кишигина билади... Бу жамоалар буни қаердан ҳам билсинлар. Чунки улар ўзларини шаръий ўзгартириш амалиётига бағишламадилар ва давлат барпо этишда

Росулulloҳ ﷺ изидан бормадилар. Улар аслида ботилни ислоҳ қилишга, авратни тўсмайдиган эскирган кийимни ямашга, динни босқичма-босқич тиклашга ҳамда Аллоҳ Таоло ердан сиқиб чиқаришни буюрган куфр режимларида иштирок этишга чақирадиган ношаръий йўлларга таклиф қилишни танлашди. Улар шаръий компасни йўқотишди. Шундай экан, қандай қилиб тўғри йўл топсинлар?! Агар улар Пайғамбаримиз ﷺ дан ўрнак олганларида эди, буларнинг барчасини билган бўлардилар... Дарҳақиқат, Ислomий давлатни барпо этиш йўлидаги даъватнинг қаерга етиб борганини Росулulloҳ ﷺ йўлига эргашганлардан бошқа ҳеч ким билмайди.

Худди шу нарса Ғарбга ҳам тегишли. Ислomда воқеликни ўзгартириш ҳақида Росулulloҳ ﷺ дан намуна олишга асосланган ўзига хос шаръий қараш мавжуд бўлганидек, даъватнинг ривожини кузатаётган, унга қарши фитналар уюштираётган ва уни йўқ қилиш учун қўлидан келган барча ишни қилаётган Ғарб ҳам воқеликни ўзгартириш ҳақида ўз қарашига эга. У ўзгартиришни ўзининг фикрлаш тарзига мос келадиган моддий ўлчовларга кўра ўлчайди ва Ислomдан бошқача тушунчаларига кўра хавфни белгилайди. Табиийки, унинг аҳкомлари мусулмонларникидан фарқ қилади. Шунинг учун у мусулмонлар ўз динлари йўлида дуч келган нарсага чидаб беришадиган афсонавий сабрларни тушунмайди, чунки у бундай сабрга эга эмас... Ғарб ўзининг динига ўхшатиб, мусулмонларнинг динини ҳам ўзгартирмоқчи ва Ислomни мабдаийлик ва сиёсийликдан маҳрум қилмоқчи... Ғарб ишларни моддий жиҳатдан ўлчар ва можаронинг сабаби фақат моддий кураш деб ҳисоблар экан, мусулмон киши охиратини дунёсидан афзал кўришини тушунмайди... У қўлидан келганича мусулмонлар ўртасини бўлади. Лекин уларни бўлиш уларни ислomий давлатни барпо этиш устида иш олиб боришга ундайдиган катта сабаб эканини билмайди. Давлатки, уларни бирлаштиради ва яхлит битта Уммат эканликларини сездиради... Ғарб барча мусулмон юртлардаги мусулмонларга қилинаётган зулмлар кофир мусулмонлардан Азиз ва Ҳикматли Аллоҳга иймон келтирганлари учун ўч олаётгани ҳақидаги ягона ҳисни пайдо қилишини билмайди. Ғарб мусулмонларнинг динини йўқ қиляпман деб ўйлар экан, уларнинг уйғонишига ҳисса қўшаётган бўлади. Нима бўлганда ҳам кураш давом этмоқда ва у ўзининг энг чўққисидадир. Золим Ғарб эса, яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганини билиб олур.

Бугунги даъват Росулulloҳ ﷺ нинг Маккада олиб борган даъватларидан намуна олган ҳолда Ислomий давлатни барпо этишга

қаратилган бўлиши керак. Демак, бугун Росулulloҳ ﷺ қилган ишлар қилиниши лозим. Чунки исломий давлат шу йўл билан тикланади... Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺнинг тариқати асосидаги биргина даъват Ҳизб ут-Тахрирнинг даъватидир. Худди шундай йўлда фаолият олиб бораётгани ҳақида даъво қиладиган бошқа даъват мавжуд эмас. Аксинча, бошқа барча даъватлар ҳали ҳам биз айтган йўл бўйича юриш шарт эмас деб даъво қилмоқда. Демак биз айтамызки, Ҳизб ут-Тахрир биринчи кундан бошлаб, барча ҳаракатларида тариқатни маҳкам ушлади ҳамда ўзгартирмади ва ўзгармади. У муслмонларга қилган даъвати билимдон ва хабардор зот Аллоҳгина очадиган шодлик эшигига етиб борганини айтмоқда. Яна у даъват босқичи нусрат эшигига ва охири қадамига етиб келганини айтмоқда. У ҳам бўлса, Росулulloҳ ﷺнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилиши орқали рўёбга чиққан дорул куфрдан дорул Исломга кўчиш ҳодисасидир. Иш Аллоҳнинг қўлида ва у зотнинг тавфиқи билан экан, бугун албатта у рўёбга чиқади. Чунки Аллоҳ Таоло ҳижратни нусратга боғлиқ қилиб қўйди, яъни у нусратнинг самарасидир. Айтиш мумкинки, ўзгартириш жараёни мукамал бўлиши ва бошқарув (ҳижрат) босқичига кўчиши учун энди нусратдан бошқа нарсага муҳтож эмас... Яна қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, нусрат Аллоҳ Таолонинг ваъдаси бўлиб, у яқинда амалга ошади, бунга ҳеч шубҳа йўқ. Мўминлар унга ишонадилар, кофирлар эса уни менсимайдилар.

Ҳижрат – барча пайғамбарларнинг даъватлари учун белгиланган қисматдир. Зеро, Аллоҳ ҳар бир Пайғамбар учун ҳижрат қилишини белгилаган бўлиб, бу унинг ўз юртидан чиқишидир. Росулulloҳ ﷺнинг Маккадаги даъват тариқатининг якунида шундай иш рўй берди. Ўшанда муслмонлар заиф ҳол, азоб чеккан ҳамда сони кам ва ёрдамсиз аҳволда эди... Мадинада эса, биринчи исломий давлат барпо бўлгач, Халифалик ва ғолиблик бўлди ҳамда дин ёйилди. Яқинда муслмонларда яна шундай ҳодиса рўй беражак.

﴿وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدَهُ، وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦٧﴾ يَعْلَمُونَ ظَهْرًا مِّنَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَهُمْ عَنِ الْآخِرَةِ هُمْ غَفْلُونَ﴾

**«(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар. Улар охираддан ғофил-бехабар бўлган ҳолларида фақат ҳаёти дунёнинг зоҳиринигина билурлар»**

[Рум 6-7] □

## ДИННИ ЯНГИЛАШ (2)

Юсуф Сорисий – Байтул Мақдис

### Ислом аҳкомлари ўзгарувчан ва мослашувчанми?

Диний ёки вазъий (одамлар томонидан жорий қилинган) бўлишидан қатъий назар, барча қонунлар инсоннинг турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатларидан келиб чиқувчи, яъни унинг ишларидан пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилади. Қонунлар одатда, воқелиги идрок этилган эски ёки янги муайян воқеа-ҳодисаларни муолажа қиладиган ўзгармас матнлар бўлади. Сўнгра бу матнлар ушбу воқеа-ҳодисаларни муолажа қилиш вазифасини бажаради. Муқаддас китобларда нозил қилинган динлар келтирган қонунлар қатъий ва ўзгармас деб тавсифланади. Чунки ушбу қонунларни Пайғамбарларга нозил қилган ваҳий раббоний рисолатни тўла қилиш билан ўз ниҳоясига етган. Инсонлар томонидан ишлаб чиқарилган қонунлар эса, ўзгаришда давом этади. Чунки қонун чиқарувчилар ушбу нуқсонли, инсоннинг барча шароитларини қамраб ололмайдиган ва воқеа-ҳодисаларни тўғри муолажа қилишга ожизлик қилувчи қонунларни доимий равишда ўзгартириб турадилар. Ҳар доим шароит ўзгариб, қонунларнинг камчилиги кўриниб қолганида, қонун чиқарувчилар янги воқеликка мослашиш учун янги қонунларни қўшишга ва эскиларини ўзгартиришга мурожаат қилишади.

Одамлар ўз эҳтиёжлари ва ғаризаларини қондириш учун муайян иш-ҳаракатларни амалга оширадилар. Бу иш-ҳаракатлар ҳар бир даврда янгиланиб турадиган услуб ва воситалар ўзгариши туфайли ўзгариб туради. Аммо диққат билан мулоҳаза қилсак, бу ўзгариш асосда эмас, балки ташқи кўринишда бўлишини кўрамиз. Шу маънодаки, ўзгарган нарса ҳаётий қувватдан пайдо бўладиган инсон ишларининг асли эмас, аксинча, ўзгарган нарса қондириш услублари ва воситаларидир.

Овқатланиш, чанқоқни қондириш, ухлаш, нафас олиш, ҳожат чиқариш, салқинлаш ва исиниш каби узвий эҳтиёжлар инсондаги ҳаётий қувватдан пайдо бўладиган инсоний ишлардир. Улар замон ва маконга қараб ўзгармайдиган аслий эҳтиёжлар бўлиб, улардаги ўзгарадиган нарса уларни қондириш учун ишлатиладиган услуб ва воситалардир. Масалан, овқатланиш ҳар бир инсондаги аслий эҳтиёж. Овқатланиш услублари, унинг шакли ва турлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат орқали уни яратишда қўлланадиган қуроллар, шунингдек, уни тайёрлаш ва тановул қилишда қўлланадиган услуб ва воситалар замон ва маконга, халқларнинг табиатига қараб ўзгаради.




Ҳаётий қувватнинг иккинчи жиҳатига алоқадор бўлган бақо (яшаш учун курашиш), нав ва тадайюн ғаризаларига келсак, улар ҳам замон, макон ва халқлар ўзгарса ҳам ўзгармайдиган барқарор энергия ва эҳтиёжлардир. Улар ўзгармас бўлиб, уларни сўндириш, йўқ қилиш ёки бостириш мумкин эмас. Аксинча улар қондиришни талаб қилади ҳамда одамларни бу эҳтиёж ва истакларни қондириш учун муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Агар қонунлар ушбу ғаризалар ва улар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлса, унда улар ушбу ўзгармас ғаризавий қувватнинг аслини муолажа қилган бўлади. Аммо қонунлар ана шу ғаризаларни қондириш жараёнларини амалга ошириш услублари ва воситаларини ҳал қилишга қаратилган бўлса, у ҳолда услуб ва воситаларни такомиллаштириш ва ўзгартиришдан келиб чиққан янги воқеликка мослашиш учун ҳар бир замон ва маконда, шунингдек, турли халқлар орасида қонунларни ўзгартириш мажбурияти пайдо бўлади.

Масалан, бақо ғаризасининг кўринишларидан бири инсоннинг ўзини ҳимоя қилишга интилишидир. Бу эса, маълум жойларда душманлардан – улар одамлар бўладими ёки йиртқич ҳайвонлар ва табиий офатлар бўладими ҳеч бир фарқсиз – ҳимояланишни талаб қилади. Шунинг учун одамлар ўзларини бундай душманлардан ҳимоя қиладиган мустаҳкам уйлар, шаҳарлар ва қўрғонларни қурадилар, қурол-аслаҳаларни ясайдилар. Аммо мана шу ишларда қўлланадиган восита ва услубларга келсак, улар замон, макон ва халқларга қараб турли туман бўлади. Агар қонунлар мана шу қурол, турли шаклдаги уйлар, қалъалар ва ишлатиладиган қурилиш материаллари каби ўзгарувчан восита ва услубларга қаратилган бўлса, қонунларни замон, макон ва халқларга қараб ўзгартириш керак бўлади. Аммо қонунлар аслий эҳтиёжни, яъни жонни ҳимоя қилишни муолажа қилишга қаратилса, қонун замон, макон ва одамлар ўзгариши билан ўзгармайдиган ғаризавий эҳтиёжнинг аслини муолажа қилган бўлади.

Агар қонунлар ўша узвий эҳтиёж ва ғаризаларни қондиришда қўлланадиган услуб ва воситаларни муолажа қилса, демак улар замон, макон ва одамларга қараб ўзгаради. Лекин қонунлар ўша эҳтиёжнинг ўзини, бошқача айтганда ҳаётий қувватни, қондиришга рухсат берилган ва берилмаган нарсаларни муолажа қилса ва қондириш кайфиятини белгилаб берса, бу иш замон, макон ва одамларнинг табиатига қараб ўзгармайди. Чунки эҳтиёж инсоннинг аслий эҳтиёжи бўлиб, у барча замонлар ва одамларда ўзгармайди.

Шунинг учун инсоннинг узвий эҳтиёжи ва ғаризалари каби асл эҳтиёжларини муолажа қиладиган қонунлар замон, макон ва одамлар ўзгариши билан ўзгармайдиган инсоний ишларни муолажа

қилади. Шундай экан, ушбу қонунлар услуб ва воситалар қанчалик ўзгармасин, ўзгармайди. Бу Аллоҳ нозил қилган қонунларга мос келади. Аммо узвий эҳтиёж ва ғаризалардан пайдо бўладиган шакллар яъни услуб ва воситаларга эътибор қаратадиган қонунлар ўзгариб янгиланиб турадиган услуб ва воситаларни муолажа қилишга мажбур бўлади. Шунинг учун улар асрлар давомида ва турли жойларда инсон ишларини муолажа қилишга ярамайдиган ўзгарувчан қонунлар бўлади. Инсонлар томонидан жорий қилинган барча қонунларнинг аҳволи мана шудир.

Ислом шариати раббоний шариат бўлиб, қиёматгача ўзгармайди ва мустаҳкам туради. Шунинг учун Қуръон ва Суннатдаги шаръий нусуслар қандай нозил бўлса ўшандай, кўпаймайди ҳам, озаймайди ҳам. Улар муайян-белгиланган нусуслар бўлиб, замон, макон ва одамларга қараб ўзгармайдиган шаръий аҳкомларни ўз ичига олади. Бу нусуслар барча инсонларга инсон сифатида мурожаат қилади ва уларнинг ишларига инсоний муаммо сифатида ечим беради. Яъни инсоннинг моҳиятига ҳамда унинг ғариза ва узвий эҳтиёжлари турткиси натижасида келиб чиқувчи асл амалларига қарайди. Ўша ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондириш учун яшаш тарзига оид ишларни амалга оширишга ундайдиган бу турткилар инсоннинг моҳиятидан келиб чиқадиган турткилардир. Демак, улар на ўзгаради ва на ривожланади. Шунинг учун улар Одам  давридан бери ўзгармаган ва қиёмат кунига қадар ўзгармайди. Инсонда ўзгарадиган нарса узвий эҳтиёж ва истакларини қондирадиган ишларни амалга оширишда фойдаланадиган восита ва услублардир.

Шунингдек, агар инсон ишларининг воқелигига назар ташласак, улар инсондаги ҳаётий қувватдан келиб чиқувчи ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондириш учун инсон томонидан амалга ошириладиган ўзгарувчан ҳаракат эканини кўрамиз. Бу куч ҳар бир инсонда, унинг индивидуал фазилатларидан қатъий назар, туғмадир. Бинобарин, ҳаётий куч мавжудлиги жиҳатидан, барча одамлар бир хил. Аммо ҳаётий кучнинг кучли ёки заиф бўлиши жиҳатидан одамлар бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун инсоннинг асл амалларига алоқадор муолажа ҳар бир замон ва макондаги ҳар қандай инсон учун битта муолажа бўлади. Агар бу муолажа муайян жамиятдаги инсонлар гуруҳига яроқли, самарали ва шифобахш муолажа бўлса, ирқи ва жинсидан қатъий назар барча замон ва маконлардаги инсонларга мос келаверади.

Инсон муаммоларини муолажа қилиш унинг хусусият ва асл ишларига боғлиқ моҳиятига қаратилган экан, бу муолажа замон ва

маконга қараб ўзгармайдиган собит бўлиши керак. Чунки инсон ишларининг асл қўзғовчи кучлари ўзгармайдиган собитдир.

### **Исломий шариатнинг барча замон ва маконга яроқлилиги**

Исломий шариат ҳар қандай замон ва маконга яроқли бўлишининг иккита шarti бор. Улар:

- Биринчидан: Исломий шариатнинг олдинги ва асрлар давомида янгиланиб турадиган муаммоларни муолажа қила олиши.
- Иккинчидан: Исломий шариатнинг муаммоларни тўғри йўл билан муолажа қилиши.

Ислом аҳкомларининг инсон томонидан содир бўлган барча хатти-ҳаракатларни қамраб олишига алоқадор бўлган биринчи шартга келсак, шариат инсоннинг барча ишларини ҳеч бир истисносиз муолажа қилишга қодир. Инсон томонидан ўтмишда содир бўлган ва энди содир бўладиган ҳар қандай хатти-ҳаракат бўлмасин, унга алоқадор ва уни муолажа қиладиган шаръий ҳукм бор. Буни тасдиқлайдиган бир қанча шаръий нусуслар мавжуд. Ислом шариати барча Раббоний шариатларни яқунловчиси бўлгани учун, у тўла ва муқаммал бўлиши лозим.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

**«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим»**

[Моида 3]

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ﴾

**«Сизга – ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Китобни-Қуръонни нозил қилдик»**

[Наҳл 89]

Исломий шариат ҳар бир нарсани баён қилувчи экан, демак у инсониятнинг ҳар бир хатти-ҳаракати учун ҳукм беради. Шунингдек, у нафақат арабларга хос, балки ҳар бир замон ва макондаги инсонлар учун шариатдир

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ﴾

**«Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга пайғамбар қилиб юбордик»**

[Сабаъ 28]

Қуръоннинг ўзи мўъжизадир. Унинг мўъжизаларидан бири шундаки, у ўз хусусиятига кўра кенг қамровли ва одамларнинг ҳар бир иши учун шаръий аҳкомлар беришга яроқли бўлган нусусларни нозил қилган.

Аммо иккинчи шартга келсак, Ислом тўғри шариат бўлиб, инсоннинг ишларини тўғри муолажа қилади. Буни баён қилиб берадиган нусуслар тўплами мавжуд.

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

**«(Ахир) яратган зот (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир»** [Мулк 14]

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик»** [Анбиё 107]

﴿وَنُنَزِّلُ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз»** [Исро 82]

﴿وَعَسَىٰ أَن تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ وَعَسَىٰ أَن تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَّكُمْ وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Сизларга ёқмас-да, жанг қилишингиз фарз қилинди. (Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз»** [Бақара 216]

Демак Ислом шариати инсоннинг барча амалларини асрлар давомида ва ҳар бир жойда муолажа қилишга яроқли ягона шариатдир. Чунки у абадий Раббоний шариат бўлиб, уни ҳар бир махлуқидан хабардор ва ўша махлуқлар нима билан ислоҳ бўлишини биладиган Аллоҳ нозил қилган.

Шунингдек, яхшилик ва ёмонлик ҳамда чиройли ва хунукни аниқлаш ақлга эмас, балки шариатга берилгандир. Чунки инсон ишларнинг воқелигига қараб ҳукм чиқара олмайди. Балки бу ерда бошқа муносабат, ҳолат ва мотивлар бўлиб, ўшалар амални ё ҳалол, ё ҳаром қилади. Бу ишларни ёлғиз Аллоҳгина билади. Шунинг учун инсон амалларининг муолажаси инсоннинг холиқи бўлмиш ҳар бир нарсани билгувчи ва хабардор Аллоҳ томонидан бўлиши керак. Чунки бу борада ҳукм чиқариш ёлғиз Аллоҳга хосдир.

Исломий шариат ҳар бир муаммони қандай муолажа қилиши ва инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини қамраб олиши нуқтаи назаридан биринчи шартда айтиб ўтилган нарсанинг долзарб томонини батафсил баён қилишимиз керак. Бу шариатни ҳар доим

барча инсоний муаммоларни ҳал қилиш қобилятига эга қилиб қўяётган бир нечта нарсалар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилар<sup>1</sup>:

1 – Ислом инсон муаммоларини инсон деган эътиборда муолажа қилади. Инсоннинг моҳияти ва хусусиятлари (ғариза ва узвий эҳтиёждан иборат ҳаётий қувватлари) юқорида айтганимиздек замон ва маконга қараб ўзгармайди.

2 – Шаръий аҳкомлар инсоннинг ишларига алоқадордир, улар ушбу ишларни амалга оширишда фойдаланиладиган услуб ва воситаларга эътибор бермайди. Демак, шаръий ҳукм инсоннинг асл ишларини муолажа қилишга қаратилгандир.

3 – Восита ва услублардаги аслик модомики ҳаромлигига далил келмаган экан, мувоҳликдир. Ислом ҳазорат тушунчасига алоқадор ҳар бир нарсани муолажа қилган. Маданиятга алоқадор нарсаларни эса ўзи хоҳлаганича ихтиро қилиши учун инсоннинг ўзига ҳавола қилган.

4 – Муолажалар инсоннинг ишларига ва воқеаларга боғлиқ. Зеро, ҳар бир воқеанинг ўзгармас ҳукми бор. Ҳар бир иш учун ҳукм бор. Шу ҳукмга асосан муносиб жазо-мукофот берилади. Аҳкомлар воқега тушишида ўзгармаслиги ва мос келиши билан ажралиб туради.

5 – Инсоннинг айрим ишлари ҳар бир замон ва маконда такрорланиб турадиган муомалалардир. Масалан меҳнат ва мерос орқали мулкка эгалик қилиш ҳамда савдо ва ақд аҳкомлари каби мулкни кўпайтириш сабаблари буларнинг барчаси учун ўзгармас аҳкомлар бор. Ислом амалларнинг аҳкомлари, муомалаларни амалга ошириш йўли тафсилотлари ва ушбу ишлар натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқларни кафолатлаш аҳкомларини беради. Чунки бу муомалалар ҳар бир замон ва маконда такрорланиб туради.

6 – Ислом мажбурий ҳолатга тааллуқли аҳкомларни ҳам беради. Яъни оддий ҳолатлар (азийма) ва оддий бўлмаган мажбурий ҳолатлар (руҳсат) эътиборга олинади.

Аммо Қуръон ва Суннатдаги ҳар бир инсоннинг ҳар бир ишига ҳукм чиқариш қобилятини берадиган шаръий нусусларга келсак, бу ушбу нусуслар, уларнинг кенгайиши ва улар нозил қилинган тилга боғлиқ. Шаръий нусусларнинг тили араб тили бўлиб, у кенг қамровли тилдир ҳамда бошқа тиллардан ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Инсонлар томонидан чиқарилган қонунлар инсон муаммолари ва ишларига мантуқ жиҳатидан аҳкомлар беради. Аммо шаръий нусусларнинг ҳукмга олиб борадиган бир неча вужуҳ

<sup>(1)</sup> Бу қисм «Ислом қонунчилиги мўъжизаси» китобидан олинган – Соир Салома Абу Молик.



(йўллар)и бор ва чекланган мантиқчи бор. Лекин улардан мафҳум ва маъқул (қиёс ва шаръий иллат) каби бошқа ишлар келиб чиқиши мумкин. Демак, шариат кенг қамровлидир ва унинг кенглигини қуйидагича тушуниш мумкин:

1 – Қонунчилик манбалари Қуръон ва Суннат бўлиб, улар нусуслар жиҳатидан чеклангандир. Лекин уларнинг маънолари улар нозил бўлган кенгқамровли тил табиатига, шунингдек, қисқа сўзларда кўп маъноларни бериш қобилиятига кўра қиёматгача янгиланиб турадиган ҳодисаларга мос келаверади.

2 – Нусуслар инсоннинг турли ва янгиланиб турадиган ишларига улар қанчалик турли туман бўлишидан қатъий назар мос келаверади. Чунки улар муайян маънодаги лафзлар шаклида келган бўлиб, уларнинг маъносини етказиш учун баён илми ишлатилган.

3 – Ислом аҳкомларни кенг чегаралар шаклида белгилаб қўйган. Яъни амаллар учун муайян сифатга эга умумий маъноларни олиб келган бўлиб, бу маънолар ўзига тааллуқли ҳамма нарсага мос келаверади. Бошқача айтганда, бир ишнинг жинси ва турига умумий ифода билан ҳукм беради. Шунинг учун унинг жинси ва туридан бўлган ҳар қандай ишга мос келаверади. Шунингдек, ушбу умумий маънолардан янгиланиб турадиган муаммоларга шаръий аҳкомларни истинбот қилишни ақлга ҳавола қилди. Шунинг учун воқеда қандай муаммо бўлмасин шариатда унинг ҳукми бор.

4 – Нусуслар шаръий ҳукм тарзида нозил бўлган. Улар орасида тафсилий аҳкомлар ҳам бор, умумий ва куллий аҳкомлар ҳам бор. Шунингдек, умумий куллий қоидалар, шаръий таърифлар ва умумий маъно остига кирган нарсадан истинбот қилинган (агар сифат иллатланмаган бўлса) аҳкомлар ҳам бор. Агар сифат иллатланган бўлса, ўша сифатга мос келадиган аҳкомлар ҳам бор. Зеро, уларни бир-бирига қиёсласа бўлади. Мужтаҳид ушбу қоидага кўра, кўп аҳкомларни чиқариши мумкин ва унинг остига фардлар киради. Таърифлар кўп ҳодисаларга мос келса, иллатларда кўп ҳодисалар иштирок этади.

5 – Шорей қанчалик хилма-хил бўлишидан қатъий назар, нарсаларга қўллаш мумкин бўлган мунзабит (тартибли) аломатларни қўйди. Токи, улар мужтаҳид янги кашф қилинган нарсаларга алоқадор аҳкомларни улар орқали чиқаришга қодир бўладиган миқёс бўлиб қолсин. Шунингдек, мужтаҳиднинг зеҳнида шаръий ҳукм маноти бўладиган нарсанинг моҳияти тартиблашсин.

Ислом мана шундай масалаларни ҳал қилар экан, у кенг қамровли ва мукамал дин бўлди. Унинг шариати эса, қиёматгача бўладиган инсон муаммоларини муолажа қилишга қодир ва кенгдир. Асосий

сифати сабот бўлган ушбу ечимлар ўзгармайди. Бу ечимлар ўзидаги мана шу сабот туфайли адолатни ҳамда унинг ғоя ва мақсадларини доим рўёбга чиқаришни ва шариат тартиби билан мужассам бўлиб қолишини кафолатлайди. У кенг қамровли шариатдир. Бироқ шариатдаги бу қобилият унинг ҳамма нарсага, гарчи унга зид бўлса ҳам, амал қилиш учун мослашувчан эканлигини англамайди. Бу яна шариат ривожланувчидир, вақт ўтиши билан ўзгаради дегани ҳам эмас. Аксинча, бу нусусларда кенгайиш бор, улардан бир қанча аҳкомлар истинбот қилинса бўлади ҳамда кўп масалаларга мос келиши учун аҳкомларни кенгайтирса бўлади деганидир.

Шариатнинг кенглиги ва умумий маъноларни олиб келганига далолат қиладиган мисоллар жуда кўп бўлиб, қуйидаги оят шулар жумласидандир:

﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أَجْرَهُنَّ﴾

**«Энди агар (талоқ қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар (яъни ўзларининг сизлардан бўлган болаларини эмизсалар), у ҳолда уларнинг (эмизганликлари учун) ҳақларини беринглар!»** [Талоқ 6]

Бу ердаги ҳукм ҳар қандай эмизувчи аёлнинг эмизиши каби муайян амал учун ҳақ олиши билан боғлиқ. Бу маъно умумий маъно бўлиб, у бир амални бажарувчиси – у эркакми ё аёлми бундан қатъий назар – ўзи ёлланган иш учун ҳақ олиши жоизлигини англатади. Ижаранинг бу маъносидан (Бошқасининг ҳузурда ишлаётган ҳар бир ишчи ўз меҳнати учун ҳақ олиши жоиз) деган умумий шаръий қоида истинбот қилиниши мумкин. Бу бошқаси ҳузурда ҳақ эвазига ишлашнинг ушбу умумий маъносига кирувчи барча масалаларга тааллуқлидир. Бу амалларнинг барчаси айнан шу ҳукмни олади.

#### **У ҳолда дин ишини янгилаш қандай бўлади?**

Устоз Абу Аъло Мавдудий (роҳимаҳуллоҳ) айтади: «Янгилаш бу Исломи жоҳилиятнинг барча турларидан тозалаш, сўнгра имкони борида холис тарзда уни тирилтиришга ҳаракат қилиш деганидир».

Шаръий тушунчага кўра, динни янгилаш Исломи Росулulloҳ ﷺ га уни ваҳий олиб келганидек тўғри тушуниш билан бўлади, яъни бу дин ўз вазифаси ва Аллоҳ у учун туширган ролни бажариши керак. Шунингдек, исломий фикрат софлик, поклик ва тиниқлик билан чегараланиши лозим. Шундай экан, софликни қайтариш учун ҳар бир фикр, ҳукм ва раъй Қуръон ва Суннатдан ва ваҳий олиб келган нарса билан боғланиши лозим. Покликка исломий фикратга кирмайдиган ҳар қандай фикр, ҳукм ва раъйни ундан олиб ташлаш орқали эришилади. Шунингдек, тушкунлик даврида ёки фикрий ва

миссионерлик ҳужуми натижасида кириб қолган ҳамда муроса ва мантиқ мактабида нусус ва Исломни воқега мос келадиган қилиб тафсир қилиш оқибатида кириб қолган нарсаларни тозалаш орқали эришилади. Аммо унинг тушунчаларини тиниқлаштириш эса, исломий фикратнинг зеҳнлардаги тасаввурини яхшилаш орқали бўлади ва шунда фикр ҳис қилиш орқали вужудга келади. Фикр эса шунчалик тиниқлашадики, инсон мабдани ўз фикрати ва тариқати билан тўғри идрок қилади, сўнг воқени ўзгартириш учун ҳаракат қилади.

Ушбу янгилашни қандай қилиш кераклигига келсак, у Росулulloҳ ﷺ ва саҳобалар даврида бўлганидек ваҳий олиб келган Қуръон ва Суннатга боғланиш ва уларни араб тилига суянган тўғри тушунчага мувофиқ маҳкам ушлаш орқали бўлади. Шунингдек, усули дин, усули фикҳ, ҳадис илми ва бошқалардан иборат шариат илмларига мувофиқ тўғри шаръий қоидаларни маҳкам тутиш билан бўлади.

Аммо қайси соҳаларни янгилаш мумкинлигига келсак, бу барча дин ишларини ва мусулмонларнинг ишларини ўз ичига олади. У ақида, шаръий ҳукм ва тил соҳасини ўз ичига олганидек, мусулмонларнинг ўз давридаги мусибат ва муаммоларини ҳал қилишни ҳам ўз ичига олади.

Мужаддид (янгиловчи) қўйиши керак бўлган биринчи қадам бу усули дин бўладими ёки усули фикҳми, усулни тизимли кўриб чиқишдир. Шунинг учун усули дин, яъни ақида ўрганилади. Шунингдек, муҳим ақидавий тушунчалар ўрганилиб, уларга тартибли, шаръий ақлий қоидаларга мувофиқ ҳамда қатъий далиллар асосида баҳо берилади. Ақида масалалари ва унга алоқадор масалалар ўрганилади ҳамда унга асрлар давомида ёпишиб қолган барча нарсалар йўқ қилинади.

Мужаддид юнон ва форс фалсафаларининг ақидага бўлган таъсирини ўрганади. Жумладан Қуръоннинг махлуқлиги, қазо ва қадар, Аллоҳнинг сифатлари, ўлим, ризқ, Аллоҳга таваккал қилиш, мантиқ илми, тасаввуф ва Пайғамбарларни муқаддаслаш каби масалалар ўрганилади. Шунингдек, илмонийлик, динни ҳаётдан ажратиш, демократия, социализм ва худосизлик тушунчалари ҳамда илмий йўл ва Дарвиннинг эволюция назарияси кабиларнинг таъсири ўрганилади. Чунки буларнинг Исломга кириб қолиши натижасида мусулмонлар Исломга зид турли мабда ва фалсафалар билан таъсирланиб қолган эди. Бу фикрлар Ислом ва унинг ақидасига зид экан, уларни инкор қилиш ва диний ақидадан чиқариб юбориш лозимдир. Исломга зид бўлмаган ва Ислом ақидасига асосланиши

мумкин бўлган ҳар қандай фикрни қабул қилишда ҳеч қандай муаммо йўқ.

**Аммо усули фикҳ соҳасига келсак,** мужаддид усули фикҳ илмига тизимли равишда муурожаат қилади. Бунда у усулни тартибли шаръий қоидаларга мувофиқ ва қатъий далиллар билан ўрганади. Сўнг шаръий далиллар, далил келтириш йўллари, қиёс, шаръий иллат, таржиҳ, таъдил ва бошқа асосий масалаларни ўрганади. Шунингдек, усули фикҳ ва унга алоқадор масалаларни ўрганиб, асрлар давомида унга кириб қолган истиҳсон, саҳоба мазҳаби, аҳли Мадина ижмоси, урф ва амаллар оқибати каби зонний далилга асосланган шаръий далилларга барҳам беради...

Шунингдек, улар орқали айрим модернистлар «шаръий далил» деган парда остида Ғарб низомларини динга киргизишга ҳаракат қилган манфаатлар, зарурат фикҳи, озчиликлар, шариат мақсадлари каби ишларни ўрганади. Чунки улар бузук усул тушунчаси асосида қабул қилинган шибҳи далиллардир. Уларнинг қабул қилинишига сабаб Ғарбга тақлид қилиш ва унинг фикрлари ва низомларидан фундаментал асосда фойдаланиш бўлган эди. Лекин ҳақиқат шуки, улардан Исломни замонавий Ғарб ҳазоратига мос келиши учун ўзгартириш мақсад қилинди. Бу эса, Исломга жиддий хатар эди. Чунки у усули фикҳда Исломдан бўлмаган далил ва қоидаларни пайдо қилди. Ундан таъсирланган киши уларни диндан деб ва усули фикҳнинг далилларидан деб ўйлади. Айни пайтда улар замонавий дунёда ҳукм сураётган «цивилизациялашган» ва «ривожланган» тузумлардан таъсирланган ақлияларнинг қасдли кўрсатмаси остида талқин қилингандир.

**Аммо ҳадис илми соҳасига келсак,** дарҳақиқат мусулмонлар илк даврлардаёқ Росулulloҳ ﷺнинг ҳадисларини бузиш хавфи борлигини билишган. Шунинг учун улар бу соҳани ақлий ва шаръий қоидалар билан маҳкам тутиб, унга ёпишиб олган ёлғон ва сохталикларни кетказишган. Улар илк даврларданоқ ушбу илми мукамал тушунтиришган бўлиб, бугун биз улар рўёбга чиқарган нарсаларга сўянишимиз мумкин. Бунда биз заиф ҳадисларни ажратишимиз, таржиҳ йўллари тушунишимиз ва бир-бирига зид бўлиб кўринаётган далиллар орасини жамлашимиз зарур бўлади. Бу эса усули фикҳ илми орқали тартиблашиши керак. Мужаддид яна Росулulloҳ ﷺнинг ҳадислари ва умуман ҳадис илмида шубҳа ўйғотаётганлар, бузғунчилар ва шарқшуносларнинг ўйдирмаларини рад этиши керак.

Илк мусулмонлар уни жамлаш, сақлаб қолиш, ёзиш ва назорат қилишда кўп ҳаракатлар қилишган. Араб тили ҳақида ва Аллоҳга

ҳамдлар бўлсин, араб тили сақланиб қолгани ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин.

**Аммо шаръий ижтиҳод соҳасига келсак,** мужаддид мусулмонларнинг бошига тушган барча ишлар учун усули фикҳ илми асосида ижтиҳод қилади. Шунингдек, мужтаҳид Ислом тушунчасини қайта тиклаш мақсадида ўша қайта тиклашга оид шаръий аҳкомларни истинбот қилиш учун динни янгилайди. Токи, бу аҳкомлар ўша ишлар ва масалаларга даво бўлсин. Жумладан исломий Халифаликни қандай қилиб қайта тикланишига ҳамда ушбу давлатга оид иқтисодий, ижтимоий, бошқарув низомлари, сиёсат, таълим, сиҳат саломатликка оид ҳукм борасида ижтиҳод қилади.

Бу ерда янгилаш билан шаръий ижтиҳод ўртасида фарқ мавжуд бўлиб, ҳар бир мужтаҳид дин ишини янгилловчи бўлиши шарт эмас. Лекин ҳар бир мужаддид мужтаҳид бўлиши шарт. Чунки у шариат масалаларининг турли жабҳаларида ижтиҳод қилади. Жумладан мусулмонларни ташвишга солаётган барча муаммо ва масалаларни ҳал қилиш учун уларнинг ҳақиқатлари бўйича тўғри шаръий аҳкомларни чиқариш учун ижтиҳод қилади.

Тафсир, ҳадис, луғат ва бошқалар каби фикрий ва фикҳий масалаларда янгилашдан ташқари мужаддиддан амалга ошириши ирода қилинаётган муҳим ишлар: Ўз даврининг воқеси, Уммат азоб чекаётган мусибатлар, катта масалалар ва муаммоларни ўрганиши, ўз Умматини қандай ўзгартириш кераклигини аниқлаш, унинг янгилаш ҳаракати шариатга зид ва мусулмонлар учун аянчли воқени ўзгартириш жараёнига айланиши. Токи, мусулмонлар уйғонсин ва аввалда бўлганидек одамлар учун чиқарилган энг яхши Уммат мақомига қайтсин, сўнг бузуқ воқени ўзгартириб, яна рошид Уммат бўлсин.

### **Динни янгилашнинг энг муҳим мевалари**

Динни янгилашнинг энг муҳим мевалари замонавий даврда мусулмонлар муаммоларини ҳал этишда намоён бўлади. Зеро, бу иш талаб қилинган янгилаш амалларининг энг муҳимидир. Агар мужаддид Аллоҳ Таолонинг мавжуд воқелик борасидаги ҳукмини ҳамда уни Пайғамбаримиз ﷺ ва рошид халифалар даврида бўлганидек ҳолатга қайтиши учун қандай ўзгартиришни ўрганмасдан туриб кўп фикрий ва фикҳий ишлар қилган бўлса, унинг илми, саъй-ҳаракати ва фойдаси китоб ва адабиётларда қолиб кетадиган назария бўлиб қолади. Шунингдек, мусулмонларнинг аянчли воқесини ўзининг янгилаш фаолияти билан ўзгартира олмайди.

Бинобарин мужаддид мусулмонларнинг замонавий даврдаги муаммоларини чуқур ўрганиши, бу муаммоларни ақлий ва шаръий



программага мувофиқ, сабабият қонунига мувофиқ ва замонавий даврда ушбу муаммоли воқеларни муолажа қиладиган шаръий далилларга мувофиқ қандай ҳал қилишни ўрганиши керак. Шунинг учун мужаддид мусулмонларнинг ҳозирги муаммоларини ўрганиши ва сабаб қоидасига мувофиқ уларнинг мусаббабларини сабабларига боғлаши лозим.

Мужаддид биринчи навбатда мусулмонларнинг ҳал қилиниши лозим бўлган асосий муаммосини аниқлайди. Бу эса, мусулмонларнинг яқин ва узоқ тарихини ўрганиш ва Исломни тушунишда пайдо бўлган муаммоларни ўрганиш орқали бўлади. Айни пайтда шуни тушуниш керакки, бу муаммолар Ислом динини нотўғри тушунишни келтириб чиқарган сабаблар деб ҳисобланади. Жумладан юнон фалсафаси ва мантиқининг кириб келиши, калом илмининг пайдо бўлиши, қуръоннинг махлуқлиги, Аллоҳнинг сифатлари, қазо ва қадар ва бошқалар каби масалаларда фикрий чалкашликларнинг пайдо бўлиши. Сўнг тўқима ҳадисларнинг пайдо бўлиши муаммолари, ижтиҳод тўхтаб қолиши, ҳинд фалсафасининг кириб келиши, тасаввуф ва фатализмнинг (қадарийятул ғайбийя) пайдо бўлиши. Бундан ташқари, араб тили қувватини Ислом қувватидан ажратиш муаммоси... Буларнинг барчаси Исломни нотўғри тушунишга олиб борди ва ундан шариятни давлатда ёмон татбиқ қилиш келиб чиқди. Сўнг ғарбнинг илмоний капиталистик фикрлари кириб келди ва ўн тўққизинчи асрда аксар мусулмонлар ундан таъсирланиб қолди. Натижада, биринчи жаҳон урушидан кейин Исломий Халифалик қулатилди ҳамда мусулмон юртлар яхлитлигини йўқотган майда ва заиф давлатчаларга тақсимланди.

Шунингдек, мужаддид мусулмонларнинг асосий муаммоси муолажасини ва муаммо оқибатларини ўрганиши даркор. Шунингдек, мақсад, Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш ва мусулмон юртларни битта давлатга бирлаштириш бўлиши лозим. Сабабият режасига кўра, бунини рўёбга чиқариш учун Исломни ёрқин фикр ёрдамида тўғри тушунишни такомиллаштириш лозим. Бу ерда янгилаш Ислом тушунчаларини замондошлар тушуна оладиган тарзда янги фикрий формула билан қайта шакллантиришдан иборат. Бу босқичда ғарб истилоси даврида заифлашган Ислом фикрлари ва аҳкомларига нисбатан мусулмонларнинг ишончини тиклаш мақсадида Ислом барча ҳаётий ишлар учун мабда сифатида тақдим этилади. Бундан ташқари, тушунчани яхшилаш учун араб тили қудратини Ислом қудратига аралаштириш, сўнг ушбу янгиланган исломий тушунчаларни мусулмонлар орасида ёйиш ҳамда жамият билан фаолият қилиш

орқали ўша тушунчалар ҳақида раъйи омни пайдо қилиш лозим. Бу эса, якка тартибда қилинадиган иш эмас, аксинча, бу ўша фикрни қабул қилиб, уни жамоатчилик фикрига айланиши учун жамиятга таркатадиган гуруҳ орқали амалга ошириладиган жамойй ишдир. Бу гуруҳ тўғри шаръий йўлга эргашади ҳамда Исломни жамият ичида тўла ва инқилобий тарзда татбиқ қилиш орқали ҳокимиятга олиб келишга ҳаракат қилади.

Талаб қилинган динни янгилаш мана шу йўл билан натижали бўлади ва мусулмонларга фойдаси тегади. Чунки уларнинг барча муаммолари ечилади, саф ва калималари бирлашади ва бошқа халқлар орасидаги шаъни кўтарилади. Сўнгра мусулмонлар Халифалик давлатини барпо этишади ҳамда даъват ва Аллоҳ йўлидаги жиҳод орқали Исломни дунёга ёйишади. Натижада, ер юзини эгаллаб, Пайғамбаримиз башорат қилганидек ер юзини Ислом адолати билан тўлдиришади.

Ушбу амалиёт янгилаш, инсонларни етаклаш ва уларни ҳақ йўлга йўналтиришда уламолар муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Бу улў ва таъсирли роль бўлиб, уламолар ташаббус кўрсатишлари, ёрқин янгилаш тушунчасига асосланган ҳақиқий ўзгартириш лойиҳасига қўшилишлари ва ҳақ байроғини кўтарувчилар сифатида одамларни унга даъват этишлари шарт. Чунки улар одамлар орасида ўз вазнига эга бўлиб, уларнинг сўзлари мўътабардир. Уламолар фақат ҳақиқатни сўзлашдек Аллоҳга берган ваъдаларига амал қилиши ва Росулulloҳ ﷺ улар ҳақида улар Пайғамбарларнинг меросхўрларидир деган мақомга ҳаракат қилишлари лозим. Чунки бу нарса мусулмонлар, ҳокимлар ва Исломий давлатни тиклаш учун бўлган ҳаракат олдида уларга катта масъулият юклайди.

### **Бугунги замон мужаддиди**

Албатта динни янгилаш ҳақиқат ва шариат талабидир. У ҳар бир асрда рўй бериб, унда мусулмонлар орасидан чиққан ҳақиқий мужаддидлар динни барча кирликлардан тозалашади. Шунингдек, улар динга ёпишиб олган нарсаларни кетказиб, уни Росулulloҳ ﷺ га қандай тушган бўлса, ўшандай ҳолатга қайтаришади. Бундан ташқари, мусулмонлар орасида пайдо бўлган масалалар ва янги муаммоларга тўғри ечим топадилар.

Мусулмонлар тарихида асрлар давомида кўзга кўринган мужаддидлар бўлган. Масалан биринчи асрда Умар ибн Абдулазиз чиққан бўлса, кейинги юз йилликнинг бошида Имом Шофеий чиқди. Бешинчи ҳижрий санада эса дин илмларини тирилтириш ва ўзгартириш лойиҳасини кўтарган мужаддидлар ичида Ислом ҳужжати Абу Ҳомид Ғаззолий чиқди. Ҳижратнинг саккизинчи санасида шайхул

Ислом Ибн Таймийя раҳбарлигида янгилаш лойиҳаси кўтарилди. Бундан ташқари, мусулмонлар воқесини ўзгартириш ва дин ишини янгилашга ҳаракат қилган бир қанча мужаддидлар чиқди.

Энди ўринли бир савол туғилади, у ҳам бўлса, бугунги кунда мусулмонлар орасида дин ишини янгилашга бел боғлаган бирортаси борми?

Жавоб шуки, ҳа, ушбу асрда янгилашга қўл урган деб ўйлаш мумкин бўлган бир қанча кишилар чиққан. Лекин уларнинг ишларини биз юқорида айтиб ўтган янгилаш шартларига мувофиқ текширилиб, кўриб чиқилса, бизнинг фикримизча, янгилаш ишида жиддий фаолият олиб борган ҳаракат биттагина холос, у ҳам бўлса мужаддид имом, Азҳар уламоси шайх Тақийюддин Набаҳоний раҳбарлигидаги ҳаракатдир. У киши ўн тўртинчи ҳижрий асрнинг охири ва йигирманчи милодий асрнинг иккинчи ярмида дин ишини янгилаш учун мукамал лойиҳа таклиф қилди. Шайхнинг янгилashi амалий бўлиб, у мана шу ўзгартириш лойиҳаси ва янгилаш ҳаракатини олиб борадиган гуруҳни, яъни Ҳизб ут-Таҳрир партиясини ташкил қилди. Ҳизб ушбу янгилаш тушунчаларини қабул қилиб, у ҳақида жамоатчилик фикрини пайдо қилиш учун мусулмонлар орасида уни ёйишга ҳаракат қилди. Шунингдек, исломий юртлардаги мажол давлатида марказлашган нуқтада Исломий Халифаликни тиклаш учун қувват ва ҳимоя эгаларидан нусрат талаб қилишга ҳаракат қилди. Зеро, Халифалик давлати Ислом оламнинг мажол давлатларидан бирида ўз ўрнини топади, кейин қолган Ислом юртларини озод қилади, шундан сўнг даъват ва жиҳод орқали Исломни бутун дунёга олиб чиқади.

Аллоҳнинг изни билан яқинда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи Халифалик барпо бўлгач, мусулмонлар аср мужаддиди шайх Тақийюддин Набаҳоний амалга оширган ишнинг аҳамиятини тушунадилар. Чунки бугунги кунимизгача мусулмонлар шайх Тақийюддин роҳимаҳуллоҳ амалга оширган янгилаш амалиётини тушунишмаяпти. Бунга бу ҳақда хабар тарқатишга йўл қўймаслик, ахборотлардаги чалғитув ва ҳокимлар зулмидан хавфсираш сабаб бўлмоқда. Бир кун келиб тарих шайх Тақийюддин Набаҳонийни энг кўзга кўринган аср мужаддиди сифатида эслайди. Ўшанда у кишининг янгилаш амалиёти барчанинг эътиборида бўлади ва дарс қилиб ўрганилади ҳамда ундан ибрат олинади. Шунингдек, мусулмонларни уйғотиш ва уларнинг даъватини дунёга олиб чиқиш учун ўрганилади. Эртанги кун уни кутган киши учун яқиндир. □

## НАМУНАВИЙ ИҚТИСОД НИЗОМИ (2) ИСЛОМИЙ ИҚТИСОДИЙ НИЗОМ СОЯСИДА

Маҳмуд Абдулҳодий

### Ислом низоми ўхшаши йўқ, гўзал ва кенг қамровли низоmdir

Исломдаги иқтисод низоми шаръий қоида ва аҳкомлардан иборат бўлиб, унинг манбаси исломий шариатдир. У шариатнинг бошқа аҳкомлари каби бандалар ишларининг аҳкомларидир. Унда шариатда бўлган: фарз ёки вожиб, мандуб ёки мустаҳаб, муҳоҳ, макруҳ, ҳаром, ёки маҳзур каби таклифий аҳкомлар, шунингдек, сабаб, шарт, монеъ, рухсат, азима, сиҳат, бутлон ва фасод каби вазъий аҳкомлар бор. Инсон ишларига бу даражада атрофлича эътибор бериб, улар ҳақида ҳукм чиқариш бошқа ҳеч қандай қонунларда учрамайди. Бу низоm закотни миқдори белгиланган фарз қилар экан, ундан ортиқчасини мусулмон одам савоб оладиган мустаҳаб садақа қилиб белгилайди.

Бу низоm рибони ҳаром деб белгилаётган бир пайтда фарзни қилувчиси савоб оладиган мандуб қилиб белгилайди. Шунингдек, молни ҳеч қандай эҳтиёжсиз бозорга чиқармасдан ушлаб туришни ҳаром деб белгилар экан, меҳнат қилиш, савдо, шерикчилик ва нафақа қилишга қизиқтиради. Буларнинг барчасини мандуб ҳисоблаб, бу амаллар ва унга ўхшашлари орасидаги танловни муҳоҳ қилади. Бу низоm ҳар қандай ҳолатда ҳам пул жамғармасини ман қилади ва лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга ошириш, ишлаш, ишлаб чиқариш, эҳтиёжларни қондириш учун уни бозор ва одамларнинг қўлига чиқаришни вожиб қилади. Бу низоm тижоратни мандуб ҳисоблаб, у орқали мол мулкни кўпайтиришга қизиқтирар экан, молни ботил йўл билан ейишдан қайтаради. Шунинг учун у алдаш, авраш, ёлғон гапириш, қимор ва рибони ҳаром қилади. Бу низоm нарх ёки сифатда рақобатни жоиз деса, бошқаларга зарар етказиш ниятидан қайтаради ва монополияни ман қилади. Бу низоm меросни вориснинг ҳаққи қилиб белгилар экан, қотилни мерос олишдан ман қилади. Шахсга иш вақтини қисқартиришга ҳамда даромад ва фойда олишдан воз кечишга рухсат берар экан, шу билан бирга, минимал меҳнатга буюради, ўзи ва қарамоғидагиларга сарфлаш учун моддий қийматни рўёбга чиқаришга чақиради. У даромадга бўлган талабни оширишга, пулни кўпайтиришга ва моддий қийматни излашга рухсат берар экан, руҳий қийматни рўёбга чиқарадиган амалларни оз бўлса-да қилишни вожиб қилади ва бу унга фарз қилган ибодатлар орқали амалга оширилади. У мусулмонга ўз бойлигидан закот беришни вожиб қилар экан, ундан ортиқчасини мандуб қилиб белгилайди. У мусулмонни яшаш тарзи ва муомалаларида ахлоқ одобли ва раҳм шафқатли бўлиш ва

қийналганларга ёрдам беришни ҳамда ахлоқий ва инсоний қийматни рўёбга чиқаришни вожиб қилади. Шундай қилиб, Ислоҳ аҳкомлари, жумладан мулкка эгалик қилиш, уни ривожлантириш ва сарфлаш аҳкомлари инсонларнинг барча ишларини муолажа қиладиган ўхшаши йўқ ва муфассал низом билан давом этади. Бу муолажалар одамларнинг қалбига кириб бориб, уни хотиржамликка тўлдиради ҳамда руҳий, моддий, ахлоқий ва инсоний қийматларни рўёбга чиқаради. Шахснинг майллари қанчалик турли туман бўлмасин ва бошқасидан қанчалик фарқ қилмасин, уларни муолажа қилади. Натижада жонлар хотиржам бўладиган ва барча қийматлар бир хил шаклда рўёбга чиқадиган хавфсиз жамият пайдо бўлади.

У савдо сотиқ, ижара, ҳар хил турдаги шаръан жоиз бўлган ширкатлар, кафолатлар, гаров, чек, пул жўнатмалари, қарз, совға ва васиятларга рухсат берар экан, буларнинг барчаси саҳиҳ бўлиши учун турли ҳолатларни қамраб оладиган сабаб ва шартларни қўйди. Зеро, бу низоларни бартараф этиб, ҳуқуқларни баён қилади. Шунингдек, у мулкка эгалик қилишга рухсат берар экан, уни уч турга бўлди: Хусусий мулкка эгалик қилиш шахсга тегишли бўлади. Умумий мулк эса, ундан давлатнинг барча фуқаролари фойдаланади ва ҳеч кимнинг уни монополия қилиб эгаллаб олишга ёки бу борада алоҳида имтиёзга эга бўлишга ҳуқуқи йўқ. Давлат мулки унда шариат давлатга шаръий сиёсатга мувофиқ Уммат ва фуқароларнинг фойдасига ишлатишига рухсат берди. Давлат ўша мулк орқали қашшоқликка барҳам бериб, бойликни тақсимлайди ҳамда мувозанатни сақлаб, табақачиликни тугатади. Умматни душмандан ҳимоя қилиб, даъват ва жиҳодни олиб боради. Шунингдек, ушбу уч турли мулкчиликни ўз сабаблари ва сифатлари билан таърифлаб берди. Ҳеч ким бир турдаги мулкни бошқасига айлантира олмайди, бошқача айтганда шахсий мулк умумий ёки давлат мулкига айланиб қолмайди. Ёки умумий мулк шахсий ёки давлат мулкига айланиб қолмайди.

### **Асбоб ускуналар учун эмас, балки инсон учун мўлжалланган низом**

Ушбу низомдаги биз мулоҳаза қиладиган энг муҳим нарса бу унинг аҳкомлари инсоннинг иш-ҳаракатларига – уларни инсоний иш деган эътиборда – қаратилган. Дарҳақиқат, уламолар шаръий ҳукм шореънинг бандалар ишларига алоқадор хитоби, деб таъриф беришган. Демак, у гарчи барча нарсаларнинг аҳкомларини баён қилса-да, восита ва нарсалар низоми эмас. Аксинча, инсон восита ва нарсалар орқали қиладиган ишларининг ҳукмидир. У яна гарчи қайси бойлик жоиз-у қайсиниси жоиз эмаслигини баён қиладиган бўлса-да,



мол-мулк ва бойликнинг айнан ўзига хос низом эмас. Аксинча, у инсоннинг мол-мулк ва бойликка алоқадор ишларининг низомидир. Бошқача айтганда, мол-мулкка қандай эгалик қилиш ҳамда уни қайси йўллар билан кўпайтириш ва инфоқ қилиш ҳақида баён қиладиган низомдир. Капиталистик иқтисод низоми эса, бундан бутунлай фарқли. Зеро, капиталистик иқтисод низоми назариясида ва файласуфлари назариясида мавжуд бўлган биринчи ва жиддий муаммоларидан бири ундаги тўлиқ ожизлик ҳамда кўриб чиқилиши керак бўлган мавзуда бутунлай йўлдан адашишдир. Чунки кўриб чиқиладиган мавзу инсоннинг ўзи бўлиши керак. Яъни унинг мол-мулкка ва эҳтиёжларини қондириш воситаларига қандай эгалик қилиш, ишлаб чиқариш ва мулкчиликни ривожлантириш йўлида уни қандай ишлатиш, камбағал ва ночорларнинг ҳамда офат ва мусибатлардан азият чекканларнинг эҳтиёжларини қандай қондириш масалалари кўриб чиқилиши керак. Исломда буларнинг барчаси шаръий аҳкомларга асосланади ҳамда одамларнинг хавфсизлиги, қадр қиммати, осойишталиги ва бошқа барча иқтисодий ва ноиқтисодий эҳтиёжларини кафолатлайдиган ва амалга оширадиган шариат мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилади. Лекин капиталистик низом – Ислом низомидан фарқли ўлароқ – биринчи таклиф ва назарияларидаёқ ҳушидан кетиб йиқилди. Чунки у инсонни инсонлиги жиҳатидан муолажа қилишдан мутлақо ожиз эди. Капиталистик низом – инсон майллари ҳамда жисмоний ва фикрий қуввати жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишидан қатъий назар – инсон ва унинг эҳтиёжлари ҳақида изланиш ўрнига инсонга мулк эркинлиги ва мулкни кўпайтириш эркинлигини бериб, бу билан мақтанаётганини кўриб турибмиз. Капитализм бу билан гўё инсоннинг қувватини озод қилиб, уни мулкка эгалик қилиш, уни кўпайтириш ва ривожлантириш учун эркинлик беряпман, мана шундан жамиятнинг бойиши ва фаровонлиги келиб чиқади, деб ўйлади. Капиталистик низом бу эркинлик тескари натижа бериши ҳамда тартибсизлик ва тажовузкорликка олиб келишини англамади. Сўнг у эркинликнинг ваҳимали зарарини олдини олиш учун чекловларни белгилади. Яъни айтилдики: Шахснинг эркинлиги бошқаларнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди. Шундай қилиб, бу фалсафанинг иккиламчи бўлаги аслига қарши чиқди. У шахснинг эркинлиги қачон яқунига етиб, бошқаларнинг эркинлиги қачон бошланишини тушунтириб бера олмади. Ушбу фалсафа бойлик ва ҳокимият эгаларининг ўз ҳукмронликларини ўрнатишларига олиб келди. Шундай қилиб улар ночор ва камбағалларни ўлимга ёки

Ўзлари эркинлик ва мулк эркинлиги деб атаётган парда билан қопланган қулликка ҳукм қилдилар.

### **Капиталистик низомнинг ожизлиги, муваффақиятсизлиги ва бадбўйлиги**

Билимдон ва хабардор зот ҳузуридан келган ҳамда одамларга вожиб, мандуб, ҳаром, ва макруҳ амалларни баён қилиб берадиган, шунингдек, салоҳият ва ҳуқуқларни ҳамда вазифа ва чекловларни нозик ва муфассал тарзда баён қилиб берадиган Ислом низоми билан адашган мақтанчоқлар ҳамда ожиз даъвогарлар фалсафа юритадиган капиталистик низом ўртасида жуда катта фарқ бор. Шунинг учун ҳам улар инсоннинг энг арзимас ишларини ҳам тартибга солишга ожизлик қилишдан бошқа нарса бўлмаган мулк эркинлигини эълон қилишган. Бу билан ожизлик янада кучайиб, залолатга айланмоқда. Чунки улар аслини унга зид бўлган ва бекор қиладиган нарса билан чеклашади. Сўнгра ожизлик ва залолат жиноят ва бузқликка айланади. Чунки капиталистлар ва ҳокимият эгалари ушбу низом қоидалари ва қонунларини назорат қилар экан, уни ўз хоҳиш ва истакларига кўра ишлаб чиқишади. Сўнгра одамларга ёлғон ва алдовни санъат сифатида ва тузоқни жозибали ранглар билан кўрсатишяпти, бу нарсаларни демократия номи остида ва чиройли сўзлар билан тақдим этишяпти. Шунингдек, улар ифлос ахлатхоналари ҳамда қурбонларининг ичак-чавоғи ва қонлари устига чиройли гилам тўшяптилар. Лекин уларнинг бадбўйлиги ҳис қилинмаслиги мумкинми?!

Исломдаги иқтисод низомини эшитиб, масхара ва инкор қиладиганлар кимлар?! Бизнинг юртимиз ва Умматимиздан бўлган авлодлар эмасми?! Бошқалар устидан масхара қилишга ким ҳақлироқ, Ғарб тафаккурининг малайлари ва улар даъво қиладиган эркинлик тўтиқушларими ёки Ислом ва унинг низомлари, шу жумладан, Исломдаги иқтисод низомига чақираётганларми?! Албатта, Ислом ақидасидан келиб чиққан низомга чақираётганлар ҳақлироқдир.

### **Капиталистик иқтисод низоми муваффақиятсизлигининг бир мисоли:**

#### **Иқтисодий муаммо:**

Капитализм асосчилари инсоннинг турмуш тарзини тартибга солувчи низомга йўл топа олишмади. Улар ўзларининг қарашларини инсоннинг ишлари ва турмуш тарзига эмас, балки нарса ва воситаларга қаратишди. Шундай қилиб, улар ақл қабул қилмайдиган ва нотўғри нарсани қабул қилишди. Гўё Аллоҳ уларнинг кўзини кўр қилгандай эди. Шундай экан, улар қаёқдан кўра олсинлар. Улар

одамларнинг товар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун бу нарсаларни кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни ошириш керак дейишди. Улар исбот этилмаган хурофот ва хаёлларга суюнишди, аммо уларнинг хатолари бошидаёқ ҳис билан исботланди. Лекин улар ўз ҳийла-найрангларини шунга асослашдан тўхтамадилар ҳамда эҳтиёжларга қараганда воситалар кам, шунинг учун ишлаб чиқаришни иложи борича кўпайтириш керак, дейишди. Уларнинг баъзилари ҳатто инсоният хатар ёқасида дейишди. Лаплас одамларнинг ўсиши геометрик прогрессияга бўйсунди ва 1, 2, 4, 8, 16 ... ва ҳоказо кетаверади, лекин айти пайтда ер юзидаги ишлаб чиқаришнинг ўсиши 1, 2, 3, 4, 5 тарзида бўлмоқда, шунинг учун ишлаб чиқариш эҳтиёжларни қопламаяпти деди. Улар капиталистик иқтисод низоми борасидаги адашган фикрларида одамларнинг эҳтиёжи ортаверади ва тўхтамайди, лекин ишлаб чиқариш чекланган дейишди. Улар бунини товар ва хизматларнинг нисбий танқислиги деб аташди. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун фикр, қонунчилик ва иқтисодиёт ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бойликни ривожлантиришга йўналтирилиши керак дейишди. Шундай қилиб, улардаги қонунчилик ҳақида фикр юритиш инсон, унинг воқелиги, хусусиятлари, эҳтиёжлари, майллари ва ишлари ҳақида ўйлашдан бойлик ва уни қандай кўпайтириш ҳақида фикр юритишга ўтди. Уларнинг тафаккури бойлик ва уни кўпайтиришга қаратилган бўлиб, шахс унга қандай эгалик қилиши ва барча шахслар ўз эҳтиёжларини қандай қондириши ҳақида бош қотирмайдиган, яъни улар бойликни шахслар томонидан қандай ўзлаштирилиши ва қандай тақсимланиши ҳақида эмас, балки мамлакатдаги бойликни кўпайтириш ҳақида бош қотиришади. Уларнинг тафаккури ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва яхшилаш учун ихтиро, кашфиёт ва илм фанни рағбатлантиришга қаратилган. Аммо инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини тартиблаштириш учун ишлаб чиққан низомига келсак, унинг битта номи бор, яъни шахс фойдаланиши керак бўлган эркинликлар ва шахсий ташаббусни рағбатлантириш. Дарҳақиқат, Лаплас назариясининг хатолиги исботланган ва ҳозир бу ҳақида гапириш ўрни эмас. Шунингдек, товар ва хизматларнинг нисбий танқислиги ғояси ҳам хато эканлиги исботланган. Биз ер юзида айрим бойликлар беҳуда исроф қилинаётгани ва баъзи бойликлардан ҳеч ким фойдалана олмайётгани, айти пайтда миллионлаб жисмоний ва фикрий қобилиятга эга одамлар ишсиз эканлигини кўриб турар эканмиз, бу ғоянинг хатолигидан хабардормиз. Лекин шундай бўлса-да, ҳоким ва манфаатпараст пулдорлар ҳамон ўзларининг бузук назарияларини зўрлик ва алдов билан татбиқ этиб, дунё халқларини

мустамлака қилишмоқда. Малайлар ҳамон ўз ролларини бажаришяпти, тўтиқушлар беҳуда нарсаларни такрорлашяпти. Бу нарса уларнинг таназулининг туби эмас, чунки унинг туби янада чуқурроқдир. Бу низом ақл ва идрокдан пастроқда бўлгани учун улар жамиятнинг фаровонлиги ёки қашшоқлигига назар ташлар эканлар, ўз фалсафалари ҳисоб-китобларида жамиятдаги якка шахсларга ёки қашшоқ табақаларга ёки бойликнинг нотўғри тақсимланишига эътибор бермайдилар. Масалан, аҳолисининг сони бир миллион ва йиллик даромади 5 миллиард доллар бўлган мамлакат бой ва фаровон жамият ҳисобланади. Чунки унда шахснинг йиллик даромади 5 минг доллар бўлади. Улар бу ҳисоб-китобларини оммавий ахборот воситалари орқали ўзлари эълон қилишди. Айни пайтда эса, бу мамлакат аҳолисининг 1 фоизи, яъни энг бой кишилари умумий бойликнинг 90 фоизига эгалик қилишини ҳам айтишмоқда. Ҳақиқат очиқ кўриниб турибди. Яъни бу мамлакат аҳолисининг тўртдан бир қисмидан кўпроғи масалан, жон бошига икки юз доллардан ортиқ йиллик даромадга эга эмас. Уларнинг ярмининг йиллик даромади эса жон бошига уч юз доллардан ортиқ эмас. Ақл бундай ҳисоб-китобни қабул қиладими? У ҳақиқатни ифодалайдими? Бу – жамиятнинг воқелиги ҳамда унинг бой ва фаровон эканига далолат қиладиган ҳақиқий ўлчовми? Бу – фарб капиталистик иқтисодий тафаккурининг кашшофлари, тарафдорлари ва тўтиқушларига берилган саволдир.

Бу ерда шунини айтиб ўтиш лозимки, Исломдаги иқтисод низоми билан капиталистик иқтисод низоми ўртасида катта фарқ бор. Исломдаги иқтисод низоми нарсаларни қандай бўлса шундайлигича кўриб, уларни донолик билан муолажа қилади. Бу низомга кўра, муолажа қилиниши лозим бўлган иқтисодий муаммо бойликни тақсимлашдир. Чунки, бойлик тақсимланиши билан ҳар бир шахс ўз эҳтиёжларини қондириш имконига эга бўлади. Капиталистик иқтисод низомида эса, иқтисодий муаммо ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Капиталистик иқтисод низомига кўра, ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши одамларнинг эҳтиёжини қондиради, чунки ҳар бир шахс ўзи тўлаган нархга (пулга) қараб ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эга бўлади. Бу ерда савол туғилади, пули бўлмаган ва уни топа олмаган шахс нима қилади?! Ишлаб чиқариш қанчалик кўпаймасин ёки ошиб кетмасин, уни бойларгина олса, шунинг учун уларгина бойиб, камбағаллар ундан маҳрум бўлса, қашшоқлашса, ишлаб чиқаришни кўпайтириш қандай қилиб чора бўлиши мумкин?! Ахир бу ожизларни ўлимга маҳкум қиладиган низом эмасми? Ушбу ғоянинг ҳаддидан ошган вакиллари фикрича камбағалларга умуман

эҳтиёж йўқ, чунки улар жамият учун оғир юк, шундай экан, уларнинг яшашга ҳаққи йўқ.

Албатта иқтисодий муаммо бойликни шахсларга тақсимлашдадир. Бу эса, алоқаларни тартибга келтириб, ҳар бир шахснинг бойликка эга бўлишига ва уни ўстиришига имкон берадиган низомни талаб қилади. Ногиронлар ўз эҳтиёжларини қондириб, муносиб ҳаёт кечириши учун бу низом қариндошлар, жамият ва давлат каби маълум томонларга бурчларни белгилайди. Айни пайтда капиталистик низом иқтисодий муаммо товар ва хизматларнинг етишмаслиги деб ҳисоблаб, уни ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан муолажа қилинади дейди. Капиталистларнинг фикрига кўра, эҳтиёжларни қондириш учун керакли бўлган товарлар бозорда мавжуд бўлса, хоҳлаган киши уларнинг нархини тўлаш орқали уларни қўлга кирита олади, ишлаб чиқаришни кўпайтириш эса мулкчилик ва ишлаб чиқариш эркинлигини талаб қилади. Бундан ҳам кўра кўпроқ адашган ва аҳмоқроқ фикр борми?

### **Хатони тузатишлар билан муолажа қилиш янада катта хатога йўл қўйишдир**

Бу ғояларнинг қўлланиши оз сонли одамларнинг бойиши, улар ўртасидаги бойлик борасидаги фарқнинг пайдо бўлиши, қашшоқликнинг тарқалиб чуқурлашишига олиб келди. Бойлик оз сонли кишилар ва оилаларда йиғилиши натижасида камбағалларнинг доираси кенгайди. Саноат инқилоби ва станоклар кириб келиши билан вазият ёмонлашди. Ишсизлар сони кўпайиб, ишсизлик муаммоси пайдо бўлди ва иш ҳақи пасайди. Ушбу капиталистик жамиятларда социалистик фикрлар тарқалди. Бу низом камбағал ва ишсизлар, яъни сони кўпу пули оз синфнинг, сони озу пули кўп синфга қарши инқилоб қилишга тарғиб қилар эди. Ушбу низомнинг пул, ҳокимият ва оммавий ахборот воситаларига эгалик қилган бошқарувчилари, ўзларига қарши қўзғолон омиллари ва унинг энергиясини бироз сўндиришдан бошқа чора топмадилар. Шундан кейин давлат социализми деб номланган ёлғонни ўйлаб топишди ҳамда ишчилар, камбағаллар ва ишсизларга ёрдам бериш ва ишсизликни тугатиш мақсадида ёрдам бериш бўйича қонунларни қабул қилишди. Жумладан иш соатини белгилаш, энг кам ойлик маошини белгилаш, иш вақти ва вазифаларни белгилаш, хизмат муддати охирида компенсация тўлаш, ишлашга қодир бўлмаганлар учун ёрдамлар ташкил қилиш ҳамда таълим ва ишсизлик борасида турли ёрдамлар кўрсатиш каби фикрларни қабул қилишди. Уларнинг ўзлари ҳам, бошқалар ҳам яхши биладик, одамларни эксплуатация ва қул қилиш давомий бўлиши учун уларга энг минимал яшаш

шароити яратиб берилиши лозим. Шунингдек, эксплуататор ёки қулдорга ўз ҳаракатлари самарасини беришда давом этиш имконини берадиган жисмоний, илмий ва техник қобилиятга эга бўлишлари лозим. Бунга қўшимча, улар қўзғолон қилиб, ушбу низомни ўзгартирмасликлари учун минимал ҳуқуқлар билан таъминланишлари лозим.

Шундай қилиб, кетма-кет амалга оширилган ямоқ солишлар жамиятнинг қамал қилинишига ҳамда пухта ўрганиб лойиҳалаштирилган телевидение каналлари орқали одамлар тафаккурининг рамкага солинишига замин яратмоқда. Бу нарса шунингдек, ўтиб бўлмас чегара ичида ҳаракатланадиган ҳамда унда одамлар «фикр ва фаолият эркинлигидан фойдаланяпмиз» деган хаёлга боришадиган жамоатчилик фикрини ҳам шакллантирмоқда. Пасткаш тўтиқушлар ушбу тузатиш ва назариялардан эс-ҳушини йўқотиб, малайлар ва ўзларининг хўжайинлари ортидан капитализм ўзини ўзи янгиламоқда, деб такрорлашмоқда. Уларнинг наздида, гўёки капитализм ўзини ўзи муолажа қилиш механизмига эга бўлган охириги оламшумул низомдир. Лекин ҳар бир ақли бор киши учун очиқ ҳақиқат бундан бошқачадир. Хўш шундай экан, ўша очиқ ҳақиқат нима?!

Ҳақиқат шуки, ушбу низом одамларни етарлича таъминлай олмади ва уларга муносиб ҳаётни кафолатлай олмади. Одамлар унинг бузғунчи, золим, эксплуататор, қулдор ва қотил тузум эканини англаб етишди. Унинг камчиликлари кўриниб қолди ва одамлар ундан инграб, фарёдлари кўтарилди. У ўз юртида қулашига оз қолди. Натижада унинг арбоблари ўз ҳокимияти ва манфаатлари давом этиши учун тузатишлар киритиб алдашни бошлашди. Лекин улар киритган тузатишларнинг молиявий чиқимлари бўлиб, уларни таъминлаш ва манбалар излаш керак бўлди. Асосан ожиз ва пуштсиз бўлган бундай тузумда бу муаммонинг ечими йўқ. Шунинг учун улар ақлга келган энг тезкор фикрга ёпишдилар, яъни солиқлар ва уларни ошириш ҳамда янги манбалар ҳақида бош қотиришди. Бироқ қашшоқлик ҳаётининг бир қисмига айланиб қолган одамлар солиқ тўлай олмайдилар. Шунинг учун бу ердаги муолажа икки ишдан бири бўлади: Ёки бу тузумдан фойда кўрган бойлар ўз мол мулкани, воситаларини ва ўша бойлик топиш йўлларини халққа бериб, мулк эркинлиги ғоясини бузувчи бошқа тузумни пайдо қилишади. (Аmmo бу айна низомни давом эттиришдан воз кечишни англатади). Ёки улар бошқа халқларнинг бойликлари ва саъй ҳаракатларини худди шундай куч воситалари ҳамда алдаш ва ҳукмронлик қилиш усуллари билан тортиб оладилар. Бу эса, мустамлаканинг айнан ўзидир.

Юқорида айтилган тузатишларни зарурий маблағ билан таъминлаш учун ишсизликни йўқотиш ёки камайтириш керак бўлади. Шунингдек, иш ўринларини кўпайтириш ва солиқларни ошириш керак бўлади. Буларнинг барчаси учун фабрикаларни юргизиш, ишчиларни иш билан таъминлаш ҳамда жамият учун зарур бўлганидан кўра кўпроқ бойлик топиш йўллари ва иш жойлари яратилиши керак. Бу эса маҳсулотларнинг тўпланиб қолишига олиб келади. Шунинг учун ташқи бозорларни очиш ҳамда бошқа халқларни унинг маҳсулотларини истеъмол қилиши ва унинг пулини тўлашга мажбурлаш лозим бўлади. Шунингдек, чегаралар ташқарисида ўзлари фойдаланадиган лойиҳаларни пайдо қилиш зарур. Бунинг учун ўз маҳсулотларини сотиш мақсадида бошқа халқлар орасида низо ва урушларни пайдо қилиш ва қурол заводларини юргизиш керак. Бундан ташқари, янада кўпроқ алдаш ва бойликларни талон-торож қилиш керак. Бошқача ибора билан айтганда, ушбу низога асосланган мамлакатнинг аҳолиси 300 миллион бўлса, сони бундан икки баробар кўп халқлар учун маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Шунингдек, уларнинг юртига ҳукмронлик қилиши ва уни ўзи учун экин майдонига айлантириши ҳамда уни мустақил бўлишига йўл қўймаслиги керак. Бундан ташқари, уни ўзига боғлаш учун барча нарса билан шуғулланиши ва уни ўзидан озод бўлишига йўл қўймаслиги керак. Шу сабабдан улар одамларнинг пуллари ва бойликларини иложи борича ўзлаштириш учун алдаш йўлларини йўлаб топиши, қонун чиқариши ҳамда куч ва зўравонлик ишлатиши керак. Улар шу ишларнинг барчасини амалга оширишди ва ҳамон оширмоқдалар. Шунингдек, улар бошқа халқларни бўйсундириш ҳамда уларнинг бойликларини ўз ҳамёни ва хазиналарига қўшиб олиш учун қайта-қайта услублар қўллашмоқда.

### **Капитализм алдов ва мустамлакасиз яшай олмайди**

Ҳа, капиталистик тузум қашшоқлик, табақачилик, бойликнинг нотўғри тақсимланиши ва бунга қарши ички қўзғолон чиқиб, режимни ағдариб ташлаш хавфини шундай ҳал қилади. Яъни буларнинг барчасини қашшоқликни янада орттириш, эксплуатация қилиш, эзиш, халқлар қонини сўриш ҳамда бу азоб-ўқубатларни бошқа халқларгача кенгайтириш орқали ҳал қилади. Ҳаётнинг барча соҳалари, бойлик, ишлаб чиқариш ва тафаккурга ҳукмронлик қилиш ва уларни вайрон қилиш орқали яшайдиган капиталистик низоmdir. Ушбу низо ўзини сақлаб қолиш учун юрадиган йўли бу мустамлакадир, акс ҳолда қулаш ва заволга юз тутади.

Мулк эркинлиги ғоясига ва иқтисодий муаммо бу товар ва хизматларнинг нисбий танқислигидир деган фикрга ҳамда бу

муаммонинг муолажаси маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни кўпайтиришдир деган фикрга асосланган капиталистик низом натижасида бир фоиз гуруҳ жамиятдаги бойлик, ҳокимият ва ахборот воситалари устидан назоратни қўлга киритди ҳамда уларга бойликлар устидан назорат қилишда ёрдамчига айланган давлат устидан ҳукмрон бўлиб олди. Нью-Йорк университетидagi иқтисод фанлари бўйича профессор Эдвард Вольф ўзининг «Мувозанатсиз бойлик» номли китобида капитализмнинг етакчиси Америка ҳақида шундай дейди: «Бир фоиздан иборат оилалар синфи молиявий пирамиданинг энг юқори поғонасини эгаллаган. Зеро, умумий бойликнинг 48 фоизи уларга тегишлидир». Профессор Абдулхай Яҳё Заллум ўзининг «Ўвузлик империяси» китобининг 224-саҳифасида айтадики, бир фоиз одамлар 90 % америкаликлар эгалик қиладиган нарсадан кўпроғига эгалик қиладилар. У қўшимча қилар экан: «Бу шуни англатадики, Америкадаги 400 оила 90 % америкаликлардан кўра кўпроқ кучга эга». Худди шу китобнинг 214-саҳифасида шундай дейди: «Ушбу бир фоизли синф пул, оммавий ахборот воситалари, маркетинг сиёсати раҳбарлари ва қонун чиқарувчиларнинг кучини назорат қилади».

Америка мустамлакачилик ва халқларни вайрон қилиш орқалигина ўз тузуми ва омонлигини сақлаб қолар экан, бу нарса Британия, Франция ва бошқаларга ҳам тўғри келади. Уларнинг барчаси мустамлака орқали қолишни хоҳлайди ва улар учун ундан бошқа йўл ҳам йўқ. Халқлар устидан очкўзларча ҳукмронлик қилиш ботқоғида бу давлатлар ва уларга ўхшаганлар ўртасида зиддият келиб чиқиши ва омон қолиш учун мустамлакачилик кураши кучайиб бориши муқаррардир. Омон қолишга эса, фақат халқларнинг саъй-ҳаракатларидан фойдаланиш, бойликларини талон-торож қилиш, қонини сўриш ва гўштини шилиш орқали овлаш билангина эришиш мумкин. Бугун дунё халқлари, хусусан, Ислом олами бошдан кечираётган азоб-уқубатларнинг сабаби ҳам мана шунда. Ислом олами ўзининг уйғониши ва Исломни татбиқ этишга интилиши билан капитализмнинг нафақат иқтисодий тузумига, балки бутун борлигига таҳдид солмоқда.

### **Капитализм паразит иқтисодийётни рағбатлантиради ва ишлаб чиқаришни камайтиради:**

Шундай қилиб, капиталистик қараш жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайдиган, аксинча, зарар келтирувчи йўллар билан мулкка эга бўлишга олиб келди. Сўнг паразит иқтисод фойда келтирувчи ҳақиқий иқтисод эвазига ўсди. Ушбу тузум эгалари одамларнинг пулларини ўзлари хоҳлаганича ўзлаштириб оладиган қонун ва



услугларни ишлаб чиқишда устаси фаранг бўлиб кетишган. Бутун дунёни ўз мулкларига айлантириш учун бошқа давлатлар конституцияларига ўзлари истаган қонунларни тиқиштиришди. Улар озиқ-овқат ва кийим-кечак ишлаб чиқаришда ёки уй-жой қуришда ёрдам бермайдиган, хавфсизликни кафолатламайдиган, саводсизликни тугатмайдиган ва касалларга ёрдам бермайдиган, аксинча, қашшоқлик ва қўрқинчли ёядиган ва фойдали ишлаб чиқаришни вайрон қиладиган молиявий операциялар ва хизматларгагина сармоя ётқизадилар. Сўнгра давлатлар яроқсиз аҳволга келиши ҳамда улар ва халқлари доимий бўйсунуши учун уларни ўз банклари ва муассасаларидан риболи қарз олишга мажбурлайдилар. Улар ҳар қандай ишлаб чиқариш ва фойдаланишга қаратилган ҳаракат учун солиқ солиш ва йиғим турларини ишлаб чиқишда моҳирдирлар. Бунинг натижасида жамиятга ҳеч қандай фойда келтирмайдиганлар, юқори нарх белгилаб ишлаб чиқаришни барбод қиладиганлар бой ва қудратли бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги ёки ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ёки одамларга зарур бўлган хизматларни кўрсатувчи шахсларга келсак, капиталистик қонунлар уларни ҳар бир ҳаракатида ва ишлаб чиқаришнинг исталган босқичида лицензия олишга, солиқ тўлашга мажбур қилади. Бу эса, ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва уни заифлаштиради. Бу паразит иқтисодиётнинг натижаларидан бири шундаки, у миллионлаб иш ўринлари ва ишчилар армиясини яратди. Улар фойдали ҳеч нарса ишлаб чиқармасдан, аксинча, ишлаб чиқаришни суиистеъмол қиладилар ҳамда одамларнинг пулларини фойдасиз ва зарар берадиган нарсаларга сарфлашади.

Юз минглаган банк ва сўғурта компаниялари ходимлари ҳамда улардан икки баробар кўп актёр ва актрисалардан инсонлар ёки жамиятларга нима фойда? Аксинча, улар зарар етказадилар ва сиз уларни энг бой ва кучли одамлар сифатида кўрасиз. Албатта мана шу ва унга ўхшаш кўп мисоллар жамиятнинг таназзули ва давлатнинг қулашига кифоядир. Айтганимиздек, улар бу таназзулни кўпроқ ҳукмронлик қилиш ва халқларни талон-торож қилиш билан кечиктирмоқда. Халқларки уларнинг артерияларидаги қон капиталистларнинг машиналарини юргизиш учун айланмоқда. Хўш бу паразит иқтисодий низомни йўқ қиладиган, одамларни ишлаб чиқаришга ундайдиган, низомни бойлик топиш учун эмас, балки ҳар бир шахсни мулк эгаси қилиш учун белгиладиган ҳамда аҳком ва муолажаларни пул ва бойликни ривожлантириш учунгина эмас, шахсларнинг мулкчилигини ривожлантириш учун – чунки мавзу ва

муаммо бойлик эмас инсондир – қўллайдиган исломий низом қаерда?

Дарҳақиқат, Ислом рибони ва барча банкларни ҳаром қилди ҳамда жоҳиллар иш имкониятлари деб ҳисоблайдиган мансабларни бекор қилди. Чунки улар уйларида ўтириб, ҳеч қандай меҳнат қилмасдан, ўзларига етарли нарсани олишлари бу банкларнинг фойдали ишлаб чиқариш билан шуғулланиш ўрнига одамларнинг молларини йиғиб олгани, нарх-навони кўтариб, ишлаб чиқаришни издан чиқаргани ва зулм қилганидан кўра яхшироқдир. Ислом яна суғуртани ҳамда унинг ширкатлар ва банк каби муассасаларини ман қилди. Шунинг учун бундай мансабни эгаллаб турганлар армияси ишлаб чиқаришни ривожлантирадиган ҳамда жамият ва Умматга фойда берадиган, жамият ва давлатни кучайтирадиган ишлар билан шуғуллансинлар. Ислом одамларни ўзлари эгаллаб турган деҳқончилик ерларига экин экишларига буюрди. Ким ерни уч йил ишлатмай ташлаб қўйса, ундан ер тортиб олиниб, экадиган кишига берилади.. Ислом ер эгалари унга экин экишлари учун уларни молиявий ёрдамлар ва бекор хизматлар билан таъминлашга қизиқтирди. Шундай қилиб, бу низом ишлаб чиқаришни ва бойликни ўстиришни тўғри тартибга келтирган намунавий низом бўлди. Ислом бекордан пул сақлаш ва рибони ҳаром қилди. Шунинг учун бойларга Аллоҳ йўлида ва яхшиликларга бойликни сарфлаш ҳамда уни деҳқончилик ёки ишлаб чиқариш ёки тижоратда кўпайтиришдан бошқа йўл қолмади. Ислом зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун пул сарфлашга рағбатлантирди. Шерикчилик жумладан музорабага рухсат бериб, унга қизиқтирди. Шундан кейин ишсизлик қоладими, чунки қанчадан-қанча катта бойликка эга одамлар борки, улар ўз пулларини бошқаришга қодир эмаслар. Бунга муқобил ўлароқ, ўз кучларини фойдали ва самарали ишга айлантириш қобилиятига эга бўлмаган билимли ва тажрибали мутахассислар бор. Агар пул жамғариш ва судхўрлик ман қилинса, ширкатлар хусусан ушбу икки синф (бойлар ва мутахассислар) ўртасида фаол бўлади. Шундай экан, малайлар ва тўтиқушларнинг «Исломда иқтисод низоми борми?» – деган гапларини оқлайдиган асос йўқ.

Улар бу каби мункар гапларини қайси ҳужжат ва нима мақсадда айтишмоқда? Самарасиз меҳнатни рағбатлантирадиган, унумли меҳнатга тўсқинлик қиладиган, сарф-харажатларни кўпайтирадиган, судхўрлик банклари орқали инвестицияларга рағбатлантирадиган, бу банклар ўз навбатида уларни каттароқ фоиз эвазига берадиган, шу билан ишлаб чиқариш харажатларини оширадиган ва юқори нархларни келтириб чиқарадиган низомни сақлаб қолиш учунми?

Қолаверса, банкларга кредит бериш орқали жамиятда ишлаб чиқаришни бузадиган, рақобатни йўқотадиган ва нархларни кўтарадиган низомни сақлаб қолиш учунми? Тўғрироғи, кичик банклар давлатга катта фоиз ставкасида қарз бериш учун йирик хорижий банклардан кредит олади. Бу эса, давлатга оғир молиявий юк бўлиб, унинг оғирлиги солиқлар ошиши, нархлар кўтарилиши, ишлаб чиқаришнинг заифлашиши ва ишсизликнинг кучайиши каби кўринишларда оддий халқ елкасига тушади. Натижада, ушбу давлат заифлашиб, фақат номигина қолади ва унинг бойликларини капиталистик тузумнинг китлари ва йиртқичлари ютиб юборади. Шундай экан, неъмат низоми билан лаънат низоми ўртасида катта фарқ бор. Тўтиқушлар сайрайверишсин. □

## АҚШ ДОЛЛАРИНИНГ БОШҚА ВАЛЮТАЛАР УСТИДАН ҲУКМРОНЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Муҳаммад Ҳанафий Яғмур

Пул – товар ва хизматлар қийматининг ўлчови бўлиб, товар ва хизматлар алмашинуви у орқали амалга ошади. Дарҳақиқат, одамлар қадимдан турли хил нарсаларни пул сифатида ишлатишган. Бундан ташқари, тарих давомида олтин, кумуш ва мис каби металллардан одамлар пул сифатида фойдаланганлар. Одамлар бир овоздан олтин ва кумушни устун пул сифатида қабул қилиб, ишлатганлар. Олтин пул тизими бутун дунёда 1971 йилгача турли шаклларда қўлланилган.

Пул муомалаларида ишлатиладиган олтин тизими учта асосий шаклга эга эди:

**Биринчи: Олтин танга тизими** биринчи жаҳон урушигача қўлланилган. Бу тизимда 100 % олтинга тенг бўлган ва олтинга айлантириш мумкин бўлган олтин тангалар ёки банкнотлар муомалада бўлган.

**Иккинчидан: Олтин ёмби тизими** биринчи жаҳон урушидан кейинги йилларда қўлланилган. Бу тизимда муомаладаги қоғоз пул бирлиги олтин ўрнига ишлаши учун босилди. Аммо олтинга конвертация қилиш маълум оғирликлар билан чекланган ва муайян шартлар билан боғлиқ эди. Қисқа муддатда амалга оширилган бу тизимдан 1931 йилда воз кечилди.

**Учинчиси: Олтин (валюта) айирбошлаш тизими.** Ушбу тизимга кўра, миллий валюталар олтинга тўғридан тўғри конвертация қилиш афзалликларига эга эмас. Бу тизимда мамлакат пуллари олтин билан бевосита боғланмайди; Аммо бошқа мамлакатнинг пуллари билан уни олтинга айлантириш мумкин. Шунга кўра, мамлакатлар қарам мамлакат ва асосий мамлакат синфларига ажратилди ҳамда асосий мамлакат валютаси, деган тушунча пайдо бўлди.

Биринчи ва иккинчи шаклларда олтин танга тизими қўлланилган даврларда халқаро тўловлар тақчиллиги кузатилмаган. Айниқса, биринчи жаҳон урушигача ишлатилган олтин тангаларнинг қадрсизланиши кузатилмаган. Пул мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатлана олди ва валюта қадрсизланиши масаласини келтириб чиқармади. Масалан, Усманий давлатнинг биринчи тангаси милодий 1326 йилдан 1740 йилгача босилган ва унинг умумий қадрсизланиши 414 йил давомида 84 %га тенг бўлган. Бу ҳар йили 0,20 %га тенг деганидир. Бошқача айтганда, у ташқи аралашув пайдо бўлгунга қадар, йиллар ва асрлар давомида ўз қийматини узлуксиз сақлаб қола олган ва олтинга таянган ягона валютадир.

Олтин ўзининг тузилишига кўра бутун дунё томонидан қабул қилинган, ишлаб чиқариши чекланган ва одамлар хоҳишига кўра кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин бўлмаган пул бирлигидир. Унинг кўпайиши олтин конларининг ишлашига, бу ҳудудлардан олтин қазиб олишга боғлиқ. Бутун дунёни ҳисобга олсак, йиллик олтин ишлаб чиқариш чекланган. Бундан ташқари, барча қазиб олинган олтинларни тўғридан тўғри нақд пулга айлантириб бўлмайди. Чунки у саноатнинг турли соҳаларида ҳам қўлланилади (масалан, телевидение ва мобил саноат). 2018 йилдаги рақамларда дунёда ҳар йили тахминан 3500 тонна олтин ишлаб чиқилишини ҳисобга олсак, бу миқдорда ишлаб чиқарилган олтин бир томондан саноатда қўлланилиб, унинг бир қисми заргарлик буюмлари сифатида, ёки турли йўллар билан тежамкорлик воситаси сифатида ишлатилиши мумкинлиги сабабли, агар олтин тизими қўлланилса, бутун дунёда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни баҳолашга кифоя қилади.

Бироқ, биринчи жаҳон урушидаги юқори инфляция ва ишсизлик туфайли мамлакатлар олтин стандартига қайтишга ҳаракат қилишса ҳам, лекин 1929 йилдаги машҳур депрессия, капиталистик тузумни татбиқ қилиш билан боғлиқ баъзи жиҳатлар ва иккинчи жаҳон уруши харажатлари туфайли дунё давлатлари томонидан пулни муқобилсиз босиб чиқаришни тезлаштирди. Бу эса олтин танга тизимининг бузилишига олиб келди.

Аммо, дунёда доллар ҳукмронлигининг бошланиши Бреттон Вудсдан бошланди. 1944 йил 44 давлат иштирок этган конференцияда долларнинг олтин эквивалентини ҳисобга олиб, барча жаҳон валюталарини АҚШ долларига боғлаш асосида янги пул тизими ташкил этилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳон олтин захираларининг катта қисми биргина Қўшма Штатларга тегишли эди. 1950 йилда Вашингтоннинг олтин захираси жаҳон олтин захираларининг 65 фоизини ташкил этган эди.

Бироқ Американинг пулларни муқобилсиз чоп этиши, айниқса, Вьетнам уруши харажатлари ва дунё давлатларининг долларга бўлган талаби туфайли муомаладаги пуллар Америкадаги олтин захираларидан ошиб кетди. Шунинг учун Бреттон Вудс келишуви бекор қилиниб, 1971 йил декабрида президент Никсон даврида доллар эркин сузиш режимига ўтказилди. Бреттон Вудс шартномасига кўра, 1 унция (31,1гр) олтин 35 долларга белгиланган. Ҳозирги вақтда (2022 йил 4 март санаси ҳисобига кўра) бир унция олтин 1942 долларга тенг. Бошқача айтганда доллар олтинга нисбатан қийматининг 55,48 %ни йўқотган.

Аммо Америка бошқа томондан олтин эвазига доллар босиб чиқаришни талаб қилувчи Бреттон Вудс тизимидан воз кечаётган бир пайтда, муқобилсиз чоп этаётган долларлар келтириб чиқарган қийинчиликларни енгиш учун нефть орқали ечим топди. 1972 йилдан 1973 йилгача АҚШ ҳукумати Саудия қироллик оиласи билан бу оиланинг ҳукмронлигини сақлаб қолиш эвазига нефтни фақат долларга сотиш бўйича келишув тузди. ОПЕКдаги бошқа давлатлар ҳам шунга эргашиб, нефть учун фақат долларни қабул қилишди. Шундай қилиб, нефть сотиб олмоқчи бўлган мамлакатлар уни фақат долларга сотиб олишга мажбур бўлиб қолди. Бу долларни бутун дунё бўйлаб ҳеч қандай бадалсиз қабул қилиш ва уни захира валютаси сифатида устунлигини сақлаб қолиш учун муҳим қадам бўлди.

Айниқса, 1971 йилда доллар эркин сузишга ўтказилганидан сўнг долларнинг жаҳон бозорларига киритилишида барқарор ўсиши кузатилди. Долларнинг олтин билан боғлиқлиги бекор қилиниши сабабли Федерал резерв банки чоп этиш харажати атиги 6 центга тўғри келадиган купюраларни жаҳон бозорларига тарқата бошлади. Бу эса, бутун жаҳон иқтисодиётида долларлашув муаммосини келтириб чиқарди. Доллар қийматининг бошқа мамлакатлар валюталарига нисбатан кўтарилиши пул-кредит сиёсатини қисқартириш ёки кенгайтириш орқали амалга оширилди.

Масалан, глобал инқироз бошланган 2008 йилга келиб, Федерал захира тизимидаги доллар пулларнинг соф қиймати 817 миллиард 367 миллион долларни ташкил этди. 2022 йил февралига келиб, у 2 триллион 232 миллиард 107 миллион долларни ташкил этди. Худди шу санада Федерал резервнинг баланс кўрсаткичлари 922 миллиард 187 миллион доллар ва 8 триллион 928 миллиард 129 миллион долларни ташкил этди. Бошқача айтганда, бу даврда Америка М0 (муомаладаги пул) пул массаси бўйича 1 триллион 414 миллиард 740 миллион долларни босиб чиқарди. М1, М2, М3 пул массалари ва қарз олиш ва бошқа воситалар ҳисобга олинса, умумий пул массаси бу рақамдан ўнлаб баравар кўп бўлади.

Бреттон Вудс тизими ва барча жаҳон валюталарининг АҚШ долларига боғланганлигидан келиб чиқиб, дунёнинг барча давлатлари АҚШ долларини марказий банкларда захира валюта сифатида ушлаб туришни пул кредит сиёсатининг энг муҳим омилларидан бири деб ҳисобладилар. Мамлакатлар ўзларида мавжуд бўлган доллар миқдорига қараб ўз миллий валюталарини осонгина чоп этиш имкониятига эга бўлдилар. Чунки доллар 1944 йилги келишувдан кейинги йилларда олтинга тенг бўлган эди. 1971 йилда АҚШ президенти Ричард Никсон долларни олтиндан

ажратишни эълон қилган бўлса-да, доллар жаҳон валютасига айланди. Айни пайтда АҚШ билан қаттиқ рақобатда бўлган Хитой ва Россия каби давлатлар ҳам ўз захираларида катта миқдорда АҚШ долларини сақламоқда. Дунёдаги 246та марказий банклар захираларида доллар улуши 64 фоизни ташкил этади.

Бугун дунёда бўладиган аксар савдо-сотиқ Америка долларарида олиб борилади. Бутун дунёда 7 триллион доллардан ортиқ савдо айланмаси мавжуд бўлиб, унинг Америка маҳсулотлари ва хизматларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Американинг нефть харидларини долларда амалга ошириш талаби долларни халқаро савдонинг асосий ўлчовига айлантирди. Ҳозирда жаҳон савдосининг 88 % АҚШ долларарида, 32 % еврода ва 17 % япон иенасида амалга оширилмоқда.

Айни пайтда дунё давлатлари халқаро савдода мувозанатни сақлаш ва жорий ҳисоб-китоб дефицитидан қочиш учун ўз валюталаридан кўра кўпроқ АҚШ долларига таяниб, доллар, евро ва япон иенаси каби катта миқдордаги валюта захираларини ушлаб туришади.

«Дунёда валюта курсларининг беқарорлиги ва ҳукуматларнинг бошқа мамлакатлар валюталарига нисбатан курсларни ошириш ёки пасайтириш имконияти борлиги дунёни ташвишга солмоқда. Масалан, 2008 йилги иқтисодий инқироз даврида Хитой ўзининг АҚШ доллараридаги катта захирасидан жуда қўрқиб кетди. Чунки АҚШ долларининг 10 фоизга тушиши 1,4 триллион валюта захирасига эга Хитойни 104 миллиард доллар йўқотишга олиб келади». (Малковий, Ислом юксалиши ва капитализмнинг қулаши).

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра ва 2022 йил январ ҳолатига кўра, баъзи мамлакатларнинг захиралари қуйидагича:

Америка: 249.551.000.000 Америка доллари

Англия: 227.551.000000 Америка доллари

Хитой: 3.577.473.000.000 Америка доллари (шунинг 1 триллиондан ортиғи АҚШ облигациялари шаклида).

Россия: 630.212.600.000 Америка доллари. Россияга тегишли бўлган ушбу захираларнинг катта қисми Россиядан ташқарида жойлашган.

Япония: 1.448.095.000.000 Америка доллари

Ҳиндистон: 632.079.530.000 Америка доллари

Саудия: 446.796.680.000 Америка доллари

Туркия: 109.717.000.000 Америка доллари

Бу рақамларга назар ташласангиз, энг катта валюта захиралари айна дамда Американинг энг йирик рақобатчиси Хитой, ундан кейин эса Россия қўлида эканлиги кўринади. Бу рақамлар шунингдек, баъзи мамлакатлар Америка билан рақобат қилсалар-да, доллар валютасида ўз захираларини юқори даражада ушлаб туришга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатади. Бунинг сабаби иқтисодларини кучли ушлаб туриш ва улар дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларга қарши туриш учундир. Бошқа жиҳатдан эса, бу давлатлар ўзларининг иқтисодий йўқотишларини олдини олиш учун доллар курсининг пасайишига олиб келадиган чораларни кўрмайдилар.

Халқаро Валюта Фонди маълумотларига кўра, бугунги кунда барча хорижий банклар захираларининг 61 %дан ортиғи АҚШ долларига тўғри келади. Зеро, захираларнинг аксарияти нақд пул ёки АҚШ облигацияларидан иборат. Шу билан бирга дунё қарзларининг қарийб 40 фоизи долларга тўғри келади. Шунингдек, глобал захиранинг вазияти кўп жиҳатдан АҚШ иқтисодиётининг ҳажми ва кучига ҳамда АҚШ молия бозорининг устунлигига боғлиқ. Қўшма Штатларда жорий ҳисоб-китоб тақчиллиги ошиб бораётганига ва триллионлаб долларлик ташқи қарзга қарамай, АҚШ ғазначилик облигациялари халқаро молия тизимидаги энг хавфсиз пул захираси бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, АҚШ доллари дунё мамлакатлари устидан ҳукмрон куч бўлса-да, виртуал иқтисод ҳукмрон бўлган дунёда Америка томонидан яратилган пул тизими узоқ давом этмайди деб ҳисобланади. Бу мавзу бўйича мутахассисларнинг фикрига кўра, бу тизимни узоқ вақт давомида сақлаб бўлмайди. Шу сабабли, ҳозирда биткоин каби долларга муқобил валюта изланмоқда. Халқаро валютага (захирага) эга бўлган давлат ўз мавқеини давом эттириши ва сақлаб қолиши учун баъзи масалаларда, масалан мамлакат бюджети ва ташқи қарзда камомад юз берган пайтда буни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлиши керак.

АҚШ доллари дунёдаги барча мамлакатлар учун асосий ва ҳукмрон валюта бўлиб қолса-да, бироқ унинг барқарорлигига шубҳа бор ва муқобил ечимлар изланмоқда. Шубҳасизки, олтин бу муқобил ечимлар орасида барқарорликни рўёбга чиқарадиган энг яхши халқаро тўлов воситаси бўлиб қолмоқда. Бироқ, афсуски, капитализмнинг очкўзлиги ва уларнинг дунё бойликларини оз сонли бойларнинг бўғзига оқизадиган виртуал иқтисодиётни яратишда давом этиши олтин стандартини яна кўтараётган кучли овозлар йўлида тўсқинлик қилмоқда. Шу даражадаки, Хитой ва Россия каби АҚШ доллари ҳукмронлигидан нолийдиган давлатлар ўз миллий



валюталари билан савдо битимларини тузаётганда олтин тизимини татбиқ этишга уринмаяптилар. Зеро, Россия, Хитой ва булардан бошқа Америкага қарама-қарши бўлган мамлакатларда, шунингдек, миллиардлаб доллар бойликка эга бойлар бор бўлган мамлакатларда ҳам айна шу капиталистик низом татбиқ этилади. □

## ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ЎРТАСИДАГИ БЎЛИНИШГА БАРҲАМ БЕРИШ (ПОКИСТОН МИСОЛИДА)

Муҳандис Муиз – Покистон

Покистоннинг сиёсий тизимидаги сўнги кўлаб ўзгаришлар давлатнинг заифлиги ва ўз ҳокимиятини ўрнатишга қодир эмаслиги ҳақидаги баҳс-мунозараларни уйғотди. Ана шундай ўзгаришлардан бири Покистон давлатининг Покистон Толибони билан музокаралари бўлди. (Бу ҳаракат Покистон давлатига қарши бир неча йиллардан бери курашиб келаётган, пуштун жангариларидан иборат, ўзаро мустаҳкам уюшиш асосида боғланмаган жамоатдир). Мазкур ўзгаришлардан яна бири шуки, Покистон давлати аввалига «Таҳрик лаббайк Покистон» жамоасини тақиқлади, кейин у билан шартнома тузиб, унга фақат сиёсий партия сифатида фаолият кўрсатишга рухсат берди. Иккала ҳолатда ҳам либераллар давлатни кучли ва уюшган гуруҳлар қаршисидаги заифлигини танқид қилдилар. Айтилган пайтда давлат ўз лоқайдлигини уюшган ҳаракатларнинг сиёсий босимида қарши туришда сиёсий иродага эга бўлмагани билан оқлади.

Давлатнинг заифлиги шу билан тугамайди. Либерал зиёлилар давлат амалдорларини, сиёсий етакчиларни ва ҳукмдорларни ҳозирги Покистон давлати таянган илмоний пойдевор ва илмоний идеалларга қарши курашаётган кучли оқимларга қарши чиқмаётганликлари учун танқид қилишди. Яъни «сиёсат ва бошқарувда Ислом марказий ўринни эгаллаши керак деган ғоя атрофида жамият бирлашмоқда» деган ишончдан келиб чиққан. Улар жамиятнинг Исломни бундай кучли қўллаб-қувватлаётганлиги ва Исломнинг сиёсий ролининг бундай кенг ёйилаётганлиги давлатга «таҳдид» ва муаммо туғдирипти, жамиятни радикаллаштирипти, деб кўришяпти. Шунинг учун давлат диний мактаблар ўрнига «Маърифатли мўътадилликни» қўллаши ҳамда «экстремистик» – зўравон бўлмаса агар – исломий гуруҳларнинг манбаларини қуритиш мақсадида таълим дастурларини «ислоҳ қилиш» орқали жамиятни радикаллашувдан соғломлаштириши керак, деб ҳисоблашади.

Давлат жамиятни тобора кучайиб бораётган «муаммо» сифатида кўради, шунинг учун давлат амалдорлари жамиятни ўзгартириб, ўзларини қониқтирадиган махсус имижга айлантиришга интилади. Давлат томонидан бўлган бундай қараш чуқур муаммодир. Зеро, либерал зиёлилар давлатни маълум бир музокаралар олиб бориб бўлмайдиган хусусиятларга эга бўлган қаттиқ институт сифатида кўрадилар. Масалан, Покистон-Афғон чегарасининг шимоли ғарбий қисмидаги Пуштун минтақаларида бошланган қўзғолонни кўриб

чиқайлик. Либераллар ва давлат амалдорлари қўзғолонни давлатнинг зўравонлик монополиясига қарши чиққан ва зўравон нодавлат субъектларнинг пайдо бўлишига олиб келган реакцион ҳаракат сифатида тасвирлашади. Лекин бу ҳақиқатни нотўғри талқин қилишдир. Чунки ҳақиқат шуки, пуштун қўзғолони Покистон давлатининг минтақадаги Америка сиёсатига бўйсунётган ташқи сиёсатига қарши исён эди. Пуштун қабилалари Покистон давлатининг Америкага бўйсунушини рад этдилар ва уни минтақадаги Америка кун тартибига бўйсундирмоқчи бўлган бу давлатга қарши исён кўтардилар. Қўшма Штатларнинг минтақадаги сиёсати ҳарбий амалиётлардан сиёсий музокараларга ўтганидан сўнг қўзғолон сусайди. Лекин Америка минтақани тарк этмагунича у ерда барқарорлик бўлмайди. Бу ерда Покистон либераллари ва давлат амалдорларининг нотўғри қарашлари яққол намоён бўлади. Давлат ҳокимият ва унинг қарорларини ҳеч қандай ҳолатда куч ишлатиш билан татбиқ этиши мумкин эмас. Аксинча, давлат ҳокимияти ва суверенитети сиёсий консенсусни ифодалаши керак. Агар давлат омма томонидан инкор этиладиган сиёсий консенсусга эга бўлишни даъво қилса, давлатнинг ҳокимияти ва қонунийлиги хавф остида бўлади. Бундай ҳолатда давлат томонидан куч ишлатиш орқали чиқарилган буйруқни ижро этиб бўлмайди.

«Таҳрик лаббайк Покистон» ҳаракатининг мисоли аввалги мисолга ўхшайди; Зеро унда ҳаракат давлатнинг Росулulloҳ ﷺ шаънини ҳимоя қилишдан кўра иқтисодий манфаатни устун қўядиган ташқи сиёсатини рад этди. Айна пайтда Ислом Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺнинг шаънини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишни талаб қилади. Ислом сўз эркинлигини тан олмайди ва суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺни ҳақорат қилишга ҳеч кимга ҳуқуқ бермайди. Шунинг учун мусулмон ҳокимлар Ислом қадриятларини менсимасликка журъат этган шахслар ва давлатларни жавобгарликка тортиши керак. Аммо Покистон давлатининг кофир Франция давлатига қарши туришдан ва унинг элчисини чиқариб юборишдан бош тортиши давлат учун қонунийлик инқирозини келтириб чиқарди. Шунингдек, давлат жамият талаб қилган сиёсий консенсусни амалга оширмади. Бундай мисолда давлат ўз ҳокимиятини ўрната олмайди ва олдинга қараб ҳаракатлана олмайди.

Бу ерда давлат тушунчаси ҳақида чуқурроқ саволлар берсак арзийди: Жумладан, давлат ўзи бошқараётган жамиятдан ажралиб турадиган идеал ва қадриятларга эга бўлиши мумкинми? Давлат жамиятдан алоҳида институтми ёки уни қувватловчи ва

шакллантирувчисими? Давлат жамиятдан ажралган ўз иродасига эгами ёки давлат шунчаки жамият истаётган нарса учун воситами?

Давлат аслида, жамиятнинг ижрочи вужуди бўлиб, унинг кенгайиши ва ифодасидир. Одамлар сиёсий жамият сифатида атрофида тўпланадиган идеаллар ва қадриятлар рўёбга чиқиши учун давлат ва жамият ўртасида сиёсий консенсусга эришилади. Кейин бу идеал ва қадриятлар бошқарувнинг асосини ташкил қилади ва улар асосида давлат структураси ва муассасалари шаклланади ва илдиз отади. Давлат, аслида, ижро этувчи орган ва жамият иродасининг ифодасидир. Давлат ва жамиятни иккита алоҳида элемент сифатида кўриш ногўфри, чунки бу иккиси бир вужуддир.

Ҳозирги давлат ва жамият ўртасидаги бўлиниш мустамлакачилик давридан бошланган. Ўшанда Европа мустамлакачилари Усманий Халифаликни йўқ қилиб, мусулмон юртларда бегона давлатларни барпо этишган эди. Бу давлатлар Ғарб идеаллари ва қадриятлари асосида қурилган бўлиб, аслида, улар Ислом юртларидаги ғаразли бегона дарахтлар эди. Улар бугунги кунгача Европа ва Ғарб мустамлакачилигининг мероси бўлиб келмоқда. Бу давлатлар чет эл жамиятларидан олинган ғоялар асосида қурилгани сабабли, Ислом жамиятларини ўзгартиришга ва ўз қадриятларини Ғарб ғоялари ва қадриятларига мос равишда алмаштиришга ҳаракат қилади. Давлат ва жамият ўртасидаги ана шу тўқнашув Ислом оламида турғунлик ва таназзулга сабаб бўлди. Қачонки давлат ва жамият ўртасидаги бу бўлиниш бартараф этилса ҳамда исломий оламда узвий ва табиий бўлган Исломий давлат, яъни Халифалик давлати тикланса исломий олам гуллаб яшнайдди. Ана ўшанда Аллоҳ Таоло нозил қилган илоҳий қонун билан ҳукм юритишга ҳаракат қилаётган республикаларнинг сиёсий бирлашуви рўёбга чиқади.

﴿وَأَن أَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَأَحْذَرَهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

**«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!»** [Моида 49] □

## АЖДАР ДАВЛАТ ВА БЎРИ ОДАМ ЛИБЕРАЛИЗМ, ДЕМОКРАТИЯ, ИЛМОНИЙЛИК ВА КАПИТАЛИЗМ ЎРТАСИДА

Соир Салома Абу Молик

Демократик, илмоний, капиталистик ва либерал тушунчаларнинг Ғарб ҳазорати ва моделини шакллантиришдаги роли аҳамиятини ҳамда унинг амалий воқеликда акс этишини кўриб чиқишга ҳаракат қилсак, шу нарса маълум бўладики, демократия бу тушунчалар орасида энг муҳими эмас. Чунки у ўзининг фалсафий асосларида либерализмга зиддир. Ғарб давлатлари ҳар доим ўзларининг «демократик» эканликлари билан фахрланиб, шафқатсиз «диктатура» деган баҳона билан бошқаларга ҳужум қилса-да, аслида улар демократиянинг ўзига хос фикрий асослари бузилса ҳам парво қилишмайди. Улар ҳокимият амалда озчиликнинг фикрини ифодалашига эътибор қаратишмаган ҳамда ҳеч қачон кўпчилик фикрини ифодалашнинг мумкин эмаслиги муаммосини ҳал қилишга интилишмаган. Шунингдек, улар озчиликлар ҳукмронлигини таъминлаш ҳокимиятлар бўлиниши принципига путур етказишига ҳамда ҳокимиятнинг жамиятни бошқарувчи бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланишига эътибор беришмади. Уларнинг тарихи озчиликнинг манфаатларига зид бўлган ҳамда демократик йўл билан сайланган ҳукуматларнинг қулашига оид мисоллар билан тўла. Шунинг учун айтиш мумкинки, демократия ғояси сунъий нафас олиш аппарати билангина яшаши мумкин. Уни сақлаб турадиган нарса, Ғарб кадриятларини кўз-кўз қиладиган оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилишдан фойдаланиш ҳамда сайлов мавсумида одамларга ўз етакчиларини танлаётганини ҳис қилдиришда фойдаланишдир. Шунингдек, ушбу раҳбариятлар қарорларининг қонунийлигини (аслида эса уларнинг аксарияти фақат сиёсий партиялар ва ҳукмрон элитанинг фикрини ифодалайди) ошириш ҳамда бошқа низомларни шафқатсиз ва авторитар деб белгилаш учун қилич билан ҳужум қилишдир. Бундан ташқари, ҳақиқий ўзгартиришни истаётган халқлар олдида уларнинг ўзгартиришларини косметик ва босқичма-босқич ўзгартиришга айлантириш учун ширинлик ва таёқ сиёсатини қўллашдир.

Ғарб олами инсон тафаккури яратган сиёсий тузум ва ғоялар бир зумда пайдо бўлмаслигини, уларни жамиятга муқобил сифатида тақдим этиш осон кечмаслигини англаб етди. Аммо бу нарса бир неча босқичларни босиб ўтиш орқали, яъни шароит ва одамларнинг тафаккури Ғарб ғояларига мослашиб, уларни қабул қилишга тайёр бўлганидан кейин мумкинлигини тушунди. Шунинг учун файласуф ва

муфаккирлар фундаментал муаммоларга ўз ечимларини тақдим этишмоқда. Жамият ушбу ечимларни қабул қилгандан сўнг, муфаккир ва назариётчилар биринчи ечимларни қўллаш натижасида келиб чиқадиган жамиятнинг бошқа муаммоларини ўз ичига олувчи янги ечимларни тақдим этишда давом этадилар. Буларнинг барчаси «яхлит» сиёсий тизимни барпо этишди муфаккирлар амал қиладиган идеология доирасида ишлаб чиқилади. Шунинг учун бугунги кунда Ғарб ҳазоратида илмонийликнинг роли айни доира ичидан чиқмаган ҳолда қуйидаги икки муҳим давр ва босқичда ҳаракат қилишдан иборат эканига гувоҳ бўламиз:

Биринчиси: жамият ва шахслар учун илмонийликдан операция хонаси сифатида фойдаланиш; Токи, улар аста-секин кенг қамровли илмонийликка боришсин. Ушбу жараёнлар давомида илмонийлик шахсга баъзи шахсий қадриятларга эга бўлиш имконини беради ва жамоат муносабатларида баъзи диний қадриятларни вақтинча қабул қилади. Масалан, никоҳнинг таърифи масаласи ёки одамларнинг эътиқоди ва шариятларига кўра никоҳ, ажралиш ва ўлим масалалари, ёки яхшилик ва ёмонлик тушунчалари ёки масиҳийликдан бутунлай ўзлаштирилиб, ҳеч қандай асосланмаган тенглик тушунчаси ёки гомосексуализм тушунчаси, буларнинг барчаси ўша қадриятлар жумласидандир. Илмонийлик никоҳ папкасини черков ва динга қолдириш орқали қабул қилади ёки жамият узоқ вақтдан бери гомосексуализмни рад этиб келишига ҳам кўнади. Илмонийлик яна ғарбликларга динидан келиб чиқиб ўз эҳтиёжларини қондириши учун яхшилик қилишига ҳам рози бўлади. Лекин шу ишлар жараёнида энг аҳамиятли масалага, яъни жамиятни илмонийлаштиришга қаттиқ аҳамият қаратади. Кейин навбат мазкур масалаларга келади ва диннинг никоҳ ҳақидаги таърифига қарши қақшатқич уруш бошлайди. Диннинг ушбу масалаларни тушуниши етарли эмаслигини кўрсатиш учун дин назарида радикал муносабатлар яъни гомосексуализмни танлайди. У динга қарши курашда ундан қурол сифатида фойдаланади ва жамиятни гомосексуализм ҳақидаги тушунчасини ўзгартиришга мажбурлайди ҳамда гомосексуализмни қоралайдиган ҳар қандай тушунчалардан воз кечишга чақиради. Бу мана шу тушунча борасида динни илмонийлик фойдасига чекиниши учун энг яхши воситадир.

Илмонийлик яхшилик ва ёмонлик тушунчасини ишларнинг ўлчови сифатидаги илдизи билан қўпориб ташлаш орқали йўқ қилади. У айтадики, шахс унда ўзи учун манфаат бўлган бир ишни қилса, ўша яхшидир. Натижада, яхшилик ишларнинг миқёси бўлишдан тўхтайдиган ва ҳоказо. Демак, операция хонаси жамиятнинг қадриятлар, одоб,

ахлоқ ва дин билан бўлган алоқасини илдизи билан қўпориб ташлаш ҳамда жамиятнинг ўлчовларини йўқ қилиш учун жамиятни фикрий жиҳатдан ўзгартириш устида ишлайди. Шундай қилиб, илманийлик жамиятларни тезроқ илманийлаштириш учун уларни бир ҳолатдан иккинчисига кўчирувчи транспорт воситасига айланади. Ўзининг дастлабки босқичларида у динни давлатдан ажратиш ғояси билан чекланади. Кейин эса, жамиятни одоб, ахлоқ, дин ва қадриятлардан ажратиш учун бошқа босқичларга кўчиб ўтади ҳамда уни бошқа барча муносабатларда ҳар томонлама илманийлик томон йўналтиради. Бу илманийликнинг биринчи давридир.

Аммо иккинчи ролга келсак, илманийлик мамлакатни «Аждар давлат» модели сари етаклайди. Аждар – шахслар ҳар қандай давлатдан кучли бўлиш учун қурадиган замонавий давлатнинг рамзидир. Илманийликка кўра, давлат ичкарида хавфсизлик ва ташқарида тинчликни таъминловчи қўрқинчли ҳайвондир. Бошқача айтганда, давлат улкан сунъий жасорат машинаси бўлиб, унинг вазифаси барча шахсларнинг биринчи манфаати, яъни хавфсизлигини сақлашдир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат тўхтатувчи ва қудратли кучни ифодалайди... Шунда давлат одамлар ўзларининг ёвуз табиатига таслим бўлиб қолмаслиги учун ҳар кимнинг устидан ушлайдиган яланғоч қиличга айланади<sup>1</sup>. Аждар давлат ички ва ташқи хатарларни топса, ёки унинг сиёсати бошқаларга душманлик қилишни талаб қилса, у одамларни ўз ҳуқуқлари, имкониятлари ва шахсий ҳаётидан воз кечишга мажбур қилади. Шунингдек, уларга ташланиб, ютиб юборади. Давлат буни ҳукмрон тоифанинг назорати остида, яъни бошқа одам бўрилари галаси устидан ҳукмронликни қўлга киритган бўрилар ҳамда банкларга, трансконтинентал компанияларга, технологияга ва энергия компанияларига эга бўлган капиталистлар назорати остида амалга оширади. Шундай қилиб, давлат уларнинг манфаатлари ҳимоясига айланади ҳамда уларнинг манфаатларига хизмат қилиш учун бутун дунё уфқларини очади. Натижада, урушлар аланга олиб, вайронагарчилик ёйилади. Кейин қайта қуриш учун шартномалар тузилади ва дунёнинг барча мамлакатлари судхўрлик манфаатларини тўлашга қодир бўлмаган қарзларга ботиб кетади. У бунинг учун тараққиёт программасини ишлаб чиқади ва уни тўлиқ назорат қилади. Ўша даврга келиб илманийлик энг юқори даражасига кўтарилади ва ўз ролини бутунлай

---

<sup>(1)</sup> Hobbes (Thomas), Léviathan, 1651, traduit par Francois Tricaud, Paris, Sirey, 1971-1990.

бажариб бўлади. Чунки у муҳим тамойилга, яъни «капиталистик неолиберализм»га асосланган, унда давлатнинг роли бутун сайёрадаги одамларни либерал капиталистлар бошқариши учун уларни бир станциядан иккинчисига кўчирадиган локомотивдаги операция хонаси бўлиши билан чегараланган. Шунингдек, либерализм давридаги давлатнинг роли хусусий мулкни ҳимоя қилиш, сиёсий муҳокамаларни майда-чуйда нарсаларга чеклаш ҳамда солиқ тўловчиларнинг пулларига алоқадор иқтисодий пуфак ёрилганда капиталистларни қутқариш билан чегараланган.

Либерализмда биз давлат тушунчасига – фалсафий ва амалий жиҳатдан унга зид бўлган демократияга қараганда – душманликни кўрамиз. Либерализм наздида давлат вақтинчалик ва муқаррар ёвузликдир. Лекин у мулкдорнинг, капиталистнинг эркин бозорга чиқиш эркинлигига ҳамда муассасалар, компаниялар ва иқтисодий тармоқларни қаерда бўлмасин хусусийлаштиришига тўсқинлик қилмаслиги керак. Бугунги кунда Ғарб ҳазорати уйғониш даври назариётчилари айтган сўнги ва энг золим босқичга етиб келди. Улар капиталистик либерализм ғоясини илманийлик орқали бир қатор ижтимоий ўзгаришлар рўй бермагунча тўғридан-тўғри татбиқ қила олмадилар. Бу босқичларда либерализм ўзининг маълум мақсадларга эга бўлган мафкуравий негизини ошиб ўтиб кетмаслиги учун унинг ортиқчалигини камайтиришга ҳаракат қилган назариётчилар пайдо бўлди. Лекин улар муваффақиятсизликка учради. Чунки классик либерализмни қайта тиклашдан қониқмаган янги авлоднинг фалсафаси очкўз капиталистик неолиберализм кўринишидаги энг хунук моделни қабул қилган ҳақиқий қарор қабул қилувчиларга мос келмади. Тўғрироғи улар уни даҳшатли махлуқ ёки инсоннинг қонини сўрувчи «дракула» қилишди. Демак, Ғарб ҳазоратидаги энг хатарли нарса ўзининг янги капиталистик неолиберализм кўринишидаги «либерализм»дир. □



## **ТУРКИЯ ВА ГРЕЦИЯ ЎРТАСИДАГИ КЕСКИНЛИК, ХУСУСАН ЭГЕЙ ДЕНГИЗИДАГИ ОРОЛЛАР УСТИДА ТОРТИШУВНИНГ ҲАҚИҚАТИ**

2022 йил 23-24 июн кунлари «Шарқий ўрта ер денгизи» сарлавҳаси остида пойтахт Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи саммитининг якуний декларациясида Туркия ва Греция ўртасида, айниқса, Эгей денгизидаги ороллари бўйича келишмовчилик ҳам ўрин олди. («Европа Иттифоқи Туркиянинг охириги пайтлардаги ҳаракатлари ва баёнотларидан чуқур хавотирда. Туркия Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиши керак...», дейилади декларацияда. Америка Овози, 2022 йил 24 июн). Бунга муқобил равишда, Туркия ташқи ишлар вазирлиги ёзма баёнот орқали шундай жавоб қайтарди: («Европа Иттифоқига аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарлари саммити чоғида қабул қилинган қарорларда мамлакатимизга нисбатан нотўғри, ноҳолис ва ҳақиқатдан йироқ позициянинг танланиши афсусланарлидир... Европа Иттифоқининг Шарқий Ўрта ер денгизи ва Эгей денгизи билан боғлиқ экстремистик ва халқаро қонунга зид тезисларни қонунийлаштиришга уриниши қабул қилиб бўлмайдиган ишдир...». Anadolu агентлиги, 2022 йил 24 июн). Бу Туркия-Греция муносабатларида яна кескинлик вужудга келганлигини англатадими? Иккала давлат ҳам НАТОга аъзо бўлишига қарамай, бу кескинлик улар ўртасида урушга сабаб бўлиши мумкинми? Бу иттифоққа раҳбарлик қилаётган Американинг позицияси қандай? У ўртадаги кескинликни бартараф қила оладими ёки кескинлик кучайишда давом этадими?

1 – Эгей денгизидаги турли ўлчамдаги тахминан 1800та орол ва қоялардан 100га яқини яшашга яроқлидир. Ушбу оролларнинг фақат 24таси 100 км<sup>2</sup>дан ортиқ майдонга эга. Султон Муҳаммад Фотиҳ роҳимаҳуллоҳ 1453 йилда Рим империясининг пойтахти Истанбулни фатҳ қилгандан кейин бу ороллар ҳам 1456 йилда бошланган фатҳлар орқали Греция билан биргаликда Ислон ва мусулмонлар ҳукмронлиги остига ўтган. Лекин Усманийлар Халифалиги заифлаша бошлагач, кофир давлатлар вазиятдан фойдаланиб, Ислоний давлатга қарши фитна уюштиришга киришдилар. Улар юнонларни «Ислоний давлат»га қарши исён кўтаришга ундадилар. Бундан ташқари, Англия, Франция ва Россия Грецияни Ислоний давлатдан ажратиш учун Халифаликка қарши тўғридан-тўғри денгиз урушларини бошлади. Ниҳоят, 1830 йилда Греция Ислоний давлатдан ажралиб чиқди. Бироқ, Халифалик давлати оролларнинг аксарият қисмида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолди. Бу ҳолат, Италия 1912 йили Ливия уруши пайтида «Ўн икки орол» деб номланган Мунташа оролларини

эгаллаб олгунга қадар давом этди. Аслида у 10та кичик орол ва бир нечта қоялардан ташқари 14та оролдан иборат. Бу ороллар Лозанна шартномасининг тақсимотидан кейин Туркия чегарасига туташганлиги сабабли аҳамият касб этди. Улардан баъзилари Туркияга тахминан 3 км. яқинликда жойлашган, Юнон қирғоғига энг яқини эса тахминан 500 км. узоқликда жойлашган. Мазкур ороллар Мустафо Камол бошчилигидаги Анқара ҳукумати тайинлаган Исмаи Инону делегацияси томонидан имзоланган Лозанна шартномасига биноан Италияга берилди. Мустафо Камол ва Исмаи Инону Усманий давлатнинг кенг ерларидан воз кечиб, Англия бошчилигидаги иттифоқчилар томонидан белгилаб берилган ҳозирги Туркия деб аталмиш ҳудуд билан кифояланди. Англия бу оролларга Италиянинг эгалик ҳуқуқини тан олди. Бу Италиянинг биринчи жаҳон урушида Германия ва Усманий давлатга қарши Англия тарафида туриши эвазига бўлди. Иккинчи жаҳон уруши мағлубиятидан сўнгра 1947 йилда Парижда Иттифоқчи давлатлар билан Италия ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, Мунташа ороллари ёки Ўн икки орол қуролсизлантириш шarti билан Грецияга берилди. Туркия кўплаб баҳсли ороллар ва собиқ келишувларга кўра, ҳеч бир давлатга қарам бўлмаган кичик ороллар тақдирини ҳал қилиш учун музокаралар ўтказишга чақириб келади. Греция эса, фақат Лозанна битимига кўра Туркияга қайтарилган баъзи ороллардан ташқари Эгей денгизидаги барча оролларга эгалик ҳуқуқини даъво қилади. Шунингдек, Греция ўзининг ҳудудий сувларини 6 милдан 12 милгача оширишни талаб қилмоқда. Туркия Париж битимига аъзо бўлмаган ва имзоламаган бўлса ҳам, ҳозиргача унга бўйсуниб, амал қилиб келади! Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Човушўғли 2022 йил 26 май куни Ҳуррият газетасига берган интервьюсида шундай деди: «Греция милодий 1947 йилда тузилган тинчлик шартномасига риоя қилиши шарт. Бу эса, фақат юнон аскарларидан иборат кичик бир ҳарбий бўлинманинг Додеканес оролларида қолишига имкон беради». «Човушўғли агар Греция тинчлик шартномаси бандларига риоя қилмаса вазиятни кескинлаштириш ҳақида огоҳлантирди». Инқирознинг яна бир жиҳати бу суверенитетдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар билан боғлиқдир. Бу ҳуқуқлар денгиз таъсир доиралари, эксклюзив иқтисодий зоналар ва ушбу ороллар атрофида нефть ва газ каби энергия манбаларини излаш ҳуқуқидир. Бунга ушбу оролларда АҚШнинг база қуриш масаласи билан бир қаторда Европанинг, айниқса Франциянинг минтақадаги амбициялари ҳам илова қилинади.

2 – Франция ҳам бу тангликка аралашди ва Туркияга қарши Грецияни очикдан-очиқ қўллаб-қувватлашни билдирди. У 2020 йил ёзидаги инқироз пайтида Туркияга қарши Греция тарафида турганини эълон қилди. Шарқий Ўрта ер денгизида турк ҳарбий кемаларининг жойлаштирилиши ҳамда нефть ва газ қидирув фаолиятларига қарши иккита Рафаль самолётини ва иккита Франция денгиз флоти кемасини юборди. 2021 йил сентябр ойида Греция билан хавфсизлик ва мудофаа соҳасида стратегик ҳамкорлик шартномасини имзолади. Шартномада «томонлардан бири ўз суверенитетида қуролли ҳужумга учраса, иккинчи томон ёрдам бериши» кўрсатилган. Ундан кейин, Франция ушбу шартномани мустаҳкамлаш учун 2022 йил январ ойида икки давлат ўртасида муштарак ҳарбий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолади. Франция мудофаа вазирлиги тарафидан берилган баёнотда «Стратегик шериклик икки давлатни ҳарбий жиҳатдан бирлаштиради», дейилади. Ушбу ҳамкорлик шартномаси «икки давлат ўртасидаги узоқ муддатли ҳарбий мудофаа муносабатларини мустаҳкамлаш ва конфигурация қилиш ҳамда Франция-Греция ўртасидаги икки томонлама ҳарбий ҳамкорликни стратегик ва операцион даражада намоён қилишга қаратилган. Бу ҳарбий ҳамкорлик янада кенгайтирилади». (Франс-Пресс, 2022 йил 22 январ) Ушбу шартнома имзоланишидан икки кун олдин Греция Францияга буюртма берган 18та Рафаль самолётидан олтитасини олганини эълон қилди. Греция ўтган йили Франциядан 5,5 миллиард еврога 3та Фрегат сотиб олганини эълон қилган эди. Франс-Пресс агентлиги мутахассислардан шундай иқтибос келтиради: «Ушбу мудофаа келишуви мисли кўрилмаган ва ғайриоддийдир. Чунки у НАТОга аъзо икки давлатни бир-бирига боғлайди ва иттифоқнинг яна бир аъзоси бўлган Туркияни нишонга олади». Бу позицияси билан Франция Европа Иттифоқига ҳам таъсир ўтказди. Унинг позицияси Туркияга қарши Грецияни қўллаб-қувватлашдан иборат эди.

3 – Америка французларнинг бу ҳаракатига жим қараб турмади, балки унинг таъсирини бартараф қилиш ва биринчи навбатда Грецияга зарба беришга ҳаракат қила бошлади. Греция, Кипр ва яҳудий вужуди 2018 йилнинг 20 декабр куни Туркия ва Туркияга тобе Шимолий Кипрнинг денгиз чегараларини эътиборга олмаган ҳолда, Шарқий Ўрта ер денгизидан Европага табиий газ ўтказиш учун қувур линияси лойиҳасини яратишга тайёр эканликларини эълон қилди. Ушбу қувур орқали Европага тахминан 10 миллиард куб метр табиий газ етказиб бериш кўзда тутилган эди. Бироқ, Америка лойиҳани қўллаб-қувватлашни тўхтатганини эълон қилди. 2022 йил 10 январда Оқ уй маъмурияти мазкур лойиҳани «сиёсий ва молиявий жиҳатдан

қўллаб-қувватламаслиги» ҳақида Греция ва яҳудий вужудига маълум қилди. Бу эса, «лойиҳадан четлаштирилган Туркиянинг ғалабаси» сифатида баҳоланди. (Шарқул Авсат, 2022 йил 10 январ). Грециянинг ҳарбий журнали 2022 йил 10 январ куни чоп этган ҳисоботда шундай дейилади: («Афинанинг геосиёсий таъсирини ошириш орқали энергия марказига айлантириш лойиҳаси ҳамда Туркияни четга суриб қўйиб, «Исроил» билан тузган тарихий иттифоқи ва бошқа кўплаб мақсадлари бутунлай пучга чиқди... Худди шу нарса Греция қитъа шелфининг ташқи чегараларини белгиловчи Маниатис қонунига ҳам тегишли. Иккала мақсад ҳам пучга чиқди. Туркия Мовий Ватан деб аталган Маниатис қонунини бекор қилди. Шунингдек, Туркия-Ливия битими орқали Юнон позицияларидан устунлигини мустаҳкамлади. Вашингтоннинг ҳозирги позицияси ҳам Туркияни жасоратлантирмоқда». Журналда «Греция бош вазири Кириакоc Мицотакиснинг Туркия билан мулоқот ўрнатишни хоҳламаслиги ва АҚШ билан ҳам музокара қилиш истаги йўқлиги» билдирилар экан, қуйидагилар қўшимча қилинди: «Қўшма Штатлар ўтган йили Шарқий Ўрта ер денгизида юз берган бурғулаш инқирози туфайли Туркияга санкциялар жорий этилишини Германия орқали олдини олишга ҳаракат қилган эди»). Мавзуга диққат билан қарайдиган бўлсак, Греция ҳукумати Франция билан ҳамкорлик қилгани туфайли АҚШ унга зарба беришни хоҳлаётганини ва Франциянинг минтақадаги таъсирини бартараф этиш истагида ҳаракат олиб бораётганлигини кўрамиз. Америка Францияга қарши туриш учун бу лойиҳани ўзининг яқин иттифоқчиси бўлган Туркияга боғлаб қўймоқчи.

4 – Греция Франция билан тузган битими ва унга яқинлашгани туфайли Американи «ғазаблантирганини» тушунди ва вазиятни тўғрилаш учун Греция парламенти 2021 йил 14 октябрдан 2022 йил 13 майга қолдирган Греция-Америка ўртасидаги келишувни имзолашга рози бўлди... Овоз бериш жараёнида Греция Бош вазири Кириакоc Мицотакис келишувни ҳимоя қилиб, шундай деди: («АҚШ билан мудофаа соҳасида ҳамкорлик шартномаси мамлакат миллий манфаатларига хизмат қилади. Бу Греция учун ишонч вотумидир. Бу келишув жуда муҳим, чунки у биринчидан, Американинг Грециядаги мавжудлиги (аввалда бўлгани каби бир йил ўрнига) ҳар 5 йилда бир марта янгиланиши ва икки томон ҳам агар зарур деб ҳисобласа, тугатиш ҳуқуқига эгаллиги ҳақидаги аниқ мажбуриятни ўз ичига олади. Иккинчидан, АҚШ билан икки томонлама ҳамкорлик нафақат муносиб вақтда, балки маконда ҳам кенгайиб бораётгани учун ҳам бу жуда муҳимдир. (Крит оролидаги) Суда денгиз базасида бутун инфратузилма модернизация қилинмоқда ва базанинг умумий роли

кучайтирилмоқда. Суда – Ўрта ер денгизи шарқида АҚШ самолёт ташувчи кемаси лангар ташлаб тўхтаб туриши мумкин бўлган ягона йўлакдир. Бундан ташқари, Литохородаги отиш полигони ҳамда Волос ва Александруполисдаги иккита ҳарбий казарма ҳам модернизация қилинмоқда. Учинчидан, янги келишув муҳимлиги шундаги, у суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳар қандай таҳдид, ҳатто қуролли ҳужумдан ҳимоя қилиш бўйича умумий иродани аниқ ифодалайди». Явмус Сабий, 2022 йил 13 май).

**Шундай қилиб, Америка Грецияни ўз иродасига бўйсундирди, мамлакатдаги таъсирини кучайтириб, Франция билан ҳамкорлигини фалаж ҳолатга келтирди!**

5 – Шундан кейин Грециянинг баёнотлари бироз юмшади. («Греция Бош вазири Кириакос Мицотакис Икки қўшни давлат ўртасидаги таранг жараёнга сабаб бўлган кескин баёнотларига қарамай, Туркия билан алоқа каналларини очиқ тутиш истагини билдирди». Халиж Жадид, 2022 йил 17 июн). Лекин бу ҳолат Европа Иттифоқини қийин аҳволга солди! Шу сабабдан у ўз обрўсини ҳимоя қилиш учун Европа Иттифоқининг аъзоси сифатида Грецияни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Туркияга нисбатан умумий ва юмшоқ баёнотлар бериш билан кифояланди: (2022 йил 23-24 июн кунлари пойтахт Брюсселда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи саммитининг «Шарқий Ўрта ер денгизи» сарлавҳаси остидаги якуний декларациясида шундай дейилади: «Европа Иттифоқи Туркиянинг сўнгги пайтлардаги баёнотлари ва ҳаракатларидан чуқур хавотирда. Туркия Европа Иттифоқига аъзо барча давлатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиши керак).

Шундан сўнг, Греция бош вазири шундай баёнот берди: «Биз якуний декларациядаги баёнотларга тўлиқ кафилмиз. Туркия Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини шубҳа остига олди ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда кескинликни юмшатишни талаб қилди. Умид қиламанки, Туркия бу сафар ушбу чақирувларга қулоқ солади. Чунки сўнгги икки ойда Шарқий Ўрта ер денгизида қўшнимиз томонидан тамоман кучайтирилган кескинликни камайтиришнинг ягона йўли мана шу». (Америка Овози, 2022 йил 24 июн).

6 – Шундай қилиб, Америка Туркия билан Греция ўртасидаги тарангликни камайтиришга муваффақ бўлди. Туркия АҚШ орбитасида айланади. АҚШ мудофаа келишуви орқали Грециянинг ҳам жловини қўлга олди. Европа Иттифоқи, хусусан Франциянинг Грецияга таъсири камайди. Шу сабабли, Эгей денгизидagi, жумладан Ментеше оролларидаги инқироз учун яқин келажакда бирон бир ечим

топилиши даргумон. Ўнлаб йиллар давомида бўлгани каби турган жойида депсиниб туришда давом этади. Аслида Туркия режими 1947 йилги Париж келишувида ўн икки оролнинг Грецияга берилишини зимдан тан олган эди. Туркия ҳукуматининг бу ороллар ва булардан бошқа, келишувларда Грецияга тегишлилиги расман кўрсатилмаган бошқа оролларни қайтариб олиш режаси йўқ. Шунинг учун Туркиядаги илмоний режимнинг Эгей денгизида Греция назоратидаги бу оролларни қайтариб олиш учун жиддий қадам ташлаши кутилмайди. Эрдоган даҳанаки жангдан бошқа ҳеч нарса қилмайди. 2020 йилда бурғулаш кемаларини Шарқий Ўрта ер денгизидан олиб чиқиб кетгани каби, ортга чекинади ва масалага нуқта қўяди. Шунинг учун бу оролларни қайтариб олиш учун Туркия ва Греция ўртасидаги уруш чиқиши кутилмайди. Чунки иплар Американинг қўлида. Туркия унинг орбитасида айланади. Грецияда ҳам бу келишувдан сўнг Американинг таъсири ортиб бормоқда.

7 – Хулоса шуки, Эгей денгизидаги ороллар ва ҳатто Грециянинг ўзи ҳам Ислом (Усмоний) давлатининг бир қисми эди. Расулulloҳ ﷺнинг

«لَفُتِحَتْ الْقُسْطَنْطِينِيَّةُ فَلَنِعْمَ الْأَمِيرُ أَمِيرُهَا وَلَنِعْمَ الْجَيْشُ ذَلِكَ الْجَيْشُ»

«Константинопол албатта фатҳ қилинади. Унинг амири қандай ҳам яхши амир, уни фатҳ этган қўшин қандай ҳам яхши қўшин», ҳадисларининг тасдиғи ўлароқ Константинопол 1453 йилда фатҳ қилинганидан уч йил ўтиб, яъни 1456 йилда Греция ва ушбу ороллар ҳам фатҳ қилинди, у ерда азон овозлари эшитила бошлади. Албатта, у ерлар Аллоҳнинг изни билан мўминлар Аллоҳнинг ғалабасидан хурсанд бўладиган кунда қайтариб олинади. У кунда мўминларга ўз халифалари етакчилик қилади, уларни Аллоҳ нозил қилган нарса билан бошқаради, улар билан елкама-елка туриб Аллоҳ йўлида жиҳод қилади ва дорул Исломни бутунича қайта тиклайди. Халифа Умматнинг қалқони ва унинг душманларидан ҳимоячисидир. Расулulloҳ ﷺ рост сўзлаганлар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ يُقَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيُتَّقَى بِهِ»

«Имом қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». (Муслим ривояти). □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Блинкен Саудия Арабистони билан «гейлар» ҳуқуқларини муҳокама қилди, АҚШ вакиллар палатаси бир жинсли никоҳни маъқуллади</b>		
<p>Политика нашрига берган баёнотида АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен Саудия Арабистони расмийлари билан учрашувларида «доимо» гейлар ҳуқуқлари масаласини кўтаришини айтди. У қўшимча қилар экан, «Биз Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал ибн Фархон Оли Сауд билан (ЛГБТ) ҳуқуқларини муҳокама қилиш бўйича ҳақиқий келишувга эришдик», деб айтди. Аммо у «Инсон ҳуқуқлари АҚШ ташқи сиёсатининг фақатгина бир қисми ва бу бизнинг ҳаракатларимизда акс этиши керак», деди. Шу муносабат билан, АҚШ вакиллар палатаси 2022 йил 20 июлда бир жинсли никоҳ тўғрисидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Қонун лойиҳаси 267 киши, шу жумладан, 47 нафар республикачи томонидан қўллаб-қувватланди ва 157 киши қарши овоз берди. Оқ уй баёнотида айтилишича, «Никоҳни ҳурмат қилиш тўғрисидаги қонун бир жинсли жуфтликлар ва турли ирқлар ўртасидаги никоҳлар учун федерал тан олиш ҳуқуқини таъминлайди».</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Блинкеннинг сурбетлик билан берган баёноти АҚШ ташқи сиёсатининг бир қисми сифатида гомосексуализмга тарғиб қилишдир... АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси томонидан АҚШда бир жинсли никоҳ тўғрисидаги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қадриятларнинг якуний емирилишидан дарак беради... Бу сифилис ва ОИТС ҳазоратининг тугаши ва қулаши инсоний заруратдир.</p>		
<b>Етакчилар келишмовчилиги Толибоннинг сафини бузмоқда</b>		
<p>Туркиянинг «Independent Turkish» веб-сайти Толибон орасида бўлиниш ҳақидаги гап-сўзларга бағишланган мақолани чоп этди. Мақолада айтилишича, ташкилот сафидаги баҳс ҳаммага маълум бўлган сирдир. Аммо бугунги кунда у очиқ фош бўлиш нуқтасига келди ва унинг очиққа чиқиши кучаймоқда. Толибон етакчилари орасида ташкилот раҳбари Ҳайбатуллоҳ Охунзоданинг буйруқларини танқид қилувчи турли овозлар кўтарила бошлаган. Сайтга кўра, илгари ташкилот ичида ўзгача фикр билдирганлар ёки ташкилотнинг олий раҳбари қарорларини шубҳа остига олишга журъат этганларнинг овозини ўчириш осон эди. Аммо бугун келишмовчилик шу даражага етдики, Толибон энди норози овозларни боса олмаяпти. Сўнги баёнотида Толибон ташқи ишлар вазири ўринбосари Аббос Станикзай Толибон маъмуриятининг ўрта таълим муассасаларида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>талаба қизларнинг таълим олиш ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарорини очиқчасига танқид қилди. Айни пайтда собиқ президент Ҳамид Карзай афғон аёлларини яқинда қабул қилинган бурқа тўғрисидаги қонунга риюя қилмасликка чақирди. Сайтнинг таъкидлашича, айни пайтда ташкилот раҳбарияти орасида қатъий консерваторлар билан бирга Ғарб билан яхши муносабатларни ривожлантиришни мақсад қилган прагматик рационал либераллар ҳам бор. Сайтнинг тушунтиришича, муаммо Ғарб билан яхши алоқалар орқали хориждан ресурс ва пул олиш умидида бўлган Станикзай каби рационал либералларнинг ихтиёрида қуролли кучлар йўқлигидадир. Ашаддий консерваторлар эса, юзлаб йирик ва кичкина ҳарбий қисмлар ва оғир қуролли транспорт воситаларига қўмондонлик қилади. Қолаверса, улар томонида ташкилотнинг уруш майдонларида қатнашган ва уруш тажрибасига эга бўлган пуштун миллатидаги етакчилар туради. Шундай қилиб, пуштунлар орасида қабилавий адоват давом этмоқда.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бу веб-сайт ва унинг хабарлари ортида Афғонистон ичида нифоқ экиш, Толибонни пастга уриш ва қабилаларни бир-бирини еб тугатадиган қилиш режаси бор. Буни АҚШ разведкаси Америка қўшинларини олиб чиқиб кетганидан кейинги сиёсати учун чизган. Мақолада яна қабилаларнинг Толибонга қарши қўзғолонлари, шунингдек, афғон етакчиларининг Анқарадаги йиғилишида Толибонни глобал кун тартибига, яъни Америка иродасига бўйсундириш мақсадида уларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш муҳокама қилинган. Биз эса, Толибонга бундай деб мурожаат қиламиз: сизлар учун душманларингизни мағлуб этган Аллоҳдан бошқа ҳеч ким йўқ. Нусрат минтақада Пайғамбарлик минҳожид асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш орқалигина бўлади. Шундай экан, уни барпо этиш учун фаолият қилаётганлар билан битим тузинг ва шу замондаги Аллоҳнинг ансорлари бўлинг.</p>		
<p align="center"><b>Илгари Маккадаги Ҳарамда имом бўлган Одил Калбоний жинси шим кийган ҳолда мотоциклда кўриниш берди</b></p>		
<p>Макка Ҳарамининг собиқ имоми Одил Калбоний бир неча кун олдин ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган видеоклипда жинси шим кийиб, мотоцикл миниб чиққани учун танқид қилинган эди. У ўз танқидчиларига «бист» кийиш Исломига хизмат қилдимидега деган саволга жавоб берди. Калбоний аввалги твитада бундай деган эди: «Аллоҳ руҳсат берган нарсалардан ўзингизга ёққан нарсани еб ичинг,</p>		



ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>от, эшак, туя ёки танкка мининг ва хоҳлаганингизни кийинг. Лекин одамларни рози қилишга уринманг. Чунки туя игна тешигидан ўтса ҳам улар рози бўлмайдилар.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Кишида Саудия Арабистонида нималар бўляпти, деган савол пайдо бўлиши табиий. Чунки бу имомнинг жинси шим кийиб, мотоцикл миниб юрган қиёфасини кўрган одам, бу қиёфа билан одамлар имомликда ўрганиб қолган унинг ташқи кўриниши ўртасида катта фарқ борлигини сезади. Хаёлга келадиган биринчи нарса шу бўладик, сўнгги пайтларда Саудия Арабистонида фитна биринчи навбатда имомларни эгаллаб, сўнг бошқа оддий одамларга ўта бошлади. Юз тубан қулаганлар ҳолига вой бўлсин ва ҳақиқатни маҳкам тутганлар нажот топсин!</p>		
<p><b>АҚШ элчиси: Саудияликларнинг яҳудийларга нисбатан тутган йўлларидаги катта ўзгаришлар</b></p>		
<p>АҚШнинг «антисемитизм»га қарши кураш бўйича элчиси Дебора Липштадт Саудия Арабистонининг яҳудийларига нисбатан хатти-ҳаракатларида муҳим сиёсий ўзгариш юз бераётганини, бу Тель-Авив ва Вашингтон билан янги давр очилишига олиб келиши мумкинлигини айтди. Липштадт «ўзгаришлар борлигини кўрсатиш учун» ўз ташрифини Саудиядан бошлашни танлаганини билдирди. «Ўтмишда Саудия Арабистонида антисемитизмнинг кўплаб кўринишлари бўлган ва бу ўзгаришларни кўриш қандай ҳам мароқли» деди у. Унинг сўзларига кўра, «минтақада яҳудийларга нисбатан кўп ўзгаришлар бўлади, албатта шаҳарда ва Форс кўрфазидидаги бошқа жойларда яҳудий жамоалари мавжуд». Липштадт Қуддуснинг иброний университетидида қилган нутқида антисемитизмга қарши кураш бутун дунёда давом этиши кераклигини айтди ҳамда ҳозирда бизнинг АҚШда ҳаракатларимиз шунга қаратилган, деди. Липштадт Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги ва (Исроил)га «яҳудийларга қарши кайфиятга қарши курашиш» мақсадида ташриф буюрди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Кўрфаз ҳукмдорларининг «Эрон таҳдиди» баҳонасида яҳудийларга бағрини очиши катта жиноятдир... Бу ерда айтиш керакки, Эрон яҳудийларнинг кириб келиши учун жавобгар. Чунки у Америка сиёсати асосида юрар экан, унинг роли минтақада олабўжилик қилиш, Форс кўрфази ҳукмдорларини Америка сиёсатига бўйсунушига мажбурлаш ҳамда Американинг ҳарбий иштирокини ва яҳудийлар билан иттифоқини оқлашдан иборат бўлди.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

### **Хитойда коронавирус: Касаллик юқтирган одамларни қидириш ва эшикларини синдириб уйларига кириш**

Ковид-19ни аниқлаш тестларининг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Хитой жанубидаги Гуанчжоу шаҳридаги бир турар жой мажмуасида бир қатор одамлар коронавирус билан касалланган. Расмийлар карантин марказларига олиб борилмаслик учун яширинган деб гумон қилинган ва касаллик юқтирганлар билан алоқада бўлганларни қидиришмоқда. Хитой «нол корона» номли қаттиқ сиёсатини қўлламоқда. Бу карантиндан ташқарида вирус юқтирмасликни англатади. Шунинг учун бу марказлар бутун мамлакат бўйлаб очилади. Тианмо янгиликлар веб-сайтида айтилишича, маҳаллий ҳукуматлар вирус юқтирганларни аниқлаш учун камида 84та уйнинг олд эшикларини синдиришган, кейин эса узр сўрашган.

**Ал-Ваъй:** Хитой «нол корона» сиёсатини олиб бормоқда ва бу яхши. Аммо унинг иш усуллари зўравонлик билан ажралиб туради. Инфекция юқтирганликда гумон қилинганларни изоляторга жойлаштирилиши, бизга уйғур мусулмонларининг шафқатсизларча ҳибсга олинганини эслатади. Бу борада Ислоннинг ечими бошқача. Ислон бундай эпидемияларни раҳм-шафқат билан даволаб, йўқ қилади.

### **Мусулмонларнинг дини ва ҳис-туйғуларини масхаралаш: Макка, Мадина, Арафот ва юртнинг бошқа жойларидаги яҳудийлар...**

Асли россиялик (Исроил) фуқароси Бенцион Ждановский Мадинадаги пайғамбаримиз масжиди ичида тушган фотосуратларини намойиш қилди. У Фейсбукдаги шарҳида анъанавий Саудия кийимларини кийиб, юртнинг машҳур қилич рақсини ижро қилаётган фотосуратини қўяр экан, бундай деди: «Яқинда Саудия Арабистони халқи яҳудий миллати билан ёнма-ён туради». Бунга қарши эса ғазабланган ва қораланган шарҳлар ёзилган ҳамда шарҳ эгалари Саудия давлатига ҳужум қилган. Масалан: (Афсуски, уламолар қамоқда, сионистлар Пайғамбаримиз ҳарамида), (Сауд хонадони ҳукмронлиги даврида Ислон ва мусулмонлар душмани бўлган босқинчи сионистлар Арабистон ярим оролида ҳордиқ чиқармоқдалар ва аёлларига ноз карашма қилиб Пайғамбаримиз масжидини таҳқирламоқдалар), (Ҳозирги ҳештег: сионист пайғамбар ҳарамида. Кейинги ҳештег: сионист пайғамбар ҳарамининг минбарига. Келгуси ҳештег: сионист Макка ҳарамининг имоми) каби

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>шарҳлар қолдиришган. Ҳаж мавсумида (Исроил)нинг «13-канал»и ўзининг муҳбири Жилл Тамари иштирокида Маккадаги муқаддас қадамжоларда қисқа ҳужжатли фильмни суратга олган. Бу эса, кенг мунозараларга сабаб бўлган ва радио расмийлари узр сўрашга мажбур бўлишган. Улар Ислом динининг ҳис-туйғуларига зиён етказиш учун келмагани, балки мақсадлари «Макканинг аҳамияти ва гўзалликларини кўрсатиш бўлганини даъво қилишган. Қиролликка бўлган ушбу ташриф (Исроил) муҳбирлари учун биринчи ёки ягона ташриф эмас. Чунки июл ойи бошида ўша канал муҳбири Алон бен Давид Саудия Арабистонига махфий ташриф буюрганини эълон қилган эди. У видео клипда таҳорат қилиб, юртдаги масжидлардан бирига кириб кетаётгани акс этган. Шунингдек, (Исроил)нинг «124» канали ҳам пойтахт Риёздаги масжидлардан бирида ўз муҳбирларидан бирининг кадрларини нашр этди. Бу ерда яна Пайғамбаримиз ҳарамига (Исроил) делегациясининг ташрифи ҳақида ёритган аввалги хабарлар ҳам мавжуд.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Улар яҳудийлар бўлиб, ўзгармайдилар. Улар ҳаромхўр ва бўҳтончи одамлардир. Қалблари эса қулфланган. Улар қаерга борсалар ҳам лаънатланадилар. Улар Аллоҳга берган ваъдаларини бузиб, пайғамбарларини ўлдиришган. Қиёматгача Аллоҳ уларнинг устидан чиқарган ҳукм ўзгармайди. Аллоҳ Таоло айтади:</p>		
<p>﴿وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكَ لِيُبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ يَسُومُهُمْ سُوءَ الْعَذَابِ إِنَّ رَبَّكَ لَسَرِيعُ الْعِقَابِ وَإِنَّهُ لَغَفُورٌ رَحِيمٌ﴾</p>		
<p><b>«Ўшанда Парвардигорингиз албатта уларнинг устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди. Шубҳасиз, Парвардигорингиз (кофирлар учун) азоби қаттиқ, (мўминларни эса) мағфират қилгувчи, меҳрибондир»</b></p> <p style="text-align: right;">[Аъроф 167]</p> <p>Шундай экан кутинглар, биз ҳам кутамиз.</p>		
<p><b>Муҳаммад ибн Зойид (Исроил) бош вазири билан бирга Абраҳам келишувларининг «доирасини кенгайтириш»ни муҳокама қилишмоқда</b></p>		
<p>(Исроил) бош вазирининг матбуот котиби Офир Генделман Твиттердаги расмий саҳифасидаги бир қатор твитларида бундай деди: «Бош вазир Яир Лапид бугун кечқурун Бирлашган Араб Амирликлари президенти шайх Муҳаммад ибн Зойид билан биринчи марта суҳбатлашди. Ибн Зойид уни лавозимга киришиши билан</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>табриклади. Амирликлар президенти яна бош вазирга муваффақиятлар тилаб, икки халқ ўртасидаги муносабатларнинг давом этишини таъкидлади». Матбуот котиби яна бундай қўшимча қилади: «Ўз навбатида, бош вазир Лapid президент Зойидни муборак қурбон ҳайити билан табриклади. Икки давлат раҳбарлари икки юрт ўртасида ҳукм сураётган илиқ муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини муҳокама қилдилар. Улар ўзаро ривожланаётган туризм ва иқтисодий алоқалардан мамнун эканликларини билдирдилар». Унга кўра, «Бош вазир Лapid президентга қўнғироқ учун миннатдорчилик билдириб, бундай деган: Бу икки раҳбар ўртасидаги шахсий ишонч. (Исроил) Абраҳам келишувига содиқдир ва икки давлат ўртасидаги мустаҳкам муносабатларга, фаровонлик ва ҳамкорликни кучайтиришга асос бўлиши учун Нақаб форумини давом эттиришга тайёр». У сўзи якунида бундай деди: «Икки раҳбар Абраҳам келишувлари доирасини минтақадаги кўпроқ давлатларни ўз ичига олиш учун кенгайтиришни ҳам муҳокама қилдилар». Шуниси эътиборга лойиқки, бу чақириқ АҚШ президенти Жо Байден (Исроилга) сўнгра тўғридан-тўғри Саудия Арабистонига ташриф буюришга тайёргарлик кўраётган бир пайтда амалга оширилган. Президент Байден ташриф чоғида Кўрфаз ҳамкорлик кенгаши ва минтақа давлатлари етакчилари билан учрашади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Бири Кўрфаз шайтони бўлса, иккинчиси яҳудий шайтонидир. Улар учрашиб, бир-бирини табриклаши ва муслмонларга қарши келишувлар доирасини кенгайтириши табиийдир... Уларни Аллоҳ лаънатлагай, қандай адашмоқдалар-а. □</p>		

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

### ҚУРЪОННИ ЎРГАНИШ (ТАСВИРУЛ ҚУРЪОН)

(تثوير القرآن) атамаси олим ва имом, Росулulloҳ ﷺнинг дўсти Абдуллоҳ ибн Масъуд қўллаган атамалардан биридир. Бу ҳақда Ибн Масъуддан саҳиҳ иснод билан бир неча ривоятлар бор. Ибн Масъуд айтади: «Агар илм ўрганишни хоҳласангиз, Қуръонни ўрганинг. Чунки унда аввалгилар-у кейингиларнинг илми бор». Бунда бошқа лафзлар билан ҳам келган: «Ким аввалгилар-у кейингиларнинг илмини ўрганишни хоҳласа, Қуръонни ўргансин», «Қуръонни ўрганинг, чунки унда аввалгилар-у кейингиларнинг илми бор». Бу латиф асар бизда ўтмишдошлар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Аллоҳ Таолонинг китоби билан қандай муносабатда бўлганликлари ва бу улуғ Қуръондан қанчалик хабардор бўлганликларини кўрсатади. Ибн Аббос айтади: (Тасвирул Қуръон) атамаси Қуръонни ўрганиш турларидан бирини ва уни ҳақиқий тиловат қилишни ифодалайди. Аҳли илмлар бу атамани тушунтиришда маъноси бир-бирига мос турли ибораларни айтишган. Ибн Атийя айтади: «Тасвирул Қуръон дегани Қуръонни муҳокама қилиш, ўрганиш, унда изланишдир. Қисқача айтганда, у орқали Қуръон ўрганиладиган нарсадир». Қуртубий баъзи уламолардан ривоят қилишича, «У Қуръонни ўқиш ва уламоларнинг у ҳақидаги муҳокамасидир» Ибн Ужайба Ғаззолийдан ривоят қилишича: у тушуниш, яъни «Ҳар бир оятни ўзига муносиб маънода изоҳлашдир. Чунки Қуръонда Аллоҳ Таолонинг сифатлари, феъллари, Пайғамбарларнинг ﷺнинг аҳволлари ёлғончиларнинг аҳволлари, уларнинг қандай ҳалок бўлгани, Аллоҳнинг буйруқ ва қайтарувлари, жаннат ва дўзах ҳақида сўз боради». Заркаший баъзи уламолардан ривоят қилишича тасвир: «Фақат зоҳирий тафсир қилиш билан ҳосил бўлмайди» дейишган. Абу Лайс Самарқандий бу ҳақда: «Тафсир ўрганишга ундаш боби» деган.

Агар бунга (اثارة) калимасидаги обдан ўйлаб кўриш ва ҳар томонлама назар ташлаш маъноларини қўшсак, жумладан оятдаги

﴿وَأَنْزَلُوا الْأَرْضَ﴾

**«Ўз ерларини ҳайдадилар»**

[Рум 9]

дегани ерни ҳайдаш ва деҳқончилик қилиш орқали тўнтариш маъносини англатади. Киши Қуръонни ҳар томонлама фикрламагунча уни тушунмайди. Бизда бу атаманинг маъноси ҳақида: Тасвирул

Қуръон Аллоҳнинг китобини тафаккур қилишнинг бир шаклидир деб айтишга асос топилди. У қуйидагича бошланади:

1 – Оятнинг маъносини билиш: Бу лўнда услуб билан амалга ошади. Яъни ўрганмоқчи бўлган киши оятлар маъносини аввало лўнда услубда тушуниши керак. Ўрганувчи чегарадан чиқиб кетмаслиги ва тафсирда мўътабар бўлган усуллардан бирига далолат қилмайдиган нарсани айтмаслиги керак. Мўътабар услублар эса: лафз бўйича тафсир қилиш, маъно бўйича тафсир қилиш, ишорага кўра ва қиёсга кўра тафсир қилишдир. Шунинг учун ўрганиш (тасвир)ни хоҳлаган киши аввало лўнда маъноларни ўрганганидан кейин янада юксалишни хоҳласа, салафларнинг оят ҳақида айтганларини ўрганиши лозим.

2 – Ўрганувчи ўзига савол бериши лозим, бу ўрганиш (тасвир) босқичларининг энг муҳимидир. Бу Аллоҳнинг Китобини чуқурроқ тушуниш имконини беради. Агар у Фотиҳа сурасини тадаббур билан ўқиса, унда қуйидаги саволларни қўзғатиши мумкин: Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг китобининг бошини

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

**«Оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин»** [Фотиҳа 2] деган мутлақ ҳамд билан бошлашда қандай маъно бор? Қандай оятларда ҳамд айтилган? Ҳамд яна қайси оятларда келган? – деган саволлар туғилиши мумкин. Чунки Аллоҳ Таоло китобнинг бошида

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

**(Оламлар Роббиси бўлган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин)** деса, бошқа жойда:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ فَاطِرِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ جَاعِلِ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا﴾

**«Осмонлар ва ерни илк яратувчи ҳамда (Ўзи билан бандалари ўртасида) фаришталарни элчилар (воситачилар) қилувчи Аллоҳга ҳамду сано бўлсин»** [Фотир 1] дейди, яна бошқа жойда эса:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ﴾

**«Осмонлар ва ерни яратган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин»** [Анъом 1] дейди. Нима учун Аллоҳ Таоло раҳмат зикрини қиёмат куни эгаси зикридан олдин келтирди? Нима учун киши (Бизни ҳидоят қил) каби кўпчилик лафзи билан дуо қилади? Сиротул мустақим нима? Сиротул мустақим аҳлининг сифатлари нималардан иборат? Ва ҳоказо. Бундан мақсад шуки, агар инсон мана шу саволларни бериб, ёзиб

олса, йилдан йилга Қуръон ўқиши давомида истинбот, фойдалар латиф нарсалардан бўлган кўп нарсаларни ўрганеди.

3 – Шундан сўнг уламоларни қидириши ва улар билан оятлар борасида муҳокама қилиши лозим. Дарҳақиқат, салафлар бунга жиддий қараганлар. Бунга далолат қиладиган нарса шуки, улар Қуръонни ёд олган одамлардан тинглаш учун махсус йиғинлар ўтказар эдилар. Ибн Таймийя айтади: «Қуръондан талаб қилинадиган нарса унинг маъноларини тушуниш ва унга амал қилишдир. Агар ҳофизнинг қарори шундай бўлмаса, у илм ва дин аҳлидан бўлмайди». Ибн Таймийя яна айтади: «Қуръонни саҳоба ва тобеинлар каби Умматнинг салафлари, имом ва шайхлари тинглашган. Улардан кейинги Иброҳим ибн Адҳам, Фузайл ибн Иёз, Абу Сулаймон Дороний, Маъруф Кархий, Юсуф ибн Асбот, Ҳузай Маръаший ва бошқалар ҳам шу йўлдан борганлар. Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه Абу Мусо Ашъарийга: Эй Абу Мусо бизга Роббимизни эслатинг деганида у киши Қуръонни ўқиди, шунда уларнинг барчалари тинглаб, йиғладилар. Муҳаммад صلى الله عليه وسلمнинг саҳобалари йиғилишса, ораларидан бирини Қуръон ўқишга буюришар ва қолганлар тинглашарди. Шунинг учун Қуръонни тинглаш юксак тўғу, эзгу лаззат, илм-маърифатни оширишдир, у сўзлар билан тугатиб бўлмайдиган ва китобга сиғмайдиган нарсадир. Қуръонни тадаббур қилиш ва тушуниш илм ва иймонни зиёдалаштиради. Бу изоҳлаш қийин бўлган нарсадир». Абу Мусонинг Қуръонни тиловат қилиши, олимнинг уламоларга тиловат қилиши бўлган. Улар уни тинглаш орқали Роббиларининг каломини тушунганлар ва ўз касалликларига ундан даво топганлар. Улар оятлардаги тушунчаларни баён қилиш, ўрганиш ва муҳокама қилиш учун кенгашлар ўтказардилар. Ибн Аббосдан ривоят қилинишича: «Умар Бадрда қатнашган оқсоқоллар билан менинг олдимга кирса, улардан баъзилари ғазабланиб, Умарга: бизнинг ҳам унга ўхшаган ўғилларимиз бор, нима учун бу (ёш бола)нинг олдига бизни олиб кирдинг дер эди. Шунда Умар: ахир сизлар уни биласизлар-ку, дер эди». Бир куни Умар Ибн Аббоснинг илмининг зиёдалигини кўрсатиб қўйиш учун уни чақирди ва оқсоқоллар билан унинг олдига кирди. Сўнг: Аллоҳ Таолонинг

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ﴾

**«Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса»**

[Наср 1]

қавли ҳақида нима дейсизлар деб сўради. Шунда уларнинг баъзилари: Агар Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса, Аллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишимизга буюряпти дейишди. Қолганлар эса сукут сақлашди. Умар менга: Сиз ҳам бундай деб ўйлайсизми эй ибн Аббос

деган эди, мен: йўқ дедим. Шунда Умар: унда нима дейсиз, деди. Мен эса, бу Росулulloҳ ﷺнинг ажалидир, Аллоҳ буни у кишига шундай билдирди. Аллоҳ Таоло айтяптики:

﴿إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ﴾

(Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса) бу сизнинг ажалингизнинг белгиси.

﴿فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا﴾

**«Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай «шерик»лардан) покланг ва У зотдан мағфират сўранг! Зеро У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган зотдир»** [Наср 3]

Шунда Умар: Мен ҳам бу борада сиз айтган маънодан бошқасини билмайман, деди.

Улар Қуръонни муҳокама ва дарс қилиш учун йиғинлар ўтказишар эди. Ибн Зайд Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُ اتَّقِ اللَّهَ أَخَذَتْهُ الْعِزَّةُ بِالْإِثْمِ فَحَسْبُهُ جَهَنَّمُ وَلَبِئْسَ الْمِهَادُ ﴿٢٠٦﴾ وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

**«Қачон унга: «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а! Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир»** [Бақара 206-207]

деган қавли ҳақида бундай дейди: Умар ибн Хаттоб ﷺ субҳ намозини ўқиб, ундан бўшаса, ўзининг хонасига кирар ва Қуръон ўқиб берадиган йигитларга одам юборар эди. Уларнинг орасида Ибн Аббос ва акамнинг ўғли Уяйна ҳам бор эди. Улар келиб Қуръон ўқишар ва уни ўрганишар ва пешин вақти бўлгач тарқалишар эди. Улар

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُ اتَّقِ اللَّهَ أَخَذَتْهُ الْعِزَّةُ بِالْإِثْمِ فَحَسْبُهُ جَهَنَّمُ وَلَبِئْسَ الْمِهَادُ ﴿٢٠٦﴾ وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

(Қачон унга: «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а! Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир) оятига келганда, Ибн Зайд: Улар Аллоҳнинг йўлидаги мужоҳидлар, деди. Шунда Ибн Аббос ёнидаги кишига: «Икки киши уришибди», деди. Умар эшитиб қолиб, «нима дединг», деб сўради.



Ибн Аббос «ҳеч нарса эй мўминлар амири», деди. Умар: «Икки киши уришибди», деб айтдингми, деди. Ибн Аббос айтдики: «Мен бу ерда тақвога буюрилса кибру ҳавоси гуноҳга етаклаётган кишини ҳамда Аллоҳ розилиги йўлида ўз жонини берадиган кишини кўряпман. Бири шундай қилади, иккинчиси Аллоҳдан қўрқ дейди. Биринчиси рози бўлмай, кибру ҳавоси гуноҳга етакласа, иккинчиси «мен ўз жонимни бердим» деб, у билан жангга киришди. Шундай қилиб, икки киши уришди». Шунда Умар: «Сени Аллоҳ қўлласин эй Ибн Аббос», деди.

4 – Уларнинг яна бир сифати шу эдики, улар оятдан кўзланган маънони билиш учун, у ҳақида чуқур илмми кишилардан сўрашар ва ўзаро савол-жавоб қилишар эди. Саид ибн Жубайр ибн Аббосдан ривоят қилади: Мен тошнинг устида ўтирган эдим, бир киши келиб, Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَالْعَدِيَّتِ صَبْحًا﴾

**«Ҳарсиллаб чопадиган отлар»**

[Адият 1]

ояти ҳақида сўраб қолди. Мен унга: Булар Аллоҳнинг йўлида бостириб борадиган отлардир. Кейин кеч кирганида чавандозлар овқат тайёрлаб, ўт ёқадилар, дедим. У менинг олдимдан кетиб Али ибн Абу Толиб عليه السلامнинг олдига бориб, шу оят ҳақида сўрабди. У киши Замзам билан суғориш ишлари билан машғул экан. У: мендан олдин бу ҳақда бирортасидан сўрадингми деган экан, у ҳа ибн Аббосдан сўрадим, у Аллоҳ йўлида бостириб борадиган отлар деди, деб айтган экан. Шунда Али бориб уни менинг ҳузуримга чақир, дебди. Мен унинг ёнига келган эдим, у киши: Одамларга билмаган нарсангиз тўғрисида фатво берасизми, Аллоҳга қасамки, Исломдаги биринчи жанг Бадр бўлган эди. Унда биз билан фақат иккита от, яъни Зубайр ва Миқдоднинг оти бор эди, ҳарсиллаб чопувчи отлар Арафотдан Муздалифагача ва Миногача чопадиган отлардир, деди. Ибн Аббос айтади: «Шунда мен ўзимнинг фикримни тарк этиб, Али عليه السلامнинг сўзини олдим».

5 – Булардан кейин тафаккур қилиш босқичи келади. Бу босқичда сура ва оятлар ҳақидаги илмларга эътибор бериш лозим. Сурага оид илмларга келсак:

1 – Суранинг номи: агар унинг номлари кўп бўлса унинг номлари ҳақида;

2 – Суранинг нозил бўлиш жойи ва замони, (Маккада нозил бўлганми ёки Мадинадами);

3 – Суранинг оятлари сони, ундаги сўзлар ва ҳарфлар сони;

4 – Унинг фазилатлари, агар бўлса;

5 – Суранинг ўзидан олдинги сурага муносабати ҳамда бошланиши ва ниҳоясининг бир бирига муносабати. Шунингдек, мавзуларининг бир бирига боғлиқлиги;

6 – Суранинг мавзулари.

Оят илмлари:

1 – Тафсири. Бу ҳақда юқоридаги биринчи қисмда айтиб ўтдик;

2 – Фазли;

3 – Унинг номи;

4 – Нозил бўлиш макони ва замони;

5 – Қироатлари. (Агар унинг қироатларида фарқ бўлса, албатта);

6 – Эъроби (ҳаракатлари);

7 – Қонунчиликка оид ҳукмлари. (Одоб ахлоқ ва яшаш тарзи каби фикҳий ҳукмлари);

8 – Ақидавий ҳукмлари;

9 – Носих ва мансүхлари. (Салафлар истилоҳида);

10 – Оятнинг қаерда тўхташи;

11 – Нозил бўлиш сабаблари;

12 – Мўъжизаси ва балоғат жиҳатлари... Мана шу маълумотлардан кейин Қуръон ҳидояти ва мақсадлари ҳақидаги чуқурроқ нарсаларга ўтилади. «Ким Қуръонни жамласа, буюк ишни кўтарибди ҳамда гарчи унга ваҳий қилинмаса-да, гўё пайғамбарлик унинг икки елкасига жойланибди». Шунинг учун киши бу китобни тушуниши, унинг рисолатини дунёга олиб чиқиши ва ўрганган шу рисолаларини етказиши лозим.

6 – Қуръонни сокин ва тинч ҳолатда қироат қилиш уни ўрганиш ва яхши тушунишга ёрдам беради. Ҳадисда бундай келади:

«إِنِّي لَأَعْرِفُ أَصْوَاتَ رُفَقَةِ الْأَشْعَرِيِّينَ بِالْقُرْآنِ حِينَ يَدْخُلُونَ بِاللَّيْلِ، وَأَعْرِفُ مَنَازِلَهُمْ مِنْ أَصْوَاتِهِمْ، بِالْقُرْآنِ بِاللَّيْلِ، وَإِنْ كُنْتُ لَمْ أَرَ مَنَازِلَهُمْ حِينَ نَزَلُوا بِالنَّهَارِ»

**«Албатта Мен Ашъарийлар жамоасини тунга бориб Қуръонга ошно бўлганларида уларнинг овозларидан танийман. Гарчи кундузи ўз уйларига кирган пайтларида, қайси уйга кирганларини кўрмасам-да, тунда Қуръон ўқигандаги овозларидан уларнинг уй манзилларини биламан».** Туннинг бир қисмида ва қалб жамланган пайтда Қуръонни шошилмай дона-дона қилиб ўқиш кишига ўзгача ором бахш этади. Шунинг боис, Парвардигорнинг Китоби билан қоп-қоронғи тунга кириб, Қуръондан ёд олганларингизни ўқинг, маъно-мазмунларини тадқиқ этинг. Тунда Парвардигорнинг китобини ўқийдиган ва бу каломнинг эгасига сажда қиладиган ва натижада у зотга яқинлашадиган Уммат бўлинг.

7 – Қуръоннинг одобларига риоя қилиш уни ўрганиш (тасвир)га ёрдам беради. Албатта Қуръон мақтовга лойиқ, ҳурматли ва кучли китобдир. Шундай экан, бу китобни одоб билан ўқиш лозим. Қорининг одоблари китобларда бор. Жумладан Ожирийнинг «Қуръонни етказиш одоби» номли ҳамда Нававийнинг «Тибён» номли китоби. Қуръонни ўрганаётганда таҳзиб (Қуръоннинг қисмлари)га эътибор бериш лозим. Қунъонни таҳзиб қилиш (жузларга бўлиш) суннатдан олинган. Бу қориларда «فمي بشوق» деган сўзда жамланган: Бу сўздаги биринчи ف ҳарфи Фотиҳа сурасидир. Яъни Қуръоннинг еттидан бирининг биринчи қисми бўлиб, Фотиҳа сурасидан Нисо сурасининг охиригача бўлади. Иккинчи ҳарф م Моида сурасидир. Яъни, еттидан икки қисми бўлиб, Моида сурасидан Тавба сурасини охиригача бўлади. Учтинчи ҳарф ي Юнус Сурасидир. Яъни еттидан уч қисми бўлиб, Юнус сурасидан Наҳл сурасининг охиригача бўлади. Тўртинчи ҳарф ب Бану Исроилдир. Яъни, еттидан тўрт қисми бўлиб, Бану Исроил (Исро) сурасидан Фурқон сурасининг охиригача бўлади. Бешинчи ҳарф ش Шуаро сурасидир. Яъни, еттидан беш қисми бўлиб, Шуаро сурасидан Ясин сураси охиригача бўлади. Олтинчи ҳарф ز Вассофатдир. Яъни еттидан олти қисми бўлиб, Вассофат сурасидан Ҳужурот сурасининг охиригача бўлади. Еттинчи ҳарф ق – Қоф сурасидир. Яъни, еттидан еттинчи қисм бўлиб, Қоф сурасидан Қуръоннинг охиригача бўлади. Бу услуб бир ҳафтада Қуръонни хатм қиладиганлар учун ишлаб чиқилган. Инсон тадаббур қилиш учун бундан бошқа хатм услубини ишлаб чиқиши ҳам мумкин. Айрим салафлардан 40 йиллик услуб ҳам қўлланилган. Қуръонни ўрганиш ва тадаббур қилишга олиб борадиган йўллар жуда ҳам кўпдир. Шундай экан, бу йўлга юрган одам ушбу мавзуда ёзилган битта ёки иккита китобни ўқисин, сўнг Қуръонни ўрганишда ўша китобларда келтирилган усулга таянсин.

Илмга алоқадор бўлганларни энг кўп қийнайдиган нарса, бу уларнинг нутқларида Қуръоний далил келтиришнинг заифлигидир. Аксинча улар учун Аллоҳнинг каломи билан далил келтириш ўрнига Ғарб ва Шарқ каломидан далил келтириш яқинроқдир. Ҳеч шубҳасиз, «Қуръони Каримнинг тафсилотларида шундай илм ва иймон борки, инсонлар улар билан чексиз фазилатларга эришадилар», «Инсонлар куну тун ўқиётган Қуръонни тушунишда улуғ фазилатлар бор». Аммо «Қуръон бутун махлуқот истайдиган манба бўлиб, ҳар ким ундан Аллоҳ Таоло ўзи у учун ажратган миқдорича олади». (Можаролар қалқони китоби, 7-жуз, 724-саҳифа). Аллоҳ Абу Аббос Ибн Таймийяни раҳмат қилсин. Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. □

**ЖАННАТ  
БОҒЛАРИ**

قال رَسُولُ اللَّهِ ﷺ : «إِذَا مَرَرْتُمْ بِرِیَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعَوْا»

Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Агар жаннат боғларидан  
утсангизлар, (мул-кул мевалардан) тотинглар»

**ЖАННАТ  
БОҒЛАРИ**

**«АЛЛОҲ ТАОЛО БУ ДИНДА ЎЗИГА ИТОАТ ҚИЛИНИШИДА  
Фойдаланадиган кўчатларни ўтқазишдан тўхтамайди»**

– Ибн Можжа ўзининг «Сунан»ида ҳасан санад билан ривоят қилишича, Абу Инаба Хавлоний Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитгандим дейди:

«لَا يَزَالُ اللَّهُ يَغْرَسُ فِي هَذَا الدِّينِ غَرْسًا يَسْتَعْمِلُهُمْ فِي طَاعَتِهِ»

**«Аллоҳ Таоло бу динда ўзига итоат қилинишида  
фойдаланадиган кўчатларни ўтқазишдан тўхтамайди».**

Ушбу ҳадис шу маънони тасдиқловчи бошқа ҳадисларни қувватлайди. Жумладан Абу Довуд Росулulloҳ ﷺдан ривоят қилган

«إِنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ لِهَذِهِ الْأُمَّةِ عَلَى رَأْسِ كُلِّ مِائَةٍ سَنَةٍ مَنْ يُجِدُّ لَهَا دِينَهَا»

**«Аллоҳ Таоло бу Умнат учун ҳар юз йил бошида динни  
янгилайдиган кишини чиқариб беради»** ҳадиси ва Ибн Можжа ривоят қилган

«لَا تَزَالُ طَائِفَةٌ مِنْ أُمَّتِي قَوَّامَةٌ عَلَى أَمْرِ اللَّهِ لَا يَضُرُّهَا مَنْ خَالَفَهَا»

**«Умнатимдан бир гуруҳ Аллоҳнинг амрини бажаришда давом  
этади. Унга қарши бўлганлар зиён етказа олмайди»** ҳадис... Бу ҳадисда Росулulloҳ ﷺ Умнатга хушxabар бериб айтяптиларки, Аллоҳ Умнат орасидан динига ёрдам бериб, уни ҳимоя қиладиганларни қиёматгача чиқариб туради. Бу «давом этади» ибораси билан келяпти. Ҳадис яна шунга далолат қиладики, Умнат диндан узоқлашиб заифлик ва тарқоқлик даврини ҳам босиб ўтади. Шундай ҳолат рўй берганда, Аллоҳ Таоло Умнат орасидан эгриликларни тўғрилайдиган, тушунчаларни тузатадиган, узилиб қолган шариат арқонини янгилайдиган ва уни тўғри йўлга бошлайдиган кишини юборади. Ҳадисда ишора қилинишича, дин қандай нозил бўлган бўлса шундайлигича асл ҳолатида сақланиб, давом этади. Динни бузиб, ўзгартиришга қаратилган ички ва ташқи уринишларга келсак, улар тезда барбод бўлади.

Муҳаммад ﷺ Уммати орасидан Аллоҳнинг тавфиқи ила янгилаш ва ислоҳ қилиш вазифасини ўз зиммасига олган киши ҳар доим чиқади. Шундай экан, қиёматгача бу Умматни яхшилик тарк этмайди... Ҳадисда «кўчат ўтқазиб» нисбатининг Аллоҳга берилиши шунга далолат қиладики, кўчат мева бериб, яхшилик бутун Умматни қамраб олгунича Аллоҳнинг ўзи уни парвариш қилади ва ҳидоятга бошлаб қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, Аллоҳнинг ёрдами билан шариат аҳкомлари тикланади ва яхшилик бутун Умматни, ҳатто бошқа одамларни қамраб олгунича унга амал қилинади. Аллоҳ Таоло Уммат орасидан бу ишни бажарадиган кишини чиқаради ҳамда унга воқеликни тушуниш, ҳукмларни истинбот қилиш, етакчилик қилиш ва сиёсий воқеликни яхши англаш қобилиятини беради. Ҳадисдан маълум бўладики, Уммат бугунгидек заифлик ва тарқоқлик ҳолатидан халос бўлиш йўлини ташқаридан эмас, балки ўз динидан излаши керак. Бошқача айтганда, Уммат динни қайта тиклаш ва унинг тушунчаларини янгилаш ишида шу давр учун Аллоҳ ўтқазган кўчатга ҳамроҳлик қилиши учун уни излаб топмоғи лозим. Ўз навбатида бу кўчат ҳам ҳидоятга эргашувчи кишиларни излаши керак.

Бу кўчат, шак шубҳасиз, динни ўрганиб унга амал қилишда, уни татбиқ этиб тарқатишда Пайғамбарлик меросини сақлаб қолиш вазифасини ўз зиммасига олади... Улар шахслар бўладими ёки жамоатми – бундан қатъий назар – Исломни нозил бўлган кундаги ҳолига келтириш учун ҳаракат қиладилар. Улар динда бўлмаган барча нарсаларни олиб ташлаб, уни ўзининг ёрқинлиги, поклиги ва софлигига қайтардилар. Ҳа, қачон иш фақат алоҳида шахсларга алоқадор бўлганида динни янгилаш шахслар томонидан амалга оширилади. Аммо бугунгидек заифлик, бало ва мусибатлар кенг тус олиб, ҳеч ким уни ўзгартиришга қодир бўлмай қолса, Аллоҳ бу ишни бажарадиган жамоаларни чиқаради. Росулulloҳнинг қуйидаги ҳадиси бизга шунини эслатмоқда:

«إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ. قِيلَ: وَمَنْ الْغُرَبَاءُ؟ قَالَ: التَّرَاغُ

من القبائل»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди, у яна аввалгидек (ғариб ҳолатда) қайтади. Ғарибларга тубо жаннати бўлсин. Шунда ғариблар ким деб сўралган эди, Росулulloҳ ﷺ: **қабилалардан узилганлар**, деб жавоб бердилар». «Дурарус сунний» ҳадис энциклопедиясида ушбу ҳадис шундай шарҳланган: «Ислом бошланишда қийинчилик ва машаққатларга йўлиқди, чунки ҳақ дин шундай бўлади. Ушбу ҳадисда Росулulloҳ ﷺ

«إِنَّ الْإِسْلَامَ بَدَأَ غَرِيْبًا»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди», дедилар. Чунки бу дин жаҳолат ичидан чиқди ва жоҳилият одатларини ташлашга чақирди, шунда одамлар уни ғариб деб ҳисоблашди.

«وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ»

«У яна ўшандай ҳолатда қайтади», дегани эса яна жаҳолат тарқалган, одамлар жоҳилий урф одатларга қайтишган ва диндан узоқлашган пайтда қайтиб келади, деган маънодадир.

«فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ»

«Ғарибларга тубо бўлсин» дегани эса, Исломнинг бошланишида ҳам, охирида ҳам кам сонли бўладиганларга жаннат бўлсин маъносидадир. Росулulloҳ ﷺ уларни кофир ва бидъатчиларнинг азобига сабр қилганликлари туфайли хосладилар. «Ғариблар кимлар» деганининг маъноси бизга уларнинг сифатларини таърифлаб беринг маъносидадир.

«النِّزَاعُ مِنَ الْقَبَائِلِ»

«Қабилалардан узилганлар» деганининг маъноси эса Аллоҳ учун ўз ватанларини тарк этган, ҳақ дин ва тўғри йўлда юрган ҳамда одамлар қонун ва шариатни бузиб, уларни ўзгартирганларидан кейин ҳам тўғри йўлда юрганлар маъносидадир. Ғариб деб аталишининг сабаби улар ўз аҳли оилаларини тарк этиб, улардан узоқлашишди. Бир ривоятда бундай дейилади:

«قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَمَنْ الْغُرَبَاءُ؟ قَالَ: الَّذِينَ يُصْلِحُونَ عِنْدَ فِسَادِ النَّاسِ»

«Эй Аллоҳнинг Росули ғариблар ким? - деб сўрашган эди, Росулulloҳ ﷺ: **одамларнинг бузганини ўнглайдиганлар, деб жавоб бердилар**». Бошқача айтганда, одамлар суннатларни

бузиб, шариатларни ўзгартирганларида улар ҳақ дин ва тўғри суннатни ушлашда давом этадилар. Бу Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлик хушxabарларидандир. Дин одамлар қалбида заифлашиб, вақт ўтган сари улар диндан узоқлашадилар. Ҳадисда ким бало, машаққат ва фитна пайтида сабр қилса яхши мукофот бўлиши ҳақида, шунингдек, мўмин одам доим яхшиликка ҳаракат қилиши ва одамларнинг фасоди унга зарар бера олмаслиги ҳақида башорат бор.

Ушбу ҳадисни бугунги кунларимизга қандай татбиқ этиш керак? Бунга энг яхши жавоб Мавдудий роҳимаҳуллоҳнинг «динни янгилаш» мавзусида ёзган гапларидир.

Абу Аъло Мавдудий ўзининг (Динни янгилаш ва уни тирилтиришнинг қисқача тарихи: муслмонлар воқелиги ва уларни уйғотиш йўллари) номли китобида янгилашни шундай таърифлайди: «У динни қандай нозил бўлган бўлса, шундайлигича, яъни бидъат ва нафс ҳаволар лойқалатмаган соф ҳолга қайтаришдир». Мужаддид эса: «Диннинг хусусиятларини йўқ қилингандан кейин тирилтирган ва арқонлари узилгандан кейин янгиланган кишидир». Мужаддидларга бўлган эҳтиёж ҳақида гапирар экан, қандайдир замонда динни янгилаш учун диний илмларни янгилашнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки бунда барча илм ва фанларга таъсир ўтказишни ўзида жамлаган кенг қамровли, уюшган ҳаракатни пайдо қилиш лозим бўлади, дейди. У яна бундай дейди: «Ислом дини ҳар бир даврда замон йўлларини йўналтирувчи, унинг йўлини Исломга тўғрилаб берадиган кучли инсонларга муҳтож бўлган ва ҳозир ҳам муҳтож». Унинг айтишича, уларнинг бу борадаги ишлари кенг қамровли муҳитми ёки масаланинг айрим жиҳатлари билан чекланадими фарқи йўқ, ўшалар мужаддид деб аталадилар.

Мавдудий мужаддид эгаллаши керак бўлган хусусиятларни шундай шарҳлаган: Мужаддид Пайғамбар эмас, лекин у ўз табиати ва хулқ атворида пайғамбарлик хулқ атворига яқиндир. Мужаддид эгаллаши керак бўлган хусусиятларга қуйидагилар киради: Тиниқ фикр; Ўткир нигоҳ; Тойилмасдан тўғри фикрлаш; Ҳаддидан ошиш ва бепарволик ўртасини фарқлай олиш қобилияти; Ҳаддидан ошиш ва бепарволик ўртасида мўътадилликка риоя қилиш; Ҳозирги шароит ва асрлар давомида илдиз отган эски тарафкашлик таъсиридан холи

фикрлаш; Замоннинг бузуқ оқимларига қарши мардона ва дадиллик билан туриш; Етакчилик ва бошқариш қобилияти; Ижтиҳод қилиш, бунёдкорлик ва янгилик яратиш қобилияти; Ҳатто жузъий масалаларда ҳам Исломни жаҳолатдан фарқлай билиш; Ўз нуқтаи назари, тушунчаси ва ҳис туйғуларида ростгўй бўлиш; Ҳақиқатни ойдинлаштириб бера олиш ва ҳатто асрлар давомида йиғилиб қолган муаммоларга ечим бера олиш. Киши бу хусусиятларсиз мужаддид бўла олмайди. Пайғамбар ва элчилар бундай хусусиятлар борасида бошқалардан бир неча баробар устун бўлганлар.

Мавдудий мужаддид ташлаши керак бўлган қадамларни ҳам белгилаб берди, жумладан: Йўқ қилиниши керак бўлган хато ва нуқсонларни аниқлаш; Фикрий ва назарий инқилобни амалга оширишга интилиш. Яъни одамларнинг фикрларини ўзгартириш ҳамда уларнинг ақидалари, ҳис туйғулари ва ахлоқий нуқтаи назарини исломий андозага солиш; Соғлом исломий ақлияни қайта тирилтириш, исломий тарзда етакчи бўлишга яроқли бўлган кишилар номзодини кўрсатиш; Динда ижтиҳод қилиш; Кураш ва ҳимоя, бу Исломни йўқ қилиш ва бостириш учун юксалиб бораётган сиёсий кучга қарши курашиш ҳамда Исломнинг уйғонишига йўлни тайёрлаш учун ўша сиёсий кучнинг шавкатини синдириш ва исломий низомни тирилтиришдир. Бу эса, жоҳиллар қўлидан салтанат калитини тортиб олиш ҳамда ҳокимиятни Росулulloҳ ﷺ уни Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик деб атаган низом асосида тиклаш орқали амалга ошади; Оламшумул инқилобни пайдо қилиш, бунинг маъноси битта юртда ёки фақат мусулмонлар яшайдиган бир неча юртда исломий низомни тиклаш билан чекланмаслик, аксинча, бутун ер юзиде ислоҳий ва инқилобий исломий даъватнинг ёйилишини таъминлайдиган ва Ислом ҳазорати ер юзига ғолиб ҳазорат бўладиган кучли ва оламшумул ҳаракатни пайдо қилишдир.

Мавдудийнинг бу ажойиб сўзлари тиббиёт рецептига ўхшайди. Шундай экан, табиб қаерда?! Ер юзиде янгиланишни шакллантирадиган киши борми ёки ер ундай кишидан ҳолими? Ҳа, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, Аллоҳ Таолонинг ёрдами ва мадади билан шу муҳим вазифага уни яроқли қилиб қўядиган шаръий хусусиятларга эга кишилар бор. Бу шундай муҳим вазифаки,



ундан муҳими мавжуд эмас ҳамда дин қандай нозил бўлган бўлса ўшандайлигича тикланиши шунга асосан амалга ошади. Бу бошиданоқ Пайғамбарлик минҳожидан асосидаги Халифаликни барпо этиш мақсадида ташкил этилган Ҳизб ут-Таҳрирдир. Чунки Халифаликни барпо этиш мусулмонлар ўз ҳаётларида уни барпо этмасалар барчаси гуноҳкор бўладиган ҳамда у билангина ҳаётлари тўғри бўладиган фарзидир... Ҳизб ут-Таҳрир Росулulloҳ ﷺ ушбу фарзидан амалга оширган кунда асосланган тариқатга асосланди ва ўз йигитларини Росулulloҳ ﷺ саҳобалари учун тайёрлаган йўлда тайёрлади. Шунингдек, у ижтиҳодда ва ўз амаллари ҳукмларини истинбот қилишда Исломдаги ижтиҳод йўлига биноан юрди. У воқелиқдан таъсирланмади, балки воқеликка таъсир қилишга ва уни шаръий ҳукм билан ўзгартиришга ҳаракат қилди. Ҳизб ички ва ташқи сиёсий вазиятни доим кузатиб, унинг ўйинларини фош қилишда ўз маҳоратини оширди. У Исломий Умматни ўз даъвати учун майдон сифатида ушлади ҳамда минтақапарастлик ёки тарафкашликка эътибор бермади. Ҳизб ўз даъватини оламшумул тарзда таклиф қилди ҳамда Росулulloҳ ﷺ олиб келган ва Қуръони карим у зот учун тасдиқлаган нарсаларни тўлдирди. Унинг даъвати умумбашарий ва инсоний бўлиб, бутун Умматни ўз ичига олди. Ҳизб ўз даъватини оламнинг барча давлатларидаги мусулмонларга етказди. Бунга қўшимча ўлароқ унинг қўлида кўплаган кишилар Исломга кирди, Халифаликни тиклагач одамлар тўп-тўп бўлиб Исломга киришини айтмаса ҳам бўлади... Кишини хотиржам қиладиган яна бир нарсаси шуки, бу гуруҳ энг оғир кунларни, машаққатли шароитларни бошдан кечирди, ўшанда унинг тарафдорлари оз эди. Лекин у унинг ўтмишдошлари ва улардан олдин Пайғамбарлар сабр қилганидек сабр қилди... Сиз Аллоҳдан мақсад сари юриш ва ҳидоятда собит туришда ёрдам беришини сўранг. Агар Аллоҳ ёрдам бермаганида бу даъват давом этмаган бўлар эди. Лекин у Аллоҳнинг фазли ва марҳамати билан пайдо бўлди ва ўз йўлида тўхтамади. Бу даъват сиз унга нусрат ва ғалаба сўраганингиздек, у ҳам Аллоҳнинг марҳаматини кутмоқда. Шунингдек, Аллоҳ унинг даъватини ижобат қилиши, ер юзиде халифаларидан қилиши ва динни тиклаш ишида сабабчилардан қилишини интизорлик

билан кутмоқда. Бундан ташқари, у арш остидан нозил бўлган ёрқин калималар билан Аллоҳдан истиғфор сўрамоқда.

﴿رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إَصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ۗ وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

**«Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг хожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!»** [Бақара 286]

Ҳа, Росулulloҳ ﷺнинг:


«لَا يَزَالُ اللَّهُ يَغْرَسُ فِي هَذَا الدِّينِ غَرْسًا يَسْتَعْمِلُهُمْ فِي طَاعَتِهِ»

**«Аллоҳ таоло бу динда ўзига итоат қилинишида фойдаланадиган кўчатларни ўтқазишдан тўхтамайди»** деган ҳадисининг маъноси Аллоҳ Таоло барча мусулмонларни қобилияти, кучи ва имконияти борича шу кўчат бўлишга ҳаракат қилишни талаб қилади... Аллоҳ Таоло мусулмонлардан улуғ нарсани сўрар экан, бу нақадар таскин берадиган ишдир. Шунингдек, мусулмонлар бу ишни Аллоҳ ғамхўрлиги билан уларга осон қилиб қўйганини, у ўсиб, илдиз отганини ва Умматнинг вужудига янгилаш ва ғалаба қилиш шаклида кириб келганини кўрадилар. Бу Убай ибн Каъб Росулulloҳ ﷺ ривоят қилган қўйидаги ҳадиснинг тасдиқидир:

«بَشِّرْ هَذِهِ الْأُمَّةَ بِالسَّيِّئِ وَالنَّصْرِ وَالتَّمَكِينِ فَمَنْ عَمِلَ مِنْهُمْ عَمَلًا آخِرَةً لِلدُّنْيَا لَمْ يَكُنْ لَهُ فِي الْآخِرَةِ نَصِيبٌ»

**«Бу Умматга юксалиш, нусрат ва ғолиблик ҳақида башорат қилинг. Шундай экан, улардан кимки охират ишини дунё учун қилса, охиратда у учун насиба бўлмайди.»**

Ҳа, ғалаба башоратлари яқинга ўхшайди. Мусулмонлар оммаси уни умумий ҳис қилаётган бўлса, ҳақ даъват эгалари



бўлмиш янгилаш вазифаси соҳиблари ҳам унинг яқинлигини ҳис қиладилар, лекин унинг вақтини аниқ айта олмайдилар. Чунки нусратнинг вақти ва кўринишини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Биз нусратнинг қачон бўлишини билмасак-да, лекин ўзимизни ўша нусратга олиб борадиган йўлда эканимизни биламиз... Агар Аллоҳ Таоло ўз динига нусрат беришни хоҳлаган экан, унинг сабабларини ҳам тайёрлаб қўйган. Ҳар биримиз халқаро майдонда бўлаётган ҳодисалар мана шу йўналишда кетаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. □

**САУДИЯ РЕЖИМИ ҒАРБГА СОДИҚ БЎЛИБ, МЎМИНЛАР ЙЎЛИДАН БОШҚА ЙЎЛГА  
ЮРМОҚДА**  
**(МУҲАММАД ИСОНИНГ АРАФОТДАГИ ИМОМЛИК ВА ВОИЗЛИККА ТАЙИНЛАНИШИ)**

Ислом конференцияси ташкилоти бош котиби ва Саудия Арабистонидаги катта уламолар кенгаши аъзоси Муҳаммад Исонинг бу йил зиёратчиларга воиз ва имом этиб тайинланиши ҳақидаги қарор кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Сўнг баъзи мусулмонлар Саудия ҳукуматидан «Дини ва омонатгўйлиги шубҳа остида» бўлгани учун уни ишдан бўшатишни талаб қилишди. Шунингдек, зиёратчиларни «бу одамнинг орқасида намоз ўқишдан сақланишга ва ўз чодирларида жамоат бўлиб намоз ўқишга» чақиришди. Уларга кўра, унинг зиёратчиларга имомлик қилиши «воқеий ва шаръий жиҳатдан нотўғри бўлиб, бу Аллоҳнинг шариати ва ҳукмларига зиддир». Шунингдек, «диннинг асосларида айблардан пок одамгина имомлик қила олади». Улар уни «диннинг асосларини камситувчи» хатти-ҳаракатлар қилганликда айблашди. Жумладан сионистларга дўстлик изҳор қилиши, Ҳинд коҳинлари билан ҳамтововқлиги, Холокост қурбонларига дуо қилиши, Франциядаги мусулмонларга қарши гижгижлови, Тони Блэр ва кичик Буш билан Исломга қарши урушда иштирок этиши ҳамда яҳудий ва насронийлар мусулмонлар билан дўст деб баёнот бериши...

**Ал-Ваъй:** Бугун Аллоҳнинг ғазабига учраганларни истисно қилганда саудияликларнинг барчаси Саудия режимининг динга қарши журъатидан ҳайратда. Яқинда бу режим Муҳаммад Исони дунёнинг турли бурчакларидан келган зиёратчиларга воиз ва имом этиб тайинлаш орқали бутун дунёда Ислом ва мусулмонларга қарши чиқиш даражасига келди... Бу одам ўзининг фосиқлиги ҳамда у ҳақида айтилган ва айтилмаган айблари билан машҳур бўлиб, мусулмонлар уни Саудия Арабистонида ҳам, хорижда ҳам қабул қилишмайди. Дарҳақиқат, мусулмонлар бу одамнинг ушбу тайинланишига қарши кенг миқёсда қарши чиқишди. Улар зиёратчиларни «бу одамнинг орқасида намоз ўқишдан сақланишга ва ўз чодирларида жамоат бўлиб намоз ўқишга» чақиришди.

Тўғриси, улар Исога қарши чиқиш ҳамда унинг шармандали ва очиқ аксил исломий позициясини фош қилишдан ташқари, ҳужумларини Саудия ҳукмдорларига қаратишлари керак эди. Чунки улкан норозиликка қарамай, бунга мана шу ҳукмдорлар қарор қилишди ва қарорларида қаттиқ туришди... Бу қарорни режим позицияси деб талқин қилиш мумкин. Бу андоза мусулмонларни эмас, уни тайин қилганларни тамсил этади. Бу шахснинг фосиқлиги режимнинг фосиқлигидир. Чунки у қироллик томонидан тайинланган. У қироллик томонидан тайин қилингани учун катта уламолар конференциясига аъзосидир. У адлия вазирлигига ҳам вазир этиб тайин қилинган. У қироллик судининг вазир даражасидаги маслаҳатчиси, шунингдек, бир қатор муҳим лавозимларни эгаллаган. Жумладан: шикоятлар бўйича кенгаш раиси ўринбосари, олий суд кенгаши раиси, адлия вазирлари кенгашининг фахрий раиси, мусулмон олами лигаси бош котиби ва халқаро мусулмон уламолари кенгаши раиси... Буларнинг барчаси Саудия режими томонидан бўлган. Шундай экан, илоннинг бошини қўйиб, унинг думи билан машғул бўлиш керакми?! Бу кишининг ортида Саудия ҳукмдорлари турибди. Шунинг учун ўшаларга қарши курашиш афзалроқдир. Шубҳасизки, Саудия режими воизликка Исони тайинлаши ва бу ишда қаттиқ туриши билан Ғарбга, яҳудийларга ва Аллоҳнинг барча душманларига ўзининг уларга содиқ экани ҳамда Ғарб модернизацияси йўлида кетаётгани ҳақида нома йўллади. Шунингдек, мўминлар йўлидан бошқа йўлни тутаётгани ҳақида мусулмонларга нома йўллади.

Бу масалада эътибор бериш керак бўлган нарса шуки, бу шубҳали одамга кўрсатилган қаршиликдан кейин ҳам барибир уни бутун дунёдан келган ҳожиларга имом қилишди. Маълумки, Намира масжидида Арафот куни хутбаси ва ундаги имомат нафақат Аллоҳнинг уйига зиёрат қилувчилар, балки дунё мусулмонларининг ҳам диққат марказида бўлади. Лекин биз айтамызки, ҳамд ва фазл Аллоҳ учундир, сеҳрнинг таъсири сеҳргарнинг ўзига қайтди. Дарҳақиқат, мусулмонлар уйғонишди ва бу одамнинг кимлиги ва Аллоҳнинг динига хиёнат қилишдаги мавқеини билишди. Улар Ислом билан ҳукм юритишаётганини даъво қилаётган, инглизлар билан тил бириктирган ва уларга малайлик қилган ҳолда Исломий Халифаликни қулатишда қатнашган ва тил бириктириш орқали Фаластиндан воз кечган Саудия қироли оиласининг айбларини кўришди... Уларга Аллоҳнинг буйруқларидан қанчалик узоқ бўлишларидан қатъий назар, режим буйруқларидан оғишмай, унга эргашган уламоларнинг роли фош бўлди. Айтаётганларимизга ёрқин мисол сифатида Масжидул Ҳаром Масжидун Набавия ишлари бўйича бош раис шайх Абдуррахмон Судайсининг Исога йўллаган табригини келтириш мумкин. Унда ахборот воситалари чоп этганидек жумладан бундай дейилади: «Сизни бу йилги Намира масжидидаги арафа куни учун воиз қилиб тайинланишдек шарафли ишончни қозонганингиз билан табриклайман».

Эҳтимол, Саудия уламолари орасида тарқалган энг катта хато тушунчалардан бири «ҳукмдор мусулмонларнинг валийсидир, у мусулмонлар манфаатларини ва ишлар назоратини яхши билгани учун қатъий масалаларда шариатга қарши келса-да унга мутлақо итоат этиш вожиб» деган тушунча бўлса керак. Бу ношаръий иддао ҳамда Ислом ҳақидаги ва ҳокимларни муҳосаба қилиш ҳақидаги нотўғри тушунча Исломдан эмас. Чунки мутлақ итоат Аллоҳга ва Аллоҳ томонидан маъсум етказувчи деб таърифланган Росулига бўлади. Бундай иддаони мусулмонлар рошид халифалар замонида ҳам, биринчи асрларда ҳам кўрмаганлар. Бу тарих давомидаги исломий фикрда ҳам бўлган эмас. Фақат Саудия ҳукмдорлари келиб, ваҳҳобийлик мазҳабидан хоҳлаганча динга қаршилик қилишда фойдаланиб, ўзларига муҳолиф бўлганларга қарши чиқишгандан кейингина пайдо бўлди. Шунинг учун айтамызки, бу ҳодисани мусулмонларга ёмонлик деб ҳисобламанглар, балки яхшилиқдир. Унинг яхшилиги шундаки, Ҳижоз юрти уламолари Саудия ҳукмдорларига қарши қўзғалиб, шаръий ўзгартириш амалиётини амалга оширсинлар ва улардан олдинга ўтиб кетган бошқа мусулмонларга қўшилсинлар. Шунга кўра, Саудия Арабистонида бу тушунчани янгилайдиган бир гуруҳ тақводор олимлар бўлиши керакки, ўзгариш жараёни улар билан бошланиши мумкин... Олимнинг муҳим вазифаси бу ҳақни билиш, уни тиклаш ва унга даъват қилишдир. Аллоҳ Таоло ундан шу иш устида ваъда олган. Биз ўша холис уламоларга айтамызки, ҳақиқатга даъват қилиш бўйича сиздан ўтиб кетган биродарларингиз бор. Сизнинг ва уларнинг амали биттадир. У ҳам бўлса, тоғут режимларни қулатиб, қанчалик ўлим, қамаш, азоблаш, қувғин ва обрў тўкиш каби ишларга йўлиқса-да, Аллоҳнинг ҳукмини қоим қилишдир... Сиз ўзгартириш учун Росулulloҳ ﷺнинг тариқатини танланг... Эҳтимол бу юрт йўқотилган исломий ўзгартиришнинг шаклланишида биринчи қадам бўлар. □